

**«Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси
«Қатағон қурбонлари хотираси» музейи**

Наим КАРИМОВ

ҚУРБОН БЕРЕГИН ҚИСМАТИ

Тошкент-2006

«Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси ва «Қатагон Қурбонлари хотираси» музейи маъмурияти ушбу рисоланинг дунёга келишида жонбозлик кўрсатган Хива Ичан-қалъа музей қўриқхонасининг етакчи илмий ходими профессор Шихназар Матрасуловга самимий миннатдорчилик билдиради.

“Каримов Н.

Қурбон Берегин қисмати. — Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. - 100 б.

Рисола ўзбек халқи маданиятининг тараққиёти йўлида хизмат қилган таниқли жамоат арбоби, қатагон даврининг Қурбонларидан бири Қурбон Берегин ҳаёти ва ижтимоий фаолиятига бағишланган.

©Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти

ДЕБОЧА

Тошкентнинг Юнусобод туманидаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуини зиёрат қилиб, шошмай-тошмай, бир маромда оҳиста оқиб бораётган анҳор бўйига борсангиз, сувнинг бир мавждан иккинчи, учинчи мавжларга айланиб, тинимсиз олға интилиши хаёлингизни ўзининг тубсиз гирдобига тортиб кетади. Истайсизми-йўқми, хаёлингиз маъюсона, ҳатто мунгли оҳанглар оқимига тушиб, ўтган кунлар, ўтган воқеалар, ўтган кишилар кўз олдингизда гавдалана бошлайди. Зилол мавжлар оқизиб кетаётган барглар оддий барглар эмас, балки кимларнингдир ўтиб кетган, ҳатто баргларга айланган ҳаёти ўлароқ таассурот уйғонади, сизда. Агар адабиётга мойил инсон бўлсангиз, анҳорнинг майин мавжларида Чўлпонлар, Фитратлар, Қодирийларнинг чеҳралари бир онияга бўлса ҳам товланиб юборгандек бўлади. Агар бу қутлуғ масканга қатагон даврининг Қурбони бўлган бобонгиз ёки бирор қариндошингизни ёд этиш учун келган бўлсангиз, худди шу ерда улар билан дийдорлашгандек, улар руҳи билан учрашгандек бўласиз...

Хотира... Инсонга Оллоҳ томонидан берилган руҳий неъмат. Биз ана шу неъмат туфайли ўтган ажодларимизни эслабгина қолмай, ўзимизнинг ҳаётимиз, шууримиз, қалбимизни ҳам поклаб, қайсидир гуноҳларимиз, қусурларимиз, ноҳўя ишларимиз учун Оллоҳдан кечирिशини сўраймиз...

...Ана, кимлардир анҳор бўйига яқинлашиб келмоқда. Кўринишларидан Хоразм воҳасидан келишганга ўхшайди.

- Ассалому алайкум, домла, - сўрашишади улар.

- Ваалайкум ассалом. Хуш келибсизлар... Қайси шамол учирди?...

Хоразмлик зиёратчилар таниқли жамоат арбоби Қурбон Берегиннинг фарзанду неваралари бўлиб, ота-боболарининг 1938 йил 4 октябрда шу орада отилганию дафн этилганидан хабар топишган ва шу табаррук масканни зиёрат қилиш, шу ердан бир сиқим тупроқ олиб кетиш учун яхши ният билан келишган экан.

Маълум бўлишича, улар ота-боболари тўғрисида узук-юлуқ маълумотга эга бўлган эсалар-да, ота-боболари ҳақида, айниқса, унинг фожиали қисмати ҳақида ёрқин тасаввурга эга эмас эканлар. Шунинг учун ҳам уларга ота-боболари Қурбон Берегин ҳақида билганларимни айтиб беришга мажбур бўлдим. Каминанинг қатагон даврининг беғуноҳ жабрдийдаларидан бири Қурбон Берегин тўғрисидаги ҳикоям, балки, сиз учун ҳам мароқли бўлар, ҳурматли китобхон!..

ДАВР ШАМОЛЛАРИ

XX аср, Туркистоннинг бошқа вилоятларида бўлганидек, Хоразмга ҳам қонли воқеалар билан кириб келди.

Хонликни забт этиш вақтида минглаб кишиларнинг ёстиги қуригани ва гулдек воҳанинг вайрон қилингани етмаганидек, генерал фон Кауфманнинг топшириғига кўра, рус шарқшуноси А.Л.Кун саройдаги Хоразм халқининг маданий бойлиги ҳисобланган 300 та қўлёзма, 18 та қуръон, 50 та дарслик-китобларни ҳам олиб, Петербургдаги Халқ кутубхонасига юборди. Бу нодир қўлёзмаларнинг 129 таси тарихий асарлар эди. А.Л.Кун ва унинг ҳарбий либос кийган ёрдамчилари сарой зарбхонсидаги танга қуйиш учун ишлатилган 200 та муҳр ва юзлаб тангаларни, ноёб безак-буюмларни, шулар қаторида қўнғирот сулоласи хонлари учун ясалган тахтни — кандакорлик санъатининг ноёб намунасини ҳам қароқчиларча олиб кетдилар. Маданий бойликларнинг бундай талон-торож этилиб, олиб кетилиши халқ оммасининг илғор қисмида норозилик кайфиятини уйғотмаслиги қийин эди.

Ўша даврда Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II бўлиб, хонлик Питнакдан то Устюрт адрларигача бўлган кенг майдонни ўз ичига олган, аҳолиси асосан ўзбек, туркман, қорақалпоқ ва қозоқлардан ташкил топган эди. 1910 йили Муҳаммад Раҳимхон II оғир хасталик натижасида 9 ой ётиб вафот этгач, тахтни унинг ўғли Асфандиёр тўра эгаллайди. Генерал Кушнов Муҳаммад Раҳимхоннинг дафн маросимида қатнашиш учун Тўрткўлдан шахсан ўзи келиб, валиаҳд Асфандиёрни хонлик лавозимига тайин этиб кетади. Бу, Асфандиёрхоннинг рус ҳукумати томонидан расман эътироф этилиши эди. Шу воқеанинг ўзи учун ғоят муҳимлигини сезган Асфандиёрхон 1912 йилда Москва, Петербург ва Кавказга сафар қилиб, «оқ подшо» билан учрашади ва ҳатто унинг қўлидан генераллик погонларини қабул қилиб олади. Бу тарихий воқеа «Ёш хиваликлар» ҳаракатининг асосчиларидан бири Полвонниёз Ҳожи Юсупов қалами билан қайд этилиб, биринчи ўзбек кинооператори Худойберган Девоновнинг камераси билан келажак авлодлар учун кинотасмаларда муҳрланади.

Асфандиёрхон Россиянинг маданий шаҳарларини ўз кўзи билан кўргани, рус маданияти, фани ва техникасининг оламшумул ютуқлари билан танишгани, «оқ подшо» ва унинг амалдорлари билан бир дастурхон атрофида ўтирганига қарамай, марҳум отасидан тамомила

фарқли ўлароқ, на ободончилик, на маърифат ва маданият ишларига қайишди. Аксинча, унинг хонлиги даврида халқ оммасининг аҳволи янада оғирлашиб, жабр-зулм, хўрлик ва хорлик авж нуқтасига чиқди.

Асфандиёр хонлик тожини кийган кунидан бошлабоқ тараққий-парвар ватандошларини таъқиб остига олиб, адабиёт ва санъат тараққиётига ҳомийлик қилган отасининг барча хайрли ташаббусларига нуқта қўйди. Отаси ҳурмат ва иззат қилган кишиларнинг тагига сув қуйди. Мамлакатда бойўғлилар кўшиги янграй бошлади.

Асфандиёрхоннинг қаҳр-газабига учраган биринчи киши эса қайнотаси ва хонликнинг бош вазири Саййид Исломхўжа бўлдики, шунинг ўзидан ҳам унинг инсоний қиёфасини тасаввур этиш қийин эмас.

Шубҳасиз, Саййид Исломхўжа ким бўлган, нега Асфандиёрхон ўзининг қайнотасига биринчи бўлиб қўл кўтарган, деган саволлар туғилиши мумкин. Биз бу саволларга Хоразм тарихининг билимдонларидан бири профессор Матёқуб Матниёзовнинг қуйидаги сўзлари билан жавоб бермоқчимиз:

«...Исломхўжа Исфадиёрхоннинг Петербург сафарида қатнашиб, оқ подшодан кўп нарсалар ундириб олишга, жумладан, Хивага замонавий типда касалхона, почта, телеграф қурдиришга розилик олган. 1911-1912 йилларда Исломхўжа раҳбарлигида Нуруллабойда оврўпоча ёзги сарой-меҳмонхона қурилиши, уни ёритиш учун биринчи электр станцияси қурилишларини бошлаб юборди, янги услубдаги мактаблар очди, оврўпоча услубда маҳбусхона қурдирди. Бу ишлар катта-катта маблағларни талаб этар эди.

Исломхўжа Исфадиёрхонга хазинада мавжуд пуллардан ўз эҳтиёжидан зиёд бердирмади, маишатга, ичкиликбозликка берилиб кетишига, беҳуда пул сарфлашига йўл қўймади. Исломхўжанинг бу ишлари Исфадиёрхонга ёқмади. У ўз атрофига сипоҳийларни тўплаб, «Исломхўжа тамомий ишларни ўз қўлига олиб, ҳатто менга ҳам ихтиёр бермас турур», деб уларни ишонтириб, Исломхўжа устидан шикоят ёздирган ва ҳар кун унга қарши иғволар уюштириб турган. Исломхўжага эса ёзилган шикоятларни кўрсатиб, сипоҳийларни ёмонлаган...»¹

Бу сўзлардан Асфандиёрхоннинг (дарвоқе, Асфандиёрхон номи, юқорида кўрганамиздек, айрим манбаларда «Исфадиёрхон» шаклида тилга олинади), бир томондан, шахсий манфаати йўлида ҳар нарсага тайёр, иккинчи томондан, мунофиқ инсон бўлганлиги яққол сезилиб туради. Шунинг учун бўлса керак, Муҳаммад Раҳимхон П дастлаб Асфандиёр тўрани эмас, балки катта ўғлини ўзининг вори-си, деб тайинлаган эди.

1909 йил 8 ноябрда Фарғона ҳарбий губернатори маҳкамасига келган махфий хатда ёзилишича, «Асфандиёр тўранинг қардошларидан бўлган Саид Муҳаммад Юсуфжон Хўжаевнинг маълумот беришига кўра, Хива хони (яъни Муҳаммад Раҳимхон II — *Н.К.*) ўзига валиаҳд қилиб илгари катта ўғлини белгилаган. Унинг кўли остида 400 кишилиқ отлиқ аскар бўлган ва у қайси бир масалада отасидан ранжиганлиги сабабли шу аскарлари ёрдамида отасини ўлдириб, тахтни эгалламоқчи бўлган. Бироқ бундан ўз вақтида хабар топган хон катта ўғлининг валиаҳдлик мансабини бекор қилиб, уни сарой ишларидан узоқлаштирган, маслаҳатчиларини ўлдириб, валиаҳдлик мартабасига эса Асфандиёр тўрани тайин қилган.

Номаълум хуфянинг сўзларига қараганда, «Асфандиёр тўра» яхши ишчи одам бўлишига қарамасдан, халқ ичида унинг нуфузи оз, халқ хоннинг катта ўғлини яхши кўрган. «Хоннинг бошқа болаларидек, Асфандиёр тўра ҳам соф хонлар қонидан бўлмоғи билан баробар жуда кучсиз, касал ҳам фаҳшга мойил қиладурғон киши»¹.

Ана шундай номуносиб кимсаларнинг тахтни эгаллаши одатда халқ ва мамлакат бошига кўплаб фожиаларнинг келишига сабабчи бўлади. Асфандиёрхон ҳам ҳали марҳум отасининг қабри совимасдан, профессор Матёқуб Матниёзов маълумот берганидек, сарой амалдорларини бир-бирига гижгижлатиб, уларга турли-туман айблар қўйиб, кўпларини ишдан бўшатади, ҳибсга олди, мол-мулкларини мусодара қилиб, қози хати билан ўз ҳисобига ўтказди, айримларини эса ўлимга ҳукм қилади. Шундай кишилар рўйхатининг бошида унинг қайнотаси Саййид Исломуҳжа туради.

Шу ерда нозик бир масала бор. Гап шундаки, Асфандиёрхоннинг зулм ва зўравонлигидан норози бўлган ва ҳаётлари хавф остида қолган кишилар Жунаидхонга ёрдам сўраб мурожаат қилганлар. Жунаидхон Хивага ишончли кишиларини юбориб, Асфандиёрхондан маҳбусхонада ётган сипоҳий ва мулла-эшонларни озод қилишни сўраган. Асфандиёрхон Жунаидхоннинг илтимосига рад жавобини бергач, у Хивага лашкар тортиб келган. Шаҳарни бир неча кун давомида қамал қилиб, қалъа ичига ёриб кирган Жунаидхон ҳибсга олинганларга озодлик берган. Ҳаёти хавф остида қолган Асфандиёрхон эса 36 минг сўм жарима тўлаб, жон сақлаб қолган.

Мазкур воқеадан кейин, 1916 йилда Хўжайли аҳолиси Асфандиёрхоннинг зулмига қарши бош кўтаради. Кўзғолонинг келиб чиқиш боиси маишатпараст хоннинг Хива хонлигидаги гўзал қиз ва жувонларни зўрлаб ҳарамга олдириб келиши эди. Хўжайлилик қассоб Дўстниёз Юсуповнинг 15 яшар, темирчи Жаббор полвоннинг 14

яшар қизларининг ҳарамга олиб кетилиши хўжайиликларнинг сабр косасини тўлдириб юборади. 1916 йил 16 январь куни 500-600 чоғли хўжайиликлар шаҳарбеги Авазхўжа бошчилигида ахлоқсиз хонга қарши исён кўтаришади. Дастлаб газабнок оломонга манғит беклиги қипчоқлари, сўнгра Гурлан, Шовот, қипчоқ, Тошхóвуз, қўнғирот туманларининг аҳолиси ҳам қўшилади. 18 апрель куни қарийб 3 минг кишилик оломон Хивага етиб келиб, хонликни ларзага келтиради. Исёнчилар билан учрашиш ва уларнинг шикоятларини эшитишга юраги дов бермаган хон гарнизон бошлиғи, рус армияси полковниги Колосовскийдан исёнчилар билан музокара олиб боришни илтимос қилади. Исёнчилар Асфандиёрхоннинг тахтдан воз кечишини талаб қилдилар. Ҳатто қози калон Бобоохун ҳам исёнчиларнинг шикоятлари тўғри эканлигини эътироф этиб, хондан ўз хатоларига иқрор бўлиши лозимлигини айтади. Асфандиёрхон эса қози калон олдида тавба қилиш ва оломондан узр сўраш ўрнига рус жазо отряди ёрдамида исённи бостириб, исёнчиларга 554 минг сўм миқдорида жарима солади.

Асфандиёрхондан ана шу тарзда жабр-зулм кўрган халқнинг 1917 йилдаги инқилобий воқеалардан рағбат олмаслиги, нафақат «оқ подшо» нинг, балки Хива хонининг ҳам ағдарилишини орзу қилмаслиги ақл бовар қилмас ҳодиса эди.

Романовлар сулоласининг тарих саҳнасида кетиб, Петербургда Муваққат ҳукуматнинг барпо этилганлиги Хивадаги рус аскарларининг ҳам шу ҳукуматга ишонч билдириб, унга ҳалол хизмат қилиш ҳақида қасамёд қилишини тақозо этади.

Хива шаҳрида кўп сонли рус аскарларининг тўпланганини кўрган «Ёш хиваликлар» (бу ташкилот 1914 йилда қози калоннинг ўгли Бобоохун Салимов ташаббуси билан тузилган) ҳам «хайрихоҳлик белгиси» сифатида бир неча юз киши билан аскарлар жойлашган казармага етиб борадилар. Улар рус ҳарбий отряди бошлиғи полковник Мерзляков билан музокара олиб бориб, Хивада ҳам Петербургдагидек демократик ўзгаришлар қилиш ҳақида келишиб оладилар. Мерзляков хонни ўлдирмаслик шарти билан уларга ёрдам беришни ваъда қилади.

Профессор М.Матниёзов Полвонниёз Ҳожи Юсуповнинг «Ёш хиваликлар тарихи» китобига асосланган ҳолда тасвир этилаётган вақт ҳақида бундай маълумотни берган:

«Ёш хиваликлар ташкил қилган кўп минг кишилик колоннани хон саройига бошлаб бориш учун бир рота аскар жўнатилди ва улар бошқарган оломон «Яшасин озодлик!», «Йўқолсин золимлар!» деган

шиор остида Нуруллабой томон хон саройига йўл олдилар. Ёш хиваликлар партияси аъзолари хондан давлатни конституция асосида бошқариш, хоннинг айрим мулозимларини уларнинг қўлларига топширишни талаб қилдилар... Бу воқеаларнинг гувоҳи Абдулла Болтаевнинг эсдаликларида айтилишича, Полвонниёз Ҳожи Юсупов, Шоликарровлар ёш хиваликлар ва шаҳар аҳолисининг вакили сифатида Исфандиёрхон ёнига кириб, ўз талабларини баён қилдилар... Исфандиёрхон уларга қараб: «Сизлар вакил бўлиб келган бўлсангизлар, хурриятни куч билан оласизларми ёки шариат биланми?» - деди. Полвонниёз Ҳожи Юсупов: «Тақсир, хурриятни шариат билан оламиз», - деди. Хон Ёш хиваликлар вакилларига қараб: «Сизлар ҳам шариат йўлини биласизларми?» - деди. Исфандиёрхоннинг бу сўзлари Полвонниёз Ҳожи Юсупов билан Назир Шоликарровларни газаблантириб юборди. Назир Шоликарров ўрnidан сакраб туриб, баланд овоз билан: «Бизлар шариатни биламиз, лекин сизлар уни билмайсиз. Ёш қизларни зўравонлик билан ота-онасидан тортиб олиб, номусига тегиб, уни бошқа одамга хотинликка бериш қайси бир шариатда бор ёки қизларни номусига тегиб, уларни уриб ўлдириш, баданига қайноқ сув қуйиш, бегуноҳ халқни мол-мулкни талаш, қаршилиқ кўрсатганларни зиндонга ташлаш, қийнаб ўлдириш қайси бир шариатда бор? Агар зарур бўлса, биз сизнинг даҳшатли қилмишларингизни далиллар билан исботлаб берурмиз,» - деди.

Кейин Полвонниёз Ҳожи Юсупов хонга мурожаат қилиб, шундай деди: «Тақсир, ўтган замонларда, тарихда» идораи машрутия» бўлган эди. Бизлар ҳам шу шаклда «идораи машварат» ташкил қилиб, сиз билан биргаликда маслаҳатлашиб иш олиб борамиз». Назир Шоликарров хонга газаб билан қараб: «Агар талабимиз қабул қилинмас экан, сизни хон лавозимидан тушириб, ўрнингизга бошқа хон тиклаймиз ва ва ундан хуррият ва машварат оламиз», - деди...

...Ёш хиваликлар билан суҳбатдан кейин ноилоҳ қолган Исфандиёрхон: «Мени ота-боболарим шариат йўли билан ишлаб келдилар, албатта, мен ҳам шариатдан чиқмасман. Шунинг учун бу ишлар келажакка мувофиқ бўлса, хуррият бердим», - деди¹.

Асфандиёрхон «Ёш хиваликлар» томонидан тайёрланган манифестга имзо чекиб, халққа жабр ўтказган мулозимлардан бир нечтасини улар қўлига топширади. Шундан кейин сайлов йўли билан Депутатлар мажлиси ва Нозирлар кенгаши тузларилади. 1917 йил 8 апрелда бўлиб ўтган биринчи йиғилишда Депутатлар мажлиси раислигига Бобоохун Салимов, Нозирлар кенгаши раислигига эса Ҳусайнбек Магмуродов сайланади.

Аммо «Ёш хиваликлар»нинг золим хон устидан эришган бу галабаси узоққа бормади. Асфандиёрхон июнь ойининг бошларида Муваққат ҳукуматнинг Хивадаги вакили генерал Мирбадаловга суянган ҳолда Мажлис ва Кенгаш аъзоларига қарши фитна уюштириб, Жуманиёз Матмуродов бошлиқ 17 нафар «Ёш хивалик»ни қамоққа олди ва уларнинг аксарини отиб ташлади. Ўша кезларда Тошкентга ёрдам сўраб борган Бобоохун Салимовгина бир неча маслакдошлари билан бу даҳшатдан омон қолди.

Асфандиёрхон давлат тўнтаришини амалга ошириш билангина кифояланиб қолмай, жадидларни қириб ташлаш ва умуман ўзидан норози бўлган халқ оммасининг даммини ўчириш мақсадида рус аскарларига мурожаат этиб, улардан усталик билан фойдаланди. 1917 йил июлида ҳарбий комиссар Зайцев бошчилигида жазо отрядлари тузилиб, шаҳар ва туманлардаги аҳолининг фаол қисми жазо отрядининг қаҳр-газабига дучор бўлди.

Ана шундай мураккаб шароитда Жунаидхон яна тарих саҳнасида пайдо бўлади. Ўз ҳокимиятининг кун сайин ўзгариб турган шароитда заифлик қилиши мумкинлигини сезган Асфандиёрхон 1918 йил 22 январда Жунаидхонга хонликни биргаликда бошқариш ва большевикларга қарши қўлни-қўлга бериб курашишни таклиф этади. Жунаидхон бу таклифни «мамнуният билан қабул қилади. У Хивага кириб келиши билан бирлашган қўшинларнинг қўмондони этиб тайинланади. Бироқ Жунаидхон, кўп ўтмай, халқнинг: «Икки кўчқорнинг боши бир Қозонда қайнамас», деган нақлига амал қилиб, Асфандиёрхонни ўлдиради. Жунаидхон тахтга марҳум хоннинг акаси Саид Абдуллахонни ўтқазиб, ўзи тўлақонли ҳукмдор сифатида мамлакатни идора қилишга киришади.

Большевиклар Ўрта Осиёнинг чор ҳокимиятига қарашли бўлган бир қарич ерини ҳам қўлдан чиқаришни исташмади. Туркистон Автоном Республикаси ва унинг Тўрткўлда жойлашган Амударё бўлими Хива хонлигида мунтазам равишда фитналар уюштириб турди, хонликнинг ички ишларига аралашиб, ҳатто ўз ихтиёридаги жазо отрядларини ҳам ёрдамга юбориб турди. Хонликни ўз тасарруфига қўшиб олиш режаси билан яшаган большевикларнинг бахтига, Жунаидхон отрядлари ва хон маъмурларининг ўзбошимчалиги, мамлакатда ҳукм сурган очлик ва вайроначилик туфайли халқ оммасининг норозилиги тобора кучаяётган эди. Натижада 1919 йилнинг ноябрь ойида Жунаидхонга қарши кўзғолонлар кўтарилди. Жунаидхон бу кўзғолонларни бостириш учун 15 минг кишилиқ қўшинини кўзғолончилар устига ташлади. Кўзғолончилар ёрдам сўраб, Тўрткўлга делегация юбордилар.

Бу, большевиклар учун айни муддао эди. 1919 йил 20 ноябрда РСФСРнинг Хивадаги вакили Г.К.Скалов Жунаидхоннинг ички сиёсатидан норози бўлган Хива халқига ёрдам кўрсатиш ва Хива хонлигига қўшин киритиш ҳақидаги директивани олди. Бу директива Туркистонга махсус топшириқ ва ваколат билан юборилган Турккомиссия томонидан берилган эди. Турккомиссия ўзининг бу хатти-ҳаракати билан Совет давлатининг империлистик ният ва режаларини ошкор қилиб қўйди. Г.Б.Скалов, мазкур директивага мувофиқ, 1919 йил 22 декабрда Амударё гуруҳи қўшинларининг қўмондони Н.М.Шчербаковга Хива хонлигига бостириб кириш ҳақида буйруқ берди.

Хуллас, большевиклар қўзғолончилар билан ҳамкорликда ҳаракат қилиб, 1920 йил январь ойининг сўнги кунларида озовот туманида Жунаидхон қўшинларига қаттиқ зарба бердилар ва 1 февралда Хивага жангсиз-жадалсиз, голиблар сифатида кириб келдилар.

Хива хонлиги ана шу тарзда Совет давлатига қўшиб олинди.

Аммо халқ оммасининг орзу-умидлари амалга ошмади. Агар қизил аскарлар қўзғолончилар билан бирга босиб олинган ерлардаги бечора халқни талаб, унга жабр-зулм кўрсатган бўлсалар, Хива хонлиги Туркистон Автоном Республикасига қўшиб олинганидан кейин рўй берган воқеалар олдида бу жабр-зулмлар ҳолва бўлиб қолди. Туркфронт инқилобий трибунали раиси И.Р.Фонштейн 1920 йил 6 августда Тошкентга йўллаган телеграммасида Хивада қизил аскарлар томонидан уюштирилган жиноий ишлар тўғрисида бундай маълумотни берган эди: «Биз бу ерда зудлик билан аниқлаган даҳшатли воқеа ҳеч қаерда бўлмаган. Бу очиқдан-очиқ амалга оширилган ҳарбий талонлик эди... Хотин-қизларни олиб кетиш, уларни худди қуллар, тутқунлар каби асраш, Петро-Александровск (Тўртқўл — *Н.К.*) ва Хивадаги гузарларда кимошди йўли билан сотиш, Хива саройларини талон-торож қилиш, қизил аскарлар томонидан дуч келган одамни мол-мулкни тўплашдан (тўғрироғи: беришдан — *Н.К.*) бош тортиш, деган баҳона билан отиб ташлаш ҳоллари содир бўлди...»¹

Большевиклар Хива хонлигида совет ҳокимиятини ана шундай ваҳшийлик билан ўрнатдилар.

ЙЎЛ БОШИДА

Хоразмда истиқомат қилаётган кишиларнинг бошига тушган кулфат, хоразмлик деҳқон ва чорвадорлар чекаётган азоб, вояга етган хушбичим қизларни кутаётган ҳарам, оталар дилидаги ғам-аламлару

оналар юрагидаги оловли нолалар Оллоберган аканинг оиласи учун ҳам бегона эмас эди.

1904 йилнинг декабрь ойида, қурбон ҳайит кунларида Хива шаҳридаги тегирмончи Оллоберган ака оиласида иккинчи фарзанд туғилиб, унга Қурбон деб исм берилди. Қурбоннинг болалиги, тушунарлики, оғир ва машшаққатли шароитда кечди.

«Мен, - деб ёзган эди Қурбон Берегин 1935 йил 22 октябрда Тошкентда рус тилидаги таржимаи ҳолида, - 1904 йил декабрида Хива шаҳрида камбағал ҳунарманд оиласида туғилдим. Ота-онамнинг Хонқа туманидаги Навхас қишлоғида камбағал-деҳқон хўжалиги бўлиб, бир неча таноб келадиган ерда ишлашар, оиламиз эса беш жондан иборат эди.

Ота-онам 1902 йилгача ана шу хўжаликда қашшоқларча турмуш кечиришган. Хон ва унинг амалдорлари томонидан белгиланган оғир ва сонсиз-саноқсиз солиқлардан тинка-мадори қуриб, 1902 йилнинг охирларида Хива шаҳрига кўчиб боришга мажбур бўлишган. Отам ўша ердаги тегирмон ва мойжувозни таъмирлаш ишлари билан машгул бўлган. Отамнинг бир неча қўлбола асбоб-анжомларидан ташқари, бирор устахонаси бўлмай, ё одамларнинг илтимоси билан, ёки ўзи иш ахтариб топиб, тирикчилик ўтказган. Онам нон ёпиб, ўзига тўқ кўни-қўшниларнинг кир-пирларини ювиб юрган».

Қурбон Берегиннинг ёзишича, у 8-9 ёшларидан, яъни 1912-1913 йиллардан бошлаб уч-тўрт йил давомида эски мактабда ўқиган. Мактабни тугатганидан сўнг, 1917 йилда мадрасага ўқишга кирган. Мазкур мадрасада таҳсил кўрган акаси Қурбондан икки-уч ёш катта бўлганлиги сабабли фақат қиш ойларида ўқиган, ёз ойларида эса шаҳардаги бинокорлик ишларида мардикорлик қилган ёки Хива туманидаги Дашёқ, Серчали, Бадирхон қишлоқларидаги бойларга қарашли ерларда бугдой, беда ўриш каби дала ишларида меҳнат қилиб, ота-онасига ёрдамлашган. Баъзан ҳатто қиш ойларида ҳам, иқтисодий зарурат орқасида ўртоқлари билан бирга ҳорақумга бориб, саксовул кесиб келган. Қурбон ҳам 12 ёшидан бошлаб акаси билан бирга шундай ишларда қатнашиб, турмуш машаққатларини бошидан кечира бошлаган.

Турмуш кундан-кунга оғирлашиб борди. Оллоберган ака ўз касбкори орқасида рўзгор тебрата олмай, фарзандлари билан бирга йигим-терим ишларига ҳам борадиган бўлди.

1919 йилнинг ёзида Оллоберган ака ўзининг мойжувоз қуриш ва таъмирлаш ҳунарига ўргатиш мақсадида Қурбонни ўзи билан бирга олиб юради. Шундай қилиб, Қурбон 1916 йилдан 1919 йилгача ака-

си билан кунбай ва ёлланма ишларда тер тўкиб чиниққан бўлса, 1919 йилдан эътиборан отаси билан бирга ишлаб, улуғ рус ёзувчиси айтганидек, «ҳаёт дорилфунунлари»ни ўта бошлайди.

Қурбон улғайганидан кейин ҳам 1914-1920 йилларда кечган оғир ва машаққатли ҳаётни унутмади. Ўша йиллар унинг оиласи учун даҳшатли даражада оғир кечди. Қашшоқлик улар вужуди ва руҳий оламида чуқур из қолдирди. Лойдан ясалган, нураган, зах, қоронги уйда ярим оч, ярим яланғоч яшашнинг ўзи бўлмайди, ахир. Устига устак, акасини қарз-ҳавола ҳисобига уйлантириш натижасида улар қашшоқликнинг барча аччиқ таъмларини тотишга мажбур бўлдилар.

Ана шундай мушкул кунлардан кейин, 1920 йилнинг бошларида Хоразмда инқилоб оловлари ёна бошлайди. Шундай кунларнинг бирида Қурбон болалик пайтидан бирга мардикорлик қилган ўртоғи билан иш қидириб, тасодифан қизил аскарларнинг штабига бориб қолади. У шу вақтда эндигина 16 ёшга қадам қўйгани учун уни ишга олишмайди. РСФСРнинг Хоразмдаги кенг ҳуқуқли вакилларида бири Г.И.Бройдо унга: «Сен ҳали ишлашга ёшлик қиласан. Бўйингни қара, бир қарич. Бу ёшда ишга эмас, мактабга бориш керак», - дейди ва унинг икки чаккасидан шашқатор оқиб тушаётган кўз ёшларини кўриб, оиласининг оғир аҳволга тушганини сезади-да, камбагаллар ва етим-есирлар учун очилган болалар уйига кириб ўқишни маслаҳат беради. Шу воқеадан кейин Қурбон Оллоберганов Хивада Г.И.Бройдо ташаббуси билан ташкил этилган болалар уйига кириб тарбияланган дастлабки хоразмлик болалардан бири бўлади.

Кунларнинг бирида болалар ўртасида: «Янги Урганчда ҳам болалар уйи бор эмиш. Ўша болалар уйида берилаётган озиқ-овқат ҳам, тартиб-интизом ҳам минг чандон яхши эмиш. Ўқиш-ўқитиш ишларини ҳам бизникига қараганда дуруст дейишяпти», - деган гаплар чалиниб қолди. Қурбон ўша куни ухламай чиқди. Агар Янги Урганчдаги болалар уйи тўғрисидаги гаплар чин бўлса, ўша ерга бориб яшасам, қорним тўқ, устим бут бўларди, деб ўйлади у. Хаёлида Янги Урганчдаги болалар уйи жаннатмонанд бир макондек жонланиб-товланиб кетдики, у ўртоғи билан ўша ерга, албатта, кўчиб ўтишни дилига тугди. Ўртоғи ҳам ўша жаннатмонанд макон ҳақидаги миш-мишларни эшитавериб, кўнгли ёғдек эриб юрган экан, дарҳол рози бўла қолди. Хуллас, 1920 йилнинг май ойида икки оғайни Янги Урганчдаги болалар уйига кўчиб ўтдилар ва айни пайтда 1-босқич мактабда ўқий бошладилар.

Қурбон янги болалар уйида яшар экан, ўқишга меҳр-муҳаббат билан киришди. Ўша йилларда ўқув ва тарбия масканларида қабул

қилинган таомилга кўра, болалар дунёвий фанларни ўзлаштириш билан бирга меҳнат тарбияси билан ҳам машғул бўлар эдилар. Болалик чоғидан меҳнатга кўниккан, турли хунарларни эгаллашга одатланган Қурбон дарсдан ташқари пайтларда пойафзал тикиш ва ямаш ишларини ҳам ўрганди. Шунингдек, у ёшлар ташкилотига аъзо бўлиб кириб, ўзида жамият ишларига нисбатан ҳавас борлигини сезди.

Болалик ва ёшлик йиллари ноҳақлик, зўрлик ва зўравонлик авж олган шароитда кечгани учунми, ёш Қурбон қалбида ҳақиқат ва адолат учун кураш учқунлари ғоят эрта чақнади. Халқ, ватан, келажак тақдири гаровга қўйилган, жамиятда бойлар ва камбағаллар, дўстлар ва душманлар, — хуллас, бойлик ва йўқлик ўртасида ҳаёт-мамонт кураши қизгин тус олган эди. Чор атрофда адолатнинг қарор топиши учун жангу жадал борарди. Қурбон ўзи гувоҳ бўлган ва гувоҳ бўлаётган воқеаларни синчковлик билан кузатиб, уларни ид-рок қилишга ҳаракат қилди. Хуллас, 20-йилларнинг бошлари Хива хонлигидаги ижтимоий-сиёсий муҳит, халқ оммасидаги норозилик кайфияти, оиласининг аянчли ҳаёти ёш Қурбон қарашларининг секин-аста шаклланиб боришига таъсир кўрсатмай қолмади.

Хивада халқ ҳокимияти галаба қозонганидан кейин 13 кун ўтгач, шаҳар ёшларининг митинги ўтказилиб, унда собиқ хонликнинг барча шаҳар ва туманларидан келган ёшларнинг вакиллари иштирок этдилар. Ана шу митингда Хоразм Ёшлар иттифоқига асос солинади. 1920 йилда Хоразм Ёшлар иттифоқига биринчилар қаторида кириб фаолият кўрсатганлар орасида Қурбон Оллоберганов ҳам бўлади.

Ёшлар ташкилотида, Қурбондан ташқари, кейинчалик меҳнат аҳлининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатган Абдулла Аббосов, Пайз Давлатов, Рўзи Матчонов, Машарип ҳориев, Мадамин Ёқубов, Ота Мискинов, Латиф Шарипов, Жаббор Назаров, Ёқуб Алиев, Жўра Зокиров, Исо Сафоев, Назир Худойназаров, Абдулла Бобожоновлар ҳам бор эдилар. Улар номи Хоразмдаги ёшлар ҳаракати тарихида бир умрга қолган.

Қурбон 1-босқич мактабда бир йилдан зиёдроқ вақт давомида таълим ва тарбия олиб, барча фанлардан аъло баҳолар билан ўқув йилини тугатади. У ўзи муваффақиятли ўқибгина қолмай, айрим фанлардан орқада қолган ўртоқларига ёрдам ҳам беради. Унинг ўқишга бўлган меҳрини кўрган мактаб педагогик жамоаси 1921 йилнинг июнида шаҳар маориф бўлимидан уни Хивадаги ўқитувчиларни тайёрлаш қисқа муддатли педагогик курсларига юборишни тавсия қилади. Ва Қурбон шундай курсларнинг бирида ўқиб, ўзини педагогик истиқболга тайёрлайди.

ўша йилларда Урганч шаҳрида ҳам, Хива хонлигининг бошқа худудларида ҳам европаликлар қўп бўлиб, улар билан яқиндан та-нишиш Курбоннинг рус тилини ўрганишига имкон туғдиради.

ҳокимият халқ қўлига ўтган биринчи кунданоқ ўлкада миллий кадрларга бўлган талаб, айниқса, кучайди. Оддий меҳнаткашлар ора-сида ва умуман жамиятда диний фанатизмнинг таъсири катта бўлган-лиги, маҳаллий мактабларда тажрибали ва янгича қарашли ўқитув-чиларнинг озлиги учун ёшларни маданият бобида илғорлаб кетган шаҳарларга ўқишга юбориш лозим эди. Шунинг учун ҳам Хоразм-нинг келажаги бўлган истеъдодли ёшларни Тошкент, Боку, Қозон сингари шаҳарларга юбориш мақсадга мувофиқ, деб топилади. 1921 йилнинг август ойида хоразмлик ёшлардан 18 киши Тошкент ва Қозон шаҳарларига ўқишга юборилди. Матчон Исмоилов, Отаулла Мажидий, Матназар Олломонов, Собир Ориев, Собир ўрозов, Юсуф Худойберганов, Тожиддин Девонов, Пиржон Раҳматий ва бошқалар тантана билан ўқишга жўнаб кетишади. Ҳали Хива билан Янги Ур-ганчдан бошқа жойни кўрмаган ёшлар учун олис шаҳарларга бориб ўқиш космосга чиқишдек фавқулодда ва қувонарли ҳодиса эди.

Ўша куни сафарга чоғланган ёшлар чехрасидаги хурсандчиликни Хоразм булбули шоир Сафо Муғанний қўйидаги сатрларда ифода-лаб, уларни кузатиш чоғида шавқ-завқ билан ўқиб беради:

Хоразмнинг фарзандлари,
Уйғонинглар, уйғонинглар.
Қўринг бошқа миллатларни,
Уйғонинглар, уйғонинглар.

Уйғонмоқдан мақсад нима?
Парход¹ яхшими, кема?
Ихлос қўйинглар илима,
Уйғонинглар, уйғонинглар...

Деҳқон, ишчидир аслингиз,
Бу йўлдан дўнмангиз ҳаргиз,
Омон бориб, соғ келингиз,
Ҳайда борсанг соғ бўлинглар.

Муғанний чиқмасин ёддан,
Илм ўрганинг устоддин,
Билинг ҳар бир маълулотдин,
ҳайда борсанг соғ бўлинглар².

Хоразмлик ёшлардан 9 киши Қозон шаҳридаги олти ойлик ҳарбий-сиёсий мактабга юборилиб, қолганлари Тошкент шаҳридаги турли ўқув юртларига жойлаштирилди. Қозон шаҳрига юборилган ёшлар орасида Курбон Оллоберганов ҳам бор эди. Шаҳар маориф бўлими раҳбарлари педагогик курсларни тугатиши арафасида уни чақириб олиб, Қозон шаҳрига ўқишга борувчи ёшлар рўйхатига киритган эдилар.

Ёшлар 1921 йил августда поездда дастлаб Москва шаҳрига бордилар. Сўнгра бошқа поездга тушиб, Қозонга етиб келдилар.

Шу ўринда шуни қайд этиш жоизки, хоразмлик ёшларнинг айнан Қозонга ўқишга юборилиши тасодифий эмас эди. Негаки, XIX аср охири - XX аср бошларида Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларида бўлганидек, Хоразмга ҳам Волга бўйларида кўплаб татар ва бошқирлар кўчиб келишган ва шу ерда янги усул мактабларини очиб, Хоразм ёшларининг илғор фан ва маданиятни эгаллашларига ёрдам бера бошлаган эдилар. Юқорида истифода этилган манбада шу ҳақдаги қуйидаги маълумот билан танишишимиз мумкин:

«Бухоро каби Хивада ҳам татарлар жуда кўп. Улар Урганчда иккита янги усул билан давом қиладурган мактаблар очганлар: биттаси ўғил, биттаси қиз болалар учун. Биринчисида муаллим татар Қусаинов бўлиб, иккинчисида муаллима унинг хотинидир. Татарлар Хива хонлигидаги маҳаллий халқни газетлар билан жуда яхши таништирганлар. Бухородагидек эмас, Хива халқининг тили татарларга жуда яқин бўлганлигидан татар газетларини мунда мулла, савдогар ва бошқа халқларнинг барчаси ўқийдурлар. Бу газетлар ичида энг кўп тарқалганлари Оренбургда нашр қилинмоқда бўлган «Вақт» газети. Булардан бошқа яна Русияда нашр қилинадиган татар газетларидан «Иттифоқ», «Юлдуз», «Тараққий»ни, журналлардан «Дин ва маишат»ни ва Истанбул газетларидан «Ваҳдат»ни ўқийдур.

Газет ҳам янги мактаблардан бошқа татарларнинг яна бир иши бўлса, ул ҳам Хива халқига янги китоблар тарқатишларидур. Лекин татарларнинг бу ишларида тўғри бир йўллари бордурки, улар фақат илмий ва фанний китобларгина тарқатиб, инқилобий китоблар келтирмайдилар.

Шундоқ бўлганда ҳам татарлар Хива халқини дунёда бўлиб турган инқилоблар билан таништирадилар. Уларнинг таништиришлари маҳаллий халқ билан бўлган мусоҳабатлари ҳам газетлари соясиндadir. Уларнинг ушбу хизматлари соясида Хива халқи бир оз уйқудан уйғониб, бошқа ҳикматлар ва бошқа тартиблар билан бир оз танишганлар ҳам бошқа янги тартиб кирган жойлардаги аҳвол билан ўзларининг кун кўришларини тенглаштиришга ўрганганлар. Шунинг на-

тижаси ўлароқ кучсизгина бўлганда ҳам Хива халқи «“Кўмак», «“Бегир» отли ҳукумат хизматларига норозиликлар баён қила бошлаганлар»¹.

Бу сўзларга таянган ҳолда айтишимиз мумкинки, Қозонга ўқишга борган хоразмлик ёшлар, шу жумладан, Қурбон Оллоберганов онги ва дунёқарашининг уйғонишида ҳам татар зиёлиларининг таъсири сезиларли бўлган. Қурбоннинг биринчи босқич мактабида ўқиганида ҳам, педагогик курсларда муайян малака ҳосил қилганида ҳам татар ўқитувчиларнинг билими ва маданиятидан баҳраманд бўлгани шубҳасиздир.

Ҳозир Урганч шаҳрида истиқомат қилаётган нафақачи Матчон Исмоилов ҳам 1921 йилда Қурбон билан бирга Қозонга ўқишга борган. У мазкур сафар тўғрисида бундай ҳикоя қилган эди:

«Биз Қозон шаҳарига етиб бориб, ҳарбий-сиёсий мактабга жойлашдик. Бизнинг ҳар биримизга биттадан бешотар милтиқ бериб қўйдилар. Хоразмлик ўқувчилар орасида Қурбон энг зийрак ва чаққон йигитлардан бўлиб, тинмай-чарчамай ўқир ва ўрганар эди. Борди-ю, биз бирор нарсани тушунмай қолсак, ундан сўрар эдик. У эринмай, вақтини аямай тушунтириб берарди.

Қурбон Қозондаги ўқиш пайтларида жуда кўп китобларни ўқиб чиқди. Бу давр унинг учун катта бир дорилфунун бўлди, десак, муболага бўлмас. Қурбон ҳамма вақт ишни ўқиш билан бирга қўшиб олиб борарди. Биз у билан умрининг охиригача яқин алоқада бўлиб турдик. Уни ҳамма вақт ижодий иш устида учратар эдим...»

20-йилларнинг бошларида Қозонда ташкил этилган ҳарбий-сиёсий мактаб совет давлати амалга ошираётган тадбирларни халқ омаси ўртасида тарғиб қилувчи кишиларни тарбиялашга ихтисослашган эди. Қурбон ёш ва ҳамма нарсага қизиқувчан бўлганлиги туфайли назарий дарсларни диққат-эътибор билан тинглаб, амалий машғулотларда фаол иштирок этди. Аммо ҳали оёққа маҳкам турмаган Хоразм Халқ Республикасидан келаётган ёрдам етарли бўлмагани учун Қурбон ҳам, бошқа хоразмлик ёшлар ҳам иқтисодий жиҳатдан катта қийинчиликларни бошдан кечиришга мажбур бўлдилар. Емакнинг тайини бўлмаган, Татаристоннинг қаҳратон қишига дош беролмаган ёшлар, олти ойлик ўқишни давом эттира олмай, декабрь ойида, Янги 1922 йил арафасида она-ватанларига қайтиб кетишдан ўзга чора топа олмадилар.

Қурбон Хивага қайтиб келганида энди у меҳрибон ота-онасининг иссиқ бағридаги фарзанд эмас, балки унинг изми бутунлай Хива ёшлар ташкилоти марказий қўмитасининг қўлида, Хива ёшлар

ташкilotининг жилови эса Россиядан келган большевиклар ихтиёрида эди.

Большевиклар ўша йилларда доҳийлари Лениннинг кўрсатмаларини бажариш учун Россиядан неча минг километр узоқликдаги Ўрта Осиёнинг ҳар бир вилояти, ҳар бир шаҳари ва ҳар бир туманида ўзларининг ҳарбийлашган сиёсий ташкilotлари — Фавқулодда комиссияларни тузишга киришган эдилар. Улар бундай комиссияларга ҳали ақл-заковати пишиб етмаган ёшларни ишга таклиф қилиб, саботажчиликда, аксилинқилобчиликда айбланган ватандошларини улар қўли билан хонавайрон қилаётган эдилар.

1922 йилнинг 15 январида марказқўм Қурбонни ҳам ишга таклиф қилиб, уни Хива шаҳри ёшлар ташкilotининг умумий бўлимига мудири этиб тайинлади. Орадан уч ой ўтганидан кейин унга шаҳар Фавқулодда комиссиясининг махфий-шошилини ишлар бўлимига терговчилик қилиш вазифасини ҳам юкледи. Қурбон мазкур лавозимда август ойининг биринчи ярмига қадар ишлади. Шундан кейин марказқўм Қурбонни бир гуруҳ комсомол ёшлар билан бирга Москвага, Шарқ меҳнаткашлари коммунистик университетига ўқишга юборди. Аммо иссиқ ўлкада улғайган йигит рус иқлимига мослаша олмай, рус қишининг илк совуғи тушиши билан қаттиқ шамоллаб, ўпкаси яллиғлана бошлади. Талабани кутаётган оғир хасталикни даволашдан кўра унинг олдини олишни лозим, деб билган шифокорлар Қурбонга вақти ганиматга ўз ватанига қайтиб кетишни маслаҳат бердилар. Қурбон 1922 йилнинг ноябрида Хоразмга қайтиб келиб, бир оз даволанганидан кейин ёшлар ташкilotининг марказий аппаратида ишлай бошлади. Орадан икки ой ўтгач, у Хива вилоят ёшлар ташкilotи қошидаги шаҳар ёшлар ячейкасининг котиби этиб сайланди.

Ўша кезларда Хоразмда Советларнинг 4-қурултойини ўтказиш бўйича тайёргарлик ишлари авж олган эди. Қурултойда Хоразм Халқ Совет Республикасини Хоразм Халқ Совет Социалистик Республикасига айлантириш масаласи қўйилажаги учун бу масала бўйича кенг халқ оммаси ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш талаб этилди. Шу муносабат билан Қурбон Қазорасп туман ёшлар ташкilotининг масъул котиби этиб сайланади ва у айни пайтда вилоят ёшлар ташкilotи сиёсий оқартув бўлимига мудири этиб тайинланади.

Ўша вақтда Хоразм шароитида бажарилиши лозим бўлган ишлар гоё кўп эди. Уларнинг ҳар бири ёшлардан мардлик ва жасорат, илм ва тажриба, ҳушёрлик ва омилкорликни талаб қиларди. Масалан, ёш йигит-қизларни тўғри йўлга бошлаш, ота-онасиз ёки қаровсиз қолган болаларни интернатларга жойлаштириш, фолбинлик, дуохонлик

қилиб кун кечираётган ишёқмас унсурларни фош этиш, ёшлар орасида тарғибот ишларини кучайтириш... - бундай ишларни йўлга қўйиш ва бажаришда Қурбон ташкилотчилик қобилиятини намоён этди. У бирор-бир топшириқни бажаришга киришганида, шу топшириқни, албатта, қойилмақом қилиб бажарар, масъулиятни чуқур ҳис этишда бошқаларга ҳамиша ўрнак бўларди.

1924 йилги миллий-давлат чегараланиши натижасида Қурбон хизмат қилаётган Тошовуз вилояти Туркменистон ССР таркибига ўтказилди. Қурбон 1924 йил августидан республика ёшлар ташкилоти марказқўми инструктори, 1925 йил январидан вилоят ёшлар ташкилоти сиёсий-оқартув бўлими мудир, ўша йилнинг апрель ойида эса вилоят ёшлар ташкилоти масъул котиби лавозимларида хизмат қилди.

Ўтган асрнинг 20-30-йилларида ва, умуман, совет даврида яшаб, турли комсомол ва партия ишларида фаолият олиб борган кишилар тўғрисида сўз борганда, нима учундир ҳозир уларнинг бу соҳаларда олиб борган ишлари четлаб ўтилади. Ҳатто уларнинг комсомол ва партия ташкилотларида раҳбарлик лавозимида кечган йиллари улар ҳаётининг қора саҳифалари сифатида баҳоланади. Қолбуки, инсон қайси даврда ва қандай давлатда яшашни танлаш имконига эга бўлмаганидек, совет даврида яшаган кишиларнинг комсомол ва партия ишларидан четда яшаган бўлишлари ҳам ақл бовар қилмас ҳолдир. Энг муҳими шуки, уларнинг аксари сохта идеалларга ишонган, лекин ҳалол, ор-номусли, имконлари даражасида халқ манфаати нуқтаи назаридан иш кўрган кишилар эдилар.

Ўша йилларда Урганч ва Хивада Қурбон билан бирга ўқиган ҳамда шаҳар ёшлар ташкилотида ишлаган Юнус Юсупов (Айёмий) дўстининг номини доим ҳурмат билан тилга олиб, бундай деган эди:

«Қурбон Берегин раҳбарликда, ташкилотчиликда, кишилар билан муомалада, ишни пухта бажаришда бизга ҳамиша ўрнак эди. Душманларга бўлган нафратини яшира олмас эди. Кўп китоб ўқигани учун бизга бу китобларда ёзилганларни содда қилиб тушунтириб берарди. Бу, унинг тинмай ўқиганлиги, ўз устида қунт билан ишлаганлиги натижаси эди, албатта.

Шуни айтишим керакки, хоразмлик илғор кишилар кўп яхши ишларни рўёбга чиқардилар, уларнинг яхши томонлари кўп бўлган. Аммо камчиликлари ҳам йўқ эмас эди. Фақат шу ўринда Қурбон Берегинни истисно қилиш керак. Мен у билан 1920 йилдан то умрининг охиригача биродар бўлиб қолдим. Лекин унинг бирор марта йўл қўйган камчилигини сезган эмасман. Чуқур илм эгасигина шундай бўлиши мумкин. У ҳақиқий инсон эди».

Шуни қайд этиш зарурки, 1924 йилдан бошлаб, бошқа республикаларда бўлганидек, Хоразмда ҳам динга қарши аёвсиз кураш бошланди. Худосизлик совет давлатининг моҳиятини ифодаловчи омилга айланди. Ҳамма жойда худосизлик ҳаракати бошланиб, худосизларнинг тўғарақлари-ю журналлари майдонга келди. Ана шу йилларда, бир томондан, кулгили, иккинчи томондан эса, даҳшатли воқеалар рўй бериб, кимнинг отаси Худойберган, Оллоҳберган ёхуд Худойберди, Оллоҳберди қабилида аталган бўлса, бундай исм-шарифларни ўзгартиришга мажбур этилди. Қурбон Оллоберганов ҳам шу йилларда фамилиясини арралаб, бирор маънони англата олмайдиган «Берегин» сўзини ўзига фамилия қилиб олди.

ЧИНИҚИШ

Тақдир кимни қаерга олиб бориб ташласа, у ўша ерда илдиз отади. Қурбон Берегиннинг ҳам ёшлар ташкилотидан ва умуман сиёсий-ижтимоий фаолият майдонидан четда яшаши маҳол эди. У 1925 йилнинг август ойида Хоразм вилоят ёшлар ташкилотининг пленумида мазкур ташкилотнинг масъул котиби этиб сайланади. У мазкур лавозимда хизмат қилар экан, яқин вақт ичида Хоразмдаги ижтимоий-маърифий ишларнинг равнақ топишга ёрдам бера оладиган Я.Досумов, И.Ҳабибий, Қ.Сайдашев, Я.Алиев, Р.хўчқоров, Н.Хўжаев, И.Одамов, О.Ёқубов, С.Ижбулдин, П.Давлатов, А.Аббосов каби ёш мутахассисларни етиштирди. Улар ёрдамида Хоразм республикасининг 79 жойида саводсизликни битириш курсларини ташкил этди; жамият эътиборидан четда қолиб келаётган 590 га яқин ёшлар ўқишга жалб қилинди; шу пайтгача ижтимоий ҳаётдан четда қолиб келаётган хотин-қизлар орасида тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилди. Шундай ишларнинг самараси ўлароқ 27 нафар хотин-қиз фаол ёшлар қаторидан мустақкам ўрин эгаллади.

Қурбон ёш кадрлар билан ишлаш масаласига алоҳида эътибор бериб, кўплаб ёшларга устозлик қилди. Унинг ташаббуси билан 500 дан зиёд йигит ва қизлар турли мутахассисликларга ўргатувчи курсларга жалб қилинди, 160 дан зиёд ёшлар Москва, Тошкент, Самарқанд, Боку каби маданий марказларга ўқишга юборилди. Бу ишларда жонбозлик кўрсатган Қурбон Берегин ўша пайтда умрининг эндигина йигирма иккинчи баҳорини қаршилаётган эди.

Қурбон шу йилларда ўзбекистондаги ёшлар ҳаракатининг фаолларидан бири сифатида ниманидир қилишга улгурган, тенгдошлари ва,

айниқса, ёшлар ўртасида озми-кўпми обрў-эътибор орттирган бўлса ҳам, ҳали кўп нарсани ўрганиши лозимлигини биларди. Шунинг учун ҳам у 1925 йили собиқ иттифоқ ёшларининг Москвадаги анжуманида иштирок этганида, бир гуруҳ делегатлар билан бирга Кронштадтга тажриба ўргангани боради. Билмадим, ушбу сафари давомида у Кронштадт денгизчиларидан нимани ўрганди экан. Агар унинг Шимолий муз океанига қилган сафари кўнгилли кечганида кейинчалик бу сафарни, албатта, эслаган ва у ҳақда ёзган бўлармиди.

Қурбон Берегин 1927 йил февраль ойида «Инқилоб кўёши» газетасига муҳаррир этиб тайинланади. Ўша йилнинг август ойида эса у газета ишларидан узилмаган ҳолда Хоразм округ (вилоят) партия кўмитасига бўлим мудури этиб тасдиқланади. (У 1929 йилнинг май ойига қадар муҳаррирлик фаолиятини давом эттиради.)

Қурбон Берегин турли ташкилот ва муассасаларда ишлаш жараёнида чиниқиб, ишни ташкил этиш, топширилган вазифани ўз вақтида бажариш, одамлар билан ишлаш малакасини орттирди. Ана шу жараёнда у кўплаб кишилар билан учрашди, улардан ниманидир ўрганди ва уларга ниманидир ўргатди. Афсуски, уни яхши билган, у билан ҳамдам ва ҳамдард бўлган кишиларнинг аксари аллақачон ўтиб кетган. Аммо Юнус Юсупов, Раҳмат Мажидий, Норжон Абдусаломова, Эшмурот Девонов, Абдулла Бобожонов, Болта Давлатов сингари таниқли хоразмлик зиёлилар Қурбон Берегин билан 20 – 30-йилларда лез-тез дийдорлашиб турганлари учун унинг нотиклик, ташкилотчилик ва журналистика соҳасидаги қобилияти тўғрисида мароқ билан сўзлар эдилар.

Маълумки, Хоразмнинг ўша йиллардаги ҳаётида энг мураккаб масалалардан бири хотин-қизларни ижтимоий ҳаётга жалб этиш бўлган. «Хужум» компаниясининг ўйланмай-нетмай, зўрма-зўракилик билан бошланиши натижасида ўша йилларда отилиб чиққан аксар хотин-қизларнинг ҳаёти хавф остида қолган. Чунончи, 1927-1929 йилларда хоразмлик фаол хотин-қизлардан 75 нафари ваҳшийларча ўлдирилган. Юқорида номлари тилга олинган кишиларнинг хотирлашларига кўра, 1928 йил 5 июлда Хоразм округ партия кўмитаси пленумида хотин-қизларни озодликка чиқариш ишларининг бориши масаласи муҳокама қилинган. Маърузачи Қурбон Берегин барча фаоллар диққат-эътиборини паранжини ташлаётган хотин-қизлар ҳаётини кўз қорачигидек сақлаб қолиш масаласига алоҳида эътибор қаратган.

Совет ҳукуматининг мутлақо нотўғри ишларидан яна бири - ерсув ислоҳоти ҳам Хоразмда фавқулодда оғир шароитда амалга оши-

рилди. Қурбон Берегин якка хўжаликлар билан иш олиб борувчи комиссия раиси сифатида Гурлан туманига борган. Комиссия аъзолари жойларда йиғилишлар ўтказиб, тушунтириш ишларига 832 кишини жалб қилганлар, деҳқонлар иштирокидаги йиғилишларга эса 1800 дан ортиқ киши қатнашган. Қурбон Берегин раҳбарлик қилган комиссия Гурлан тумани ҳудудида ер-сув ислоҳотини ўтказишда деҳқонларнинг таклиф ва истаклари ҳамда шикоятларини эътиборга олган ва бундай иш усули яхши самара берган.

Ер-сув ислоҳотининг қишлоқ аҳли ҳаётини издан чиқарган энг даҳшатли томони шунда эдики, бу компания қишлоқ хўжалигини жамоалаштиришни ҳам ўз ичига олган бўлиб, унинг синфий кураш тўлқинида ўтказилиши минглаб ўзига тўқ оилаларнинг хонавайрон бўлишига олиб келди.

Қурбон Берегиннинг «Хоразм округида меҳнатсиз хўжаликларни тугатиш якунлари» китобида қайд этилишича, “1926-27 йилларда округ бўйича собиқ хон амалдорлари, тўраларнинг 200, руҳоний уламоларнинг 50, савдогарларнинг 141, судхўрларнинг 13, жамъи 530 хонадоннинг мол-мулки тортиб олинган. «Уларнинг жамъи 899 минг 273 таноб ери, 220 та оти, 86 та туяси, 299 та хўкизи, 4 та эшаги, жамъи 605 та иш ҳайвонлари, шунингдек, 202 та араваси мусодара қилинган. Бундан ташқари, 1040 та кунда, ўроқ, кетмон, бел, 404 та чигир, 2 та машина двигатели, 1 дона насос, 36 та мойжувоз, 13 та гуруч оқлаш тегирмони, 246 та яшаш жойлар тортиб олинган.

Шу нарса даҳшатлики, ўша даврда яшаган зиёлилар қишлоқ аҳолисига қарши давлат миқёсида амалга оширилган бундай қароқчилик сиёсатини қоралашга ожизлик қилдилар. Уларнинг бир қисми эса давлат сиёсатини очиқдан-очиқ қўллаб-қувватлади.

Шу йилларда фақат ўртаҳол деҳқонларгина эмас, уларни ҳимоя қилмоқчи, адолатнинг издан чиққан аравасини изга туширмоқчи бўлган зиёлилар ҳам большевиклар тегирмонидан четда қолмадилар. Масалан, хонлик даврида кози калон, советлар даврида эса Хоразм Халқ Совет Республикасининг адлия нозири бўлиб хизмат қилган Бобоохун Салимов, ўтган асрнинг бошларида Истанбулда ўқиб келган, ХХСРнинг маориф нозири бўлиб ишлаган Мулла Бекжон Раҳимов 1929 йилда ўз уйларида отиб ўлдирилди.

Қурбон Берегин бу воқеаларни ўз кўзи билан кўриб, қулоғи билан эшитди. Аммо шу йилларда ёшлар ташкилотида ишлаган бошқа кишилар каби, у бундай воқеа ва ҳодисаларда душман қўлини кўрди.

Округ партия қўмитасининг шу кезларда бўлиб ўтган Ш плену-мида Хоразмда маданий қурилиш ишларининг бориши ва бу борада-ги вазифалар ҳам кун тартибидан ўрин эгаллаган эди. Маърузачи Қурбон Берегин маданий қурилиш соҳасидаги кўрсатмаларга асос-ланган ва маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда яқин келгусидаги вазифаларга йиғилганларнинг диққат-эътиборларини қаратди.

Қурбон Берегин Хоразм ёшлари ўртасида олиб борилган ишларда ана шу тарзда советлар томонига мойиллик билдириб, шаклланиб борарди. Орадан кўп ўтмай, у республика пойтахтига ишга кўтарилди.

Унинг 1920-1929 йиллардаги фаолияти Хорсум округ партия таш-килоти томонидан берилган қўйидаги тавсифномада қисқа, лекин аниқ баён қилинган:

«Ўртоқ Қурбон Берегин илгари ёшлар ташкилотининг хизматчи-си, 1927 йил август ойдан бошлаб партия ишида Хоразм округ партия қўмитасининг тарғибот-ташвиқот ва сиёсий-оқартув бўлими мудир лавозимида ишлади. Бунга қадар «Инқилоб кўёши» газетаси-нинг масъул муҳаррири этиб тайинланган эди. 1929 йил февралидан 1929 йил майигача у шу икки вазифани қўшиб олиб борди.

Қурбон Берегин гоъвий мустаҳкам, интизомли, партия йўлида ҳеч қандай иккиланиш ва оғмачиликка йўл қўймади. У келгусида янада ўсиш истиқболига эга...»¹

Қурбон Берегин 1929 йил августида Самарқандга чақириб оли-нади ва Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлиги ҳайъати аъзоси, шунингдек, умумий бўлим қошидаги шўъба мудир сифатида са-водсизликни тугатиш, умумий бошланғич таълимни амалга ошириш ва оммавий-маданий ишларни йўлга қўйиш ишларига раҳбарлик қила бошлайди.

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ЖАБҲАЛАРДА

Қурбон Берегин Маориф халқ комиссарлиги ҳайъати аъзоси си-фатида саводсизликни тугатиш, мактаб ва маориф ишларини ри-вожлантириш, кадрлар тайёрлаш, олий ва ўрта махсус билим юртла-рининг фаолиятини яхшилаш, музей, кутубхона, клуб ва маданият уйлари-нинг ишларини йўлга қўйиш ишлари билан фаол шуғуллана бошлади.

1929 йилда Ўзбекистон Давлат Илмий кенгаши ташкил этилади. Мазкур кенгашга аъзо бўлиб кирган Қурбон Берегин илмий изла-нишларни ташкил этишга қаратилган тadbирларнинг ишлаб чиқили-шида таниқли маърифат ва маданият намояндалари билан бир қаторда

иштирок этади. Илмий кенгашнинг Берегин аъзоси бўлган шўъбаси саводсизликни битиришда оммавий-сиёсий ва услубий ишларнинг шакл ва воситалари каби ўша давр учун муҳим масалаларни муҳокама қилиб, тегишли хулосалар чиқарган эдики, бу хулосалар ўша даврда маданий тараққиёт пойдеворини яратишда муайян аҳамиятга молик бўлди.

Илмий кенгаш фаолиятида қатнашиш Берегиннинг маърифат ва маданият масалаларини чуқуроқ тушуниши, мактаб ва маориф ишлари билан яқиндан танишиши, илмий-педагогик тафаккурнинг халқ ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини тўғри белгилашига катта ёрдам берди. Илмий кенгаш аъзоларининг ташаббуси билан ўзбек халқи тарихига доир муҳим ҳужжатлар, тарихий ва бадиий асарлар, эсдалик ва мақолалар тўплана бошлади. Кенгаш йўлланмаси билан бир гуруҳ ижодкорлар ана шу масалалар бўйича турли шаҳар ва туманларга сафарбар қилинди. Берегиннинг ўзи она юртига бориб, Хоразм тарихига доир манбаларни ўрганиш бўйича илмий изланишларни бошлаб юборди.

Хоразмда муайян қийинчилик билан бўлса-да, 1920 йиллардан бошлаб саводсизликни битириш ишларидан ташқари, ўқитувчилар тайёрлаш курсларининг, 1922 йилда хоразмлик ўзбек, туркман, қорақалпоқ ва қозоқ меҳнаткашлари тарихида биринчи марта ўрта махсус билим юрти - Хива педагогика техникумининг очилиши, муסיқа мактаби, фабрика- завод мактаби, мактаб-интернат, қизлар мактаби, халқ университетлари кабиларнинг ташкил қилиниши катта воқеа бўлган эди. Ана шундай ишларнинг маърифий-маданий ва сиёсий аҳамиятини тушунган Қурбон Берегин 1924 йилдаёқ Хоразм республикасидаги ўзбек, қорақалпоқ, туркман ва қозоқ ёшларига мурожаат қилиб: «Тараққиёт мактабига мутлақо бормоқ керак», деган шиор билан чиқди.

1928 йил 13 февралда Хоразм вилоят ижроия қўмитаси ҳузурида округда лотин ёзувига ўтиш ҳақидаги кўрсатмага асосан махсус ҳайъат тузилган ва Берегин шу ҳайъатга аъзо этиб тайинланган эди. У мазкур ҳайъатнинг аъзоси сифатида маданий юриш республика ҳайъатининг кенгашларидан бирида дарсликлар ҳақидаги масалани кўтариб чиқди. Жойлар билан алоқа ўрнатиш масаласи муҳокама қилинганда, ҳайъат ва штаб томонидан берилган вазифаларнинг қандай бажарилаётгани ҳақида кенгашни хабардор қилиб бориш масаласи Қурбон Берегиннинг зиммасига юклатилди.

Қурбон Берегин 1929 йилда Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлиги коллегияси аъзоси, умумий бўлим мудирини сифатида хизмат

қилар экан, республикада маданий қурилиш, шу жумладан, бадиий адабиёт тараққиёти масалалари билан ҳам қизиқди. У бадиий адабиётнинг янги тарихий давр талабларига лаббай деб жавоб беришини лозим, деб ҳисоблади. Ўзбек адабиётидан ташқари, рус, татар, туркман адабиётлари намуналари билан яқиндан таниш бўлган Қурбон Берегин шу даврда Хоразм адабиёти тарихи билан, айниқса, фаол шуғуллана бошлади.

Қурбон Берегин ёшлар ташкилотида ишлаб шакланган ходим бўлгани сабабли ўзига топширилган барча вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш билан чекланиб қолмай, ўзи ҳам ташаббус кўрсатар эди. Унинг «Саводсизликни битириш мактабларида ёзги ўқувларни кенг қулоч ёйдириш», «Саводсизликни битириш мактаблари ва мактабгача ёшдаги болалар майдончалари тўғрисида контрол рақамлар», «Саводсизликни битириш курсларини тамомлаганлар гувоҳномаси», «1930-31 ўқув йили учун саводсизликни битирувчи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳақида», «Тошкент округида маданий юриш», «Саводсизликни битириш курсларини битириб чиқиш тартиби» ва бошқа масалалар бўйича қилган маърузалари фикримизнинг ишончли далилларидир.

Қурбон Берегин РСФСР, Закавказье, Татаристон халқларининг саводсизликни тугатиш борасида эришган тажрибаларини ўрганиш мақсадида илғор ўқитувчиларни шу ўлкаларга юбориш ташаббуси билан чиқди, ўзи эса Бокуга йўл олди.

Қурбон Берегиннинг 1931 йил 2 октябрда Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлиги коллегиясида қилган «Ёппасига савод учун кураш ва бизнинг вазифаларимиз» мавзусидаги маърузасида бу борадаги вазифалар аниқ-равшан белгилаб берилди. У «Маориф ва ўқитувчи» журналининг шу йиллардаги муҳаррири сифатида ўқиш-ўқитиш ва маданий-қурилиш ишларининг бориши билан шуғулланиб, шу соҳанинг кундалик вазифаларини белгиловчи қатор мақолаларни эълон қилди.

Ўзбекистон партия ташкилоти марказқўмининг маданий-оқартув бўлими мудир лавозимида ишлаётган вақтида у шахсий иш режасига қуйидаги масалаларни қайд этиб қўйган эди:

«Тил ва адабиёт институтининг фаолияти тўғрисида.

Ўзбекистон халқлари адабий меросини ўрганиш ва нашр қилиш.

Адабий-бадиий журналлар иши ҳақида.

Халқ ижодиёти фестивалларини ўтказиш» ва ҳ.к.

Маълумки, 30-йилларда ана шу соҳаларнинг барчасида самарали ишлар олиб борилди. Қурбон Берегин елкасида масъулиятли вази-

фалар юкини кўтариб турган бўлишига қарамай, саҳнага қўйиладиган асарлар матнини ҳам ўқиб, муҳокама қилиш ва бу асарларнинг сўнгги нусхаларини тайёрлашда ҳам бевосита иштирок қилди.

* * *

1920-1924 йилларда Хоразмда «Инқилоб қуёши» газетасидан ташқари, ««Қизил Хоразм», «Хоразм хабарлари», «Ёшлар овози», «Тоza чўл», «Қунармандлар чўкичи», «Маориф», ««Ишчи товуши», «ҳопқон», ««Ёрдам» сингари газеталар ҳам чоп этилган бўлиб, бу нашрларда эълон қилинган ўлканинг тарихи ва замонавий ҳаётига оид мақола ва хабарлар Қурбон Берегин билим доирасининг кенгайиши ва дунёқарашининг шаклланишига маълум даражада таъсир кўрсатди. Китобга, босма сўзга ўч бўлган Қурбон кейинчалик ўзи ҳам шу нашрларда кичик-кичик мақола ва хабарлари билан қатнашди. Журналистикага бўлган иштиёқини ҳисобга олиб, Хива шаҳар ёшлар ташкилоти 1924 йилда Берегинга «фахрий мухбир» деган унвон берди. 1925 йилнинг апрелида эса ўзи «Инқилоб қуёши» газетасига муҳаррир этиб тайинланди. Шубҳасиз, у муҳаррир сифатида газетада партия сиёсатини тарғиб ва ташвиқ қилувчи мақолаларнинг босилишига алоҳида эътибор берди. Айни пайтда у газетанинг моддий аҳволини яхшилашга жиддий киришди. Хорсумда биринчи марта газетага обуна қилувчи ташкилотларнинг мусобақаси ўтказилди. Берегин газета мухбирларининг сиёсий-маданий савияси ва касбий малакасини ошириш мақсадида улар учун семинарлар ташкил этди.

Давр матбуот ходимларидан ўша йилларда давлат ва партия томонидан амалга оширилаётган тадбирларни газета ва журнал саҳифаларида кенг ёритишни талаб қилар эди. Қурбон Берегин даврнинг ана шу талабидан келиб чиқиб, ўзи ҳам долзарб ижтимоий-сиёсий мавзуларда мақола ва ҳикоялар ёзди. Унинг ҳатто 1929 йили мазкур газетада эълон қилинган «Шодликли кунлар» воқеий ҳикояси ерсув ислоҳоти мавзусига бағишланган бўлиб, муаллиф, афсуски, унда Ўрта Осиё халқларининг ўша пайтдаги ҳаётида нохуш ҳолларни келтириб чиқарган, кейинги тақдирига эса салбий таъсир кўрсатган воқеаларни олқишлаб тасвирлаган эди.

1927 йил 21 декабрда Хоразм округ ишчи-деҳқон мухбирлари ва газетхонларининг I конференцияси чақирилди. Конференцияни тайёрлаш ва уни ўтказишда Қурбон Берегин яқиндан иштирок этди. Қишлоқ мухбирларини турли хил бўҳтон ва хуружлардан ҳимоя қилиш, матбуотнинг танқидий чиқишларига, айниқса, хотин-қиз-

ларнинг илм олишларига тўсқинлик қилаётган унсурларга қарши кураш, шунингдек, таҳририятга келган хабарларни синчиқлаб текшириш каби муҳим масалаларнинг конференция кун тарбитига киритилишида Берегиннинг хизматлари каттадир.

Хоразм воҳасида «янги жамият»нинг бунёд этилиши кескин синфий кураш шароитида кечди. Узоқ даврлардан бери палак ёзиб келган бидъат ва хурофотни, хотин-қизларга, уларнинг инсон ва жамият аъзоси сифатидаги ҳуқуқларига бўлган эскирган муносабатни ўзгартиришга қаратилган ҳар бир ҳаракат қаттиқ қаршилиқка учради. Ана шундай шароитда, бошқа ижтимоий институтлар қатори, матбуот ходимлари олдида ҳам масъулиятли вазифалар турарди. «Инқилоб қуёши» газетаси саҳифаларида шу даврда мухбирлар «Афлотун», «хўрқмас», «Кўзи кўрган», «Мулла Носвой», «Насриддин», «Ишчи», «Дехқон», «Мухбир», «Хива гўзали», «Ўқувчи», «Батрак», «Камбағал деҳқон» сингари тахаллуслар билан жамият ҳаёти ҳаётида рўй бераётган ижобий ўзгаришларга ёрдам беришга, салбий ҳодисаларни эса баргараф этишга ҳаракат қилдилар.

Ўша йилларда Хоразмда Хадича Бикчурина, Марям Исҳоқова, Норжон Абдусаломова, Онажон Берегина, Онабиби Сафоева каби хотин-қиз мухбирлар етишиб чиқди ва улар матбуотда эркаклар билан барабар янги ва ижобий ҳаётий тамойилларнинг барқарор бўлиши йўлида фаолият олиб бордилар.

Қурбон Берегин газетага фақат муҳаррирлик қилибгина қолмай, Хоразмнинг ижтимоий, маданий ва маиший ҳаётидаги иллат ва камчиликларни очиб ташловчи кўплаб мақолаларни ҳам ёзди. Унинг «Қурбон Берегин», «Қурбон Берегин», «Қ.Б.» имзолари билан ёзилган мақолалари ўша даврда Хоразмда катта акс-садо берди. «Инқилоб қуёши» газетасида эълон қилинган бу ва бошқа материаллар ижтимоий ўткирлиги ва таъсирчанлиги билан нафақат Хоразмда, балки қўшни Қорақалпоғистонда ҳам севиб ўқиладиган бўлди.

Қурбон Берегин 1929 йилдан кейин Самарқанд ва Тошкентда бир неча юқори ва масъулиятли лавозимларда хизмат қилди. У Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлиги коллегияси аъзоси ва оммавий шўъба мудири этиб тайинланганидан сўнг, 1931 йил июль ойидан бошлаб “чиқа бошлаган»Маданий инқилоб» (ҳозирги «Маърифат») газетасига муҳаррирлик қилди.

У ҳатто Тошкентда хизмат қилган йилларида ҳам Хоразм матбуоти билан алоқасини узмади. Масалан, 1934 йил 23 августда «Инқилоб қуёши» газетасида унинг «22 лар ўлдирилишининг 10 йиллиги» номли мақоласи эълон қилиндики, унда Хоразм республикаси дав-

рида рўй берган сиёсий ўзгаришлар биринчи маротаба таҳлил қилинган эди. “ 1920-24 йилларда Хоразмда юз берган воқеаларнинг жонли гувоҳи бўлган Қурбон Берегин мазкур мақоласида янги ҳукуматдан зўр умидлар кутган батрақлар, камбағаллар ва деҳқонларнинг иқтисодий ва маданий аҳволларини яхшилашга қаратилган чора ва тадбирларнинг кўрилмаганлиги, хусусан инқилобнинг энг асосий вазифаларидан бири ҳисобланган ер-сув масаласининг ҳал қилинмаганлиги, ҳукуматнинг ҳамон барқарорлаша олмай, чайқалиб, тез-тез ўзгариб турганини алоҳида қайд этган эди.

Қурбон Берегин 1931 йил октябрь ойида Ўзбекистон Давлат нашриёти правлениесининг раиси этиб тайинланди ва 1933 йилнинг ноябрь ойига қадар нашриёт директори лавозимида хизмат қилди. У шу даврда республикамиз жамоатчилигини таниқли ёзувчилар ва олимларнинг асарлари билан кенгроқ таништиришни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйди. Ўзбекистондаги ижод аҳли яратган ёки таржима қилган илмий ва бадиий асарларнинг қўллаб нашр этилиши халқнинг маданий ва маърифий савиясининг ошишида, ўқимишли, билимли, интеллектуал салоҳиятли авлодларнинг шаклланишида муҳим роль ўйнаши шубҳасиз эди. Шунинг учун ҳам у ўша йилларда ўзи муҳаррири бўлган «Китоб ва инқилоб» журналининг 1933 йил 9-10-қўшма сонидagi мақоласида мамлакатимизда китоб чиқариш ишларининг йил сайин ўсиб бораётганлиги ҳақида қувониб ёзган, чунончи, унинг ёзишича, 1932 йили 4139 минг сўмлик китоб сотилган бўлса, 1933 йили бу рақам 11952 минг сўмни ташкил этган эди. Китоб нашри ва савдосининг бундай ривож топишига асосий сабаб қилиб Қурбон Берегин адабий ва илмий асарлар савиясининг ўсгани, китоб нашр қилиш техникасининг яхшиланганлиги, нашр қилиш муддатининг қисқарганлиги ва китоб нархининг арзонлашганлигини кўрсатади. Бевосита унинг раҳбарлиги остида 1934 йил ноябрь ойининг ўзида Хоразм округига 20 номда 1212 дона китоб келтирилган. Қурбон Берегин Хоразм вилоятида яшаб ижод қилувчи ёзувчилардан ҳам бир қанчасининг асарларини нашр қилишга эришган.

Аммо партия республикалардаги нашриёт раҳбарларидан биринчи навбатда совет давлати ва компартия томонидан олиб борилаётган сиёсатга хизмат қилувчи, аҳолини ғоявийлик, синфийлик ва партиязвийлик руҳида тарбияловчи сиёсий адабиёт намуналарини кўпроқ нашр этишни талаб қилди. Ана шундай сиёсий адабиёт намуналари орасида биринчи ўринда «марксизм-ленинизм классикларининг асарлари турардики, Қурбон Берегиннинг нашриёт директори сифатидаги кўпроқ вақти ва кучи худди шу нарсага сафарбар қилинди.

Кези келганда, шуни қайд этиш жоизки, нашриёт 1933 йилда, марказқўмнинг топширигига кўра, Сталиннинг «Ленинизм масалалари» асарини ўзбек тилида нашрга тайёрлади. Аммо марксизм-ленинизм классикларининг асарларини таржима қилишда таржимон ва муҳаррирлар қўпол сиёсий хатоларга йўл қўйишган, деган айб билан китоб савдога чиқарилмай, қуйдириб ташланган. Натижада нашриёт бир неча миллион сўмлик зарар кўрган.

* * *

Қурбон Берегин Хоразм ёшлари ўртасида ишлаган кезларида унда, бир томондан, нотиқлик истеъдоди, иккинчи томондан, юқори идоралар томонидан топширилган вазифаларга жамоатчиликни сафарбар қила билишлик қобилияти шакланган эди. Ана шу икки фазилати туфайли жамоатчилик ўртасида ҳам, раҳбарият олдида ҳам унинг обрў-эътибори кундан-кунга ортиб борди. Унинг Тошкентга ишга таклиф этилиши ҳам шу маънода тасодифий эмас эди.

Қурбон Берегин Хоразмдаги «янги жамият»ни қуриш ишларида муайян тажриба орттирганига қарамай, унинг республика пойтахтида тўла қонли ишлаши учун бу тажрибалар етарли эмас эди. Чунки, республика миқёсидаги ижтимоий муассасаларда бошқача ишлаш тартиби, бошқа интизом, бошқача фикрлаш тарзи талаб этилган. У ана шу бошқача иш тартиби, интизом ва фикрлашга республика раҳбарлари билан бўлган учрашувлари ва мулоқотлари жараёнида ўргана борди, улар томонидан берилган топшириқларни бажариш жараёнида янги тажриба ҳосил қилди.

Қурбон Берегин Тошкентга республика партия ташкилотининг ўша вақтдаги раҳбари Акмал Икромовнинг тавсияси билан ишга чақирилган эди. Акмал Икромов Хоразмга қилган хизмат сафари вақтида ёш, қайноқ қонли ташкилотчи йигит билан танишиб, унинг Тошкентдаги тарғибот ва ташвиқот ишлари билан боғлиқ муассасада хизмат қилиши жараёнида яхши раҳбар бўлиб етилишига ишонди. У Қурбон Берегинни Тошкентга кўчиб келиб, Ўзбекистон Давлат нашриёти правлениеси раиси лавозимида ишлаб турган вақтида ҳам тез-тез чақириб, унга турли-туман топшириқларни берди. Бу топшириқлар орасида байрамларга тайёргарлик масаласи ҳам бўлган. Замондошларнинг хотирлашларича, кунларнинг бирида Акмал Икромов Қурбон Берегинни шу масалада чақириб, унга совет даврида жорий этилган янги байрамларни ўтказишдан мақсад халқ кайфиятини кўтариш, унинг маданий-маърифий савиясини ошириш экан-

лигини айтган. Бу масала эса нашриёт ходимларига ҳам бевосита алоқадор бўлиб, улар «байрам дастурхон»ига полиграфик жиҳатдан юксак савиядаги бадиий ва илмий-оммабоп асарларни қўйишлари лозим эди. Акмал Икромов шу масалада Қурбон Берегин билан суҳбатлашар экан, унга адабиёт ва санъатнинг халқ маданий ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида шундай самимий сўзларни айтганки, бундан мутаассир бўлган Қурбон Берегин шу учрашувдан кейин кўп ўтмай, газета саҳифаларида «Янги ҳаёт ҳақида» сарлавҳали мақоласини эълон қилган.

Акмал Икромов ва республиканинг ўша вақтдаги бошқа раҳбарларидан сабоқ олган, Москвага бориб, нашриёт ва полиграфия ишлари билан яқиндан танишган Қурбон Берегин Ўзбекистон Давлат нашриётининг ишини қайта қурибгина қолмай, нашриёт босмахонасида чоп этилган «“Ўзбекистон шўро адабиёти», ««Китоб ва инқилоб» журналларининг ҳам гоаявий-бадиий савиясини кўтариш, уларнинг замонавий қиёфага эга бўлиши йўлида жонқуярлик қилди. Бу журналларнинг 1932 йил сонларини варақлаб кўрган китобхон ўша йилларда ўзбек адабиёти ва унинг тарғиботи масаласида жиддий ўзгариш рўй берганига амин бўлиши мумкин. Бунга сабаб куни кеча «хурилиш» ва «“Инқилоб» деб аталган журналлар номининг ўзгартирилишигина эмас, балки, энг аввало, истеъдодли шоир ва ёзувчиларнинг бу журналлар атрофига жалб қилиниши ва уларнинг ўша даврнинг муҳим мавзуларида ёзилган асарларининг эълон қилинишидир.

«Китоб ва инқилоб» журналининг 1932 йил 1-2-сонларида берилган ахборотда айтилишича, журнал ўз олдида ишчи ва колхозчиларнинг китобга бўлган талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда матбуот ва нашриёт соҳасида ишловчи кадрларни тарбиялаш вазифасини қўйган эди. Ўзбекистон Давлат нашриёти томонидан ойда бир марта чиқадиган «Ўзбекистон шўро адабиёти» журнали эса Ёзувчилар уюшмаси Ўзбекистон ва Тошкент ташкилий қўмиталарининг органи бўлиб, шу икки журналнинг бутун маъсулияти Р.Мажидийнинг зиммасига юклатилган эди. Бу журнал фаолиятида Ҳ.Олимжон, М.Усмонов, Алексеев, О.Собирова, У.Исмоилов, Элбек, Уйғун, А.Қодирий, Ғ.Ғулом, Зиё Саид каби адиблар ҳам таҳрир ҳайъати аъзолари сифатида фаол иштирок этдилар.

1935 йилдан «Ўзбекистон шўро адабиёти» журнали «Қурбон Берегин муҳаррирлигида» «Совет адабиёти» номи билан чиқа бошлади. Журнал китобхонлар эътиборига кўзга кўринган ўзбек ёзувчиларининг замонавий мавзудаги энг яхши асарларини эълон қилиб борди. Журнал таҳририятида республикамиз пойтахти Тошкентда, шунинг-

дек, вилоят марказларида ташкил қилинган адабиёт тўғарақларига умумий йўналиш бериш мақсадида дастурлар ишлаб чиқилди. “Бу дастурларда «Бадиий адабиётнинг аҳамияти», «Фольклор ва унинг аҳамияти» сингари бўлимлар бўлиб, уларда адабиётнинг ҳозирги давр кишиларининг маданий ҳаётида тутган ўрни аниқ белгилаб берилди. Дастурда рус ва ўзбек адабиёти бўйича ўша давр талаблари асосида ўқилиши зарур бўлган М.Горькийнинг «Челкаш», Д.Беднийнинг «Этик ила чориқ», Файратийнинг «Далага кетдим», А.Қодирийнинг «Шубҳа», А.Қаҳҳорнинг «Қишлоқ уйғонди», К.Яшиннинг «Номус ва муҳаббат», Қ.Олимжоннинг «Бахтлар водийси», Ойбекнинг «Темирчи Жўра кофир ҳақида», Уйғуннинг «Хаёлимда кезар икки нарса...» сингари асарларидан намуналар берилди.

Бугун бу рўйхат, бир томондан, ўша йиллардаги адабий сиёсат, иккинчи томондан эса, Қурбон Берегиннинг муҳаррир сифатидаги фаолиятига асос бўлган мезонлар тўғрисида тасаввур ҳосил қилишимизга ёрдам берса ажаб эмас.

Қурбон Берегин «янги жамият»ни қуриш ишида мавжуд бўлган хато ва камчиликларни бартараф қилишда адабиёт ва санъатнинг зўр қурол эканлигига ишонч ҳосил қилиб, ёзувчиларни Абдулла Қаҳҳорнинг «Адабиёт муаллими» ҳикоясига ўхшаш кишилар ва жамият ҳаётидаги иллатлар устидан қулувчи асарлар ёзишга даъват этди.

Маълумки, нафақат бадиий асар, балки умуман китобнинг нашр этилишида муҳаррир меҳнатининг аҳамияти ғоят каттадир.

1936-1937 йилларда Қурбон Берегин муҳаррирлик қилган «Адабиёт» дарслиги 30 минг нусхада чоп этилди. Дарсликда «Фольклор нима», «Фольклор қандай яратилади», «Мақол деб нимага айтилади», «Мақолларнинг келиб чиқиши», «Мақолларнинг қиймати», «Мақоллардан намуналар», «Мақолларнинг қиймати», «Мақоллардан намуналар», «Топишмоқлар», «Топишмоқларнинг келиб чиқиши», «“Топишмоқлардан намуналар», «Кўшиқлар», «Кўшиқларнинг келиб чиқиши ва тарихи», «Кўшиқлардан намуналар» сингари руқналар берилди. Мазкур дарсликнинг 1937 йилда нашриётга топширилган 4-нашрига, афсуски, 1937 йил 5 октябрда, яъни Қурбон Берегин қамоққа олинганидан бир ой кейин босишга руҳсат этилди. Лекин бу сафар дарсликнинг масъул муҳаррири Қурбон Берегин эмас, балки Ҳабибий деб кўрсатилган эдики, бу ўзгаришнинг ўша даврнинг сиёсий талаблари билан юз берганлиги шубҳасиздир.

Қурбон Берегин маданий ва маърифий муассасалардаги раҳбарлик фаолиятида ўша даврнинг сиёсий тўсиқларидан чиқиб кетишга интилмади. У ўз даврининг фарзанди эди. У совет давлатининг мада-

ний сиёсати ўзбек халқининг том маънода маърифатлашишига ёрдам беради, деб ишонди. У шу даврга ва шу жамиятга ҳалол хизмат қилгани ва хизмат қилаётгани билан фахрланди. Шу маънода унинг фаолиятига ҳозирги давр нуқтаи назардан ёндашганда ҳам ижобий, ҳам салбий ҳолатларни кўришимиз аниқ. Чунончи, у марксизм-ленинизм классиклари асарларининг ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилишига катта куч сарфлади. Аммо у худди шу йўналишдаги фаолияти — «Ленинизм асослари» китобини таҳрир қилишда қатнашганлиги учун унга танбеҳ берилди. Шу ҳақдаги ҳужжатларда мазкур китоб гўё бузиб таржима ва таҳрир қилинганлиги учун унинг 1933 йилда нашриётга 3 миллион сўм зарар келтирганлиги айтилади.

Агар совет давлати нотўғри мафкурага асосланмаганида, у муаллиф сифатида ёзган ва ношир сифатида нашр этган асарларнинг аксар қисми бугунги кунда ҳам ўз қимматини сақлаб қолган бўларди. Аммо шу нарса муҳимки, у қайси лавозимда хизмат қилган бўлмасин, ҳалол хизмат қилиб, шу лавозимдан кишиларга яхшилик қилишда фойдаланди ва ўзидан яхши хотира қолдирди.

Инсон учун энг муҳим нарса шу бўлса керак.

АДАБИЙ-БАДИИЙ СОҲАЛАРДА

1933 йил ноябрида Қурбон Берегин Ўзбекистон компартияси марказқўмига ишга таклиф этилди. У дастлаб матбуот шўъбасининг мудири, сўнгра мазкур шўъба қайта тузилгач, шўъба инструктори лавозимида ишлади. 1935 йил сентябрида эса у марказқўм маданий оқартув бўлимига мудир этиб тайинланди. Қурбон Берегин айни пайтда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатига аъзо бўлиб сайланди ва шу даврдан эътиборан республикадаги адабий ҳаракатда ҳам фаол қатнаша бошлади.

Қурбон Берегин, ўша вақтдаги аксар ёшлар сингари, замонавий рус адабиётининг чинакам ихлосмандларидан эди. Унинг адабий диди ва қарашлари А.Серафинович, Д.Фурманов, М.Шолохов, А.Фадеев каби рус совет адибларининг асарларини ўқиш жараёнида шаклланди. Бу ва бошқа ёзувчиларнинг асарларини шу давр адабиётининг энг яхши намуналари деб билган Қурбон Берегин улардан таъсирланиб ва завқ-шавқ олибгина қолмай, рус адабиётининг долзарб мавзулардаги қатор роман ва қиссаларини нафақат дўст-ёрлари, балки кенг халқ оммаси ўртасида тарғиб қилишни ўзининг виждон бурчи, деб билди.

Қурбон Берегин шу йилларда хизмат юзасидан Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Ойбек, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Ойдин Собирова, Усмон Носир, Анқабой каби ижод аҳли билан яқиндан танишиб, улар билан тез-тез мулоқотда бўлишга, кези келганда, ўзидаги адабиётга бўлган ҳавасни, таниқли ёзувчиларга бўлган ҳурматини турли шаклда ифодалашга интилди.

Шу ўринда Абдулла Қаҳҳорнинг машҳур жажжи асарларидан бири - «Адабиёт муаллими» ҳикоясининг яратилиш тарихи билан танишиш мақсадга мувофиқдир. Атоқли адиб» ҳаёт ҳақиқатидан бадиий тўқимага» деган мақоласида мазкур асарнинг туғилиш тарихи тўғрисида бундай ёзган эди:

«Адабиёт муаллими» ҳикояси ёзилганга қадар мен жуда кўп чала савод адабиёт ўқитувчиларини кўрганман. У вақтларда бунақа ўқитувчилар кўп учрар эди. Рус ва жаҳон классиклари асарларининг таржимаси жуда оз, кўпчилик, хусусан қишлоқдаги китобхон рус тилини чала билар эди. Кўп ўқитувчиларнинг маълумоти юзаки, хрестоматияларда бериладиган парчалардан нари ўтмас, буни ҳам улар имтиҳонни топшириб, диплом олиш зарур бўлганлиги учунгина ўқишар эди. Бундай одамларнинг ўз фанларини билмасликларигина эмас, ҳатто тушунмасликларига ҳам таажжубланмаса бўлади. Бир куни қариндош-уруғларимиздан бири — адабиёт муаллими отпускага келди; кечкурун театрга борди, саҳнада таржима пьеса кетаётган эди, спектаклни кўриб, уйга жуда хугоб бўлиб келди: саҳнадагилар ҳаммаси ўрису, ўзбекча гаплашади!

Бироқ ҳикоянинг ёзилишига Қурбон Берегин деган танишим айтиб берган бир неча факт туртки бўлди. Берегин Марказий ҳўмита аппаратида ишлар эди. 1936 йили мактабларда адабиёт ўқитилишини текшириш учун тузилган катта бригадага бош бўлиб, Самарқанд областига борган эди. У айтиб берган фактлар ҳақиқатан ҳам кулгили эди. Дарсда М.Горькийнинг «Она» романини ўтган бир ўқитувчи эсимдан чиқмайди. Комиссия унинг дарсига кирибди. Ўқитувчи марказдан келган комиссияни қойил қолдириш учун роса олиб қочибди, кейин шу дарсда «Она» романини ким ёзганлигини билмаганлиги очилиб қолибди. Берегин менга бу гапни кула-кула айтиб берган эди.

Текшириш натижалари кенг муҳокама қилиниши керак эди, бироқ муҳокама қилинмади шекилли, ҳеч бир гап эшитмадим ва тўпланган фактларнинг биттаси ҳам матбуот кўлига тушмади. Шундан кейин бу ҳақда ҳикоя ёзгим келиб қолди. Берегин айтиб берган ўша ўқитувчи ҳаёлимдан сира кетмас эди. Мен унинг дарсадагина эмас, уйда ҳам

кўра бошладим. Унинг қилиқлари, интилишлари, адабиётга қанчалик алоқадор эканлигини ҳам тасаввур қилдим. Ҳикоянинг композицияси ўз-ўзидан қолипга тушиб қолди. Фақат Горькийнинг «Она»си ўрнига Чеховнинг «Уйқу истаги»ни олдим. Унинг сабаби, биринчидан, Чехов яратган образлар бутун ақл-хушимни чулғаб олганлиги эди»¹.

Абдулла Қаҳҳор Қурбон Берегиндан эшитган ҳаётий воқеани ижодий қайта ишлаб, «Адабиёт муаллими» ҳикоясида «нафис адабиёт муаллими» Боқижон Бақоевнинг ҳажвий образини катта маҳорат билан яратди. У ўзини нозиктаб, кўп нарсани билувчи зиёли деб ҳисоблайдиган одам. Лекин қайнсинглиси, мактаб ўқувчиси Ҳамид: «Биз синфда Чеховнинг «Уйқу истаги»ни ўқидик, гўдакни ўлдирган қизни суд қилмоқчимиз... Мен қизни оқлаб, бутун гуноҳни унинг хўжайинига, ёш қизни бу қадар эксплуатация қилган кишига қўймоқчиман... Шу тўғрида сизнинг фикрингизни билмоқчиман. Чехов шундай демоқчи эмасми?» - деб сўраганида Бақоевнинг билимдонлиги тутиб кетиб, «Нафис адабиёт дарсини сизларга ким беради? Ҳакимов? Аҳмоқ одам ўз устида ишламайди! ..,»- деб Ҳамидани қизиқтирган масаладан тобора узоқлаша беради. Аммо маълум бўлишича, У Чеховнинг нафақат «Уйқу истаги» ҳикоясини ўқимаган, балки унинг ўзи тўғрисида ҳам аниқ тасаввурга эга эмас ҳатто Чехов тўғрисидаги тахминий гаплари Ҳамиданинг билими қаршисида қоғоздан ясалган уйдек нураб тушганида, Чеховларнинг иккита бўлгани, у айтаётган Чехов бошқа Чехов эканлигини айтиб, шармандали вазиятдан чиқмоқчи бўлади.

Абдулла Қаҳҳорнинг А.П.Чеховдек улуг рус ёзувчисини мутлақо билмаган «нафис адабиёт муаллими» устидан бундай қаҳқаҳа отиб кулишида Қурбон Берегиннинг ҳам истехзоли овози эшитилиб тургандек бўлади.

Аммо шу нарса даҳшатлики, 1937 йилда ёзилган бу ҳикоя ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Сўнгги йилларда мамлакатимизда китобга бўлган муҳаббатнинг сўниши орқасида Боқижон Бақоевларнинг уруги борган сайин кўпайиб бормоқда. Ва бу ҳол фавқулодда ачинарли ҳолдир.

Кўрамикки, 30-йиллар ўзбек ҳикоянавислигининг энг яхши намуналаридан бирининг майдонга келишида Қурбон Берегин ҳаётда учратган ана шу ноҳуш воқеа хамиртуриш бўлиб хизмат қилган. Қурбон Берегиннинг кўплаб сафарлари ва турли-туман ажабтовур кишилар билан учрашувлари вақтида рўй берган воқеалар бошқа ўзбек ёзувчиларининг ҳам ҳикоя ёки шеър ёзишларига туртки берган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Қурбон Берегин гарчанд бадиий ижод билан шуғулланиб, ўзидан бирор баркамол асар қолдирмаган бўлса ҳам, адабиёт ва санъатга меҳр қўйган, шу соҳа вакиллари билан кўпроқ мулоқотда бўлишга, улар яратаётган асарларни ўқиб ёки тинглаб завқ-шавқ олишга интилни. Айни пайтда хизмат вазифасидан келиб чиқиб, уларга партиянинг адабиёт ва санъат аҳли олдига қўйган вазифаларни тушунтиришни, уларнинг ана шу вазифаларни оғмай-толмай бажаришлари лозимлигини уқдириб туришни ўзининг бурчи, деб билди.

У Тошкентга кўчиб келгач, қутилмаганда Абдулла Қодирий сингари машҳур ёзувчилар билан учрашиб, уларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлишга, янги асарлари билан танишишга, айни пайтда Ёзувчилар уюшмасига партия томонидан юборилган шахс сифатида уларнинг сиёсий онгларини «кўтариш»га уринди. Берегин ана шундай кезларда ўзининг куни кеча Хоразмда кечган ёшлик йилларини, у ердаги устозларини ҳам тез-тез ёдлаб турар эди.

...20 - 30-йилларда Хоразмдаги маданий муҳитда фаол иштирок этган Бекжон Раҳмонов, Баёний, Худойберган Девонов, Чокар каби ижодкорлар истеъдодли ёшларни ўз бағрларига олиб, уларни адабиётдек улуг даргоҳда ҳалол хизмат қилишга, Ватан ва халқ хизматида ҳаминиша камарбаста бўлишга чорлар эдилар. Адабиёт ва санъатга меҳр қўйган бу устозлар бошқа шаҳарлардан келтирилган, шунингдек, Хивада нашр қилинган китобларни тарқатиб, кўплаб қироат тўғрақларини ташкил қилдилар.

Ана шу устозлар бағрида адабиётга, санъатга, илм-фанга бўлган ҳаваслари маълум бир изга тушган, секин-аста қалам тебрата бошлаган ёшлар орасида Қурбон Берегиндан ташқари, Умар Курбоний, Соҳиб Назарий, Марям Исҳоқова (Туйғун), Онажон Берегина (хотини), Машариф Оллаёров, Эшмурод Девонов (Шухрат) каби тенгдошлари бор бўлиб, улар устозларининг дуои фотиҳалари билан эл-юрт назарига тушдилар.

1920-1924 йилларда, Ўрта Осиёнинг бошқа маданий марказларида бўлгани каби, Хива шаҳрида ҳам адабий-маданий ҳаёт қизий бошлаган, адабиёт ва санъат соҳасида қандайдир ўзгариш ва янгиликларнинг рўй бериши кутилаётган эди. Мулла Бекжон Раҳмонов ва Бобоохун Салимов Боку шаҳрида ўтказилган Шарқ халқлари қурултойида қатнашиб, у ердан кўтарики руҳ билан қайтиб келганлари учун келажакка бўлган катта умид ва ишончлари гўнчалаётган эди. Уларга ўхшаш

хоразмлик илғор кишиларнинг ҳавас қилса арзийдиган яна бир хусусияти шунда эдики, улар халқ хўжалигини тиклаш ва маданий ишларни авжлантиришда миллий кадрлар билан бирга тақдир шамоли билан Хоразмга келиб қолган бошқа халқларнинг иқтидорли вакиллари ҳам самарали фойдаланар эдилар. 1920-1924 йилларда Хива шаҳрида Ёнлаб номдаги газета ва журналлар нашр қилиниб, шаҳарнинг истеъдодли ёшлари ана шу нашрлар атрофига уюшган эдилар. Шулар орасида рус П.А.Подворков, бошқирд А.И.Тагиров, эроний А.Иброҳимов, белорус П.А.Теленкович, мордвин Г.Е.Мирошкин, латиш О.Г.Эльке, украин И.Сердюк, қорақалпоқ Г.Орзимуротов, татар Қ.Абубакиров, поляк Г.И.Адришевский, яхудий С.Либензон, немис О.Макс ва бошқа илғор кишилар бор эдики, Қурбон Берегиндаги бошқа миллат вакилларига ҳурмат, ватанпарварлик ва халқлар дўстлиги ғояларига садоқат сингари туйғуларнинг шаклланишида уларнинг ҳам таъсири сезиларли бўлди. Қурбон Берегин шундай омиллар таъсирида онгли-тушунчали, тафаккур доираси кенг киши бўлиб етишибгина қолмай, бошқаларга ёрдам бериш, улар руҳини кўтариб, муайян ишга сафарбар қилиш хислатига эга бўлди. 1934 йилда Хоразмда Раҳмат Мажидий ва Қурбон Берегиннинг ташаббуси билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими ташкил этилиб, воҳадаги кекса ва ёш ижодкорлар шу уюшма қошида фаолият олиб бордилар. 1932-1934 йилларда Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимида бир неча халқ шоири ва 15 нафар ёш ёзувчи бор эди. Юқорида номлари тилга олинган икки раҳнамонинг ёрдами билан ўша йилларда вилоят ижодкорларининг Ёндан зиёд китоблари чоп этилиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинди.

1928 йили Хивада «ҳикоялар ва шеърлар» тўпламининг нашр этилиши воҳанинг маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Бу тўпландан ўтмиш ва ҳозирги замон ҳақидаги, ўтмишда яшаган тарихий шахслар ҳақидаги шеър, ҳикоя ва очерклар ўрин олган эди. Тўпланда маҳаллий шоир ва ёзувчилардан ташқари, бошқирд ёзувчиси Афзал Тагировнинг «*«Сариқ Мўлда»*, қозоқ адиби С.Сарсенбоевнинг «*ҳора кунлар ичида»* ҳикоялари, татар адиби Чиханшиннинг «*У қандай қилиб мухбир бўлди»* очерки ҳам эълон қилинган эдики, бу муаллифларнинг Хоразм адабий ҳаётига кириб келишида Қурбон Берегиннинг хизмати оз эмас эди.

Қурбон Берегин Хоразм шоирларидан Мунис, Огаҳий, Аваз ўтар, Баёний, Комил Девоний, Партав, Роқиб сингари шоирларининг асарларини ўқиб, ўзи ҳам шеър ва хикоялар ёза бошлаган. Шубҳасиз, унинг адабий машқлари устоз шоирларнинг шеърларидан замонавий

гояларни замонавий шеъррий шакл ва оҳангларда тасвирлангани билан ажралиб турди. Комсомол ва партия ташкилотларининг раҳбарлиги осида улғайган қаламкашнинг шу давр гояларидан четда яшаши амри маҳол эди, албатта. Аммо у илм-фан, мактаб ва маорифнинг аҳамияти, хотин-қизлар озодлиги каби масалаларга, шу даврда яшаётган ёшларнинг, шу жумладан, ўзининг орзу ва интилишлари тасвирига бағишланган шеърлар ҳам ёзганки, афсуски, уларни 20-йиллардаги турли газеталар тахламидан қидириб топиш осон юмуш эмас.

Қурбон Берегиннинг 1928 йил бошларида ёзган шеърдан бизгача етиб келган қуйидаги тўрт сатри, бизнингча, ҳам мазмуни, ҳам шакли билан эътиборга сазовордир:

Умид саҳросини йироқ десалар,
Тоғлардан ошаман шамолдай эсиб.
Ҳақиқат пардаси ёпиқ десалар,
Кўз юммай очаман парчалар кесиб...

Хоразмда ана шундай «адабий» йўлни босиб ўтган Қурбон Берегиннинг тошкентлик ижод аҳли билан яқин инсоний ва ижодий алоқада бўлиши табиий эди.

XX аср ўзбек адабиёти тарихидан шу нарса маълумки, 30-йилларнинг бошларида республикадаги ёзувчиларни бир ижодий уюшмага тўплаш ҳаракати бошланди. 1932 йил 16 июнда Тошкент ва Самарқанд ёзувчиларининг қўшма мажлиси ўтказилиб, унда Ёзувчилари уюшмасини тузиш лозимлиги ҳақида келишиб олинди. Мажлис охирида Раҳмат Мажидий раислигида ташкилий қўмита тузилди. Йўқсил ёзувчилар уюшмасининг органи сифатида нашр этилиб келинган «хурилиш» журнали бўлажак ёзувчилар уюшмасининг «Ўзбекистон шўро адабиёти» номли журналига айлантирилди. Ўша йилнинг октябрь ойида «Китоб ва инқилоб» журнали ташкил этилиб, Қурбон Берегин журналнинг ўриндошлик асосида муҳаррири этиб тасдиқланди. 1933 йил 5 майда Ўзбекистон ёзувчиларининг биринчи ташкилий қурултойи бўлиб ўтди ва қурултойда ўзбекистондаги барча қаламкашлар учун ягона Ёзувчилар уюшмасини тузиш масалалари кўриб чиқилди. 1934 йил 7-11 март кунларида Ўзбекистон ёзувчиларининг биринчи қурултойи ўтказилиб, унда адабий ҳаракатни қайта қуриш яқунлари ва навбатдаги вазифалар муҳокама қилинди.

Шу ўринда айтиш жоизки, Қурбон Берегин қурултой ҳайъати номига ариза билан мурожаат этган бўлиб, қурултойда унинг мазкур аризаси ҳам муҳокама қилинди. У аризасида ўзини Ёзувчилар

уюшмасига аъзо қилиб қабул қилишларини илтимос қилган эди. Қурултойда Қурбон Берегиннинг аризаси бўйича қуйидаги фикрлар баён қилинди: «Турли тўпламларда Берегиннинг бир қатор шеър ва ҳикоялари нашр қилинди. У кейинги вақтларда Хоразм инқилоби тўғрисидаги катта роман устида ишламоқда. Бундан ташқари, у ташкилий қўмита ҳайъати аъзоси сифатида адабий ҳаракатда фаол қатнашмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон компартияси марказқўмининг матбуот шўъбасига раҳбарлик қилмоқда»¹.

Яна бир ҳужжатда Қурбон Берегин ҳақида бундай сўзларни ўқиймиз: «Ўр. Қурбон Берегин — «Маданий инқилоб» газетасининг муҳаррири. 1926 йилдан бошлаб шоир ва танқидчи. Айрим ёзувчиларнинг ижодий асарлари устида ёзган танқидий мақолалари бор. Ҳозирда Хоразм инқилоби ҳақида асар ёзмоқда»².

Бундай маълумотлар Қурбон Берегиннинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига биринчилар қаторида аъзо бўлишга ҳақли бўлганини тасдиқлайди.

Қурбон Берегин қурултой ишида адабиёт олдида турган масалалар бўйича олиб борилган мунозараларда иштирок этди. У қандай шароитда ўсиб, камол топганидан қатъий назар, барча истеъдод соҳибларининг янги давр ғояларини олға суришда фаол иштирок этишлари лозимлиги ҳақида сўзлади. Қурбон Берегин эндигина ўттиз ёшга тўлган киши бўлишига қарамай, ғоявий чиниқиш мактабини ўтгани учун нутқига сиёсий-ижтимоий руҳ бериб, бундай давом этди: «Маданий инқилоб майдонидаги иш ва курашимизнинг тажрибалари кўрсатадиларки, меҳнаткашлар ва уларнинг ўсиб келаётган авлоди томонидан бутун соҳаларда ўзларининг билим даражаларини ошириш, ҳар бир нарсани қурилишимизнинг манфаати, диалектик материализм қонуни нуқтаи назаридан жиддий ўрганиш, тўғри фойдаланиш талаблари ўсиб, юқорилашиб бораётир...»

Аммо янги давр нафасини ҳаққоний ифодаловчи чинакам бадиий асарларнинг яратилмай келаётгани ҳеч кимга сир эмас эди. Қурбон Берегин ёзувчилар диққатини ана шу масалага қаратиб, яратилаётган бадиий асарлар қуйидаги талабларга тўла жавоб беришини лозим, деб билди: «Биз ярататурғон, ижод қилатурғон адабиётларимиз умум тарих китобларидан ўзининг шакли, тили, услуби - санъаткорона ишланиши жиҳатларидангина фарқ қилиб, ўзининг бутун маъноси, мундарижаси бўйича санъаткорона юксак, чиройли образлар моҳиятини ўз ўқувчисининг миясига тез ва енгил қуяр услуб, тўла тушунарли тил ва шаклдаги ифодасидир».

Қурбон Берегин бу сўзлари билан бадиий асар топшириқ асосида

яратилиши, бир мавзу устида фақат битта адиб ишлаши лозим, деган қарашларга кескин зарба берди. Чунки муайян тарихий шахс ёки воқеани тасвирлаш ҳар бир адибнинг ўз қарашлари, материални идрок ва таҳлил қилиш услубига боғлиқ. Агар бир тарихий шахс ёки воқеа устида бир неча ёзувчи ишлаётган бўлса, бу ҳол бошқаларнинг мазкур мавзуга қўл урмасликлари лозимлигини мутлақо англамайди. Аксинча, биз уларнинг ёзишларига ёрдам ва далда беришимиз керак. «Асарга ўқувчининг ўзи баҳо берсин», - деди Қурбон Берегин ва фикрини бундай давом этдирди: «Ҳар бир ёзувчининг ўзига хос ижодий шакли, манбалардан фойдаланиш услуби, тили ва, шунингдек, санъаткорона маҳорат хусусиятлари бор. Ҳар бир ўқувчи шу яратилган асарларнинг ҳаммаси бир текис эмас, ичидан энг яхши ёзилганини танлаб ўқийди».

Қурултой олдида турган навбатдаги масалаларнинг бири ва биринчиси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташкилий қўмитасини сайлаш эди. Қурбон Берегин шўро адабиёти ва санъати олдида турган гоёвий, адабий ва тарбиявий вазифаларни тўғри тушунгани учун ҳам Ёзувчилар уюшмасининг ҳайъатига аъзо этиб сайланди. Р.Мажидий раислигидаги ташкилий қўмита ҳайъатининг етти нафар аъзосидан бири Қурбон Берегин бўлади.

Ана шу тарзда Қурбон Берегин 30-йилларнинг бошларида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасини ташкил этиш бўйича бошланган ишларда фаол қатнашиб, уюшма тузилгач, унинг ҳайъатига аъзо бўлиб кирди.

Қурбон Берегин 1935 йил октябрида Ўзбекистон компартияси марказқўмининг маданий оқартув бўлимига мудир этиб тайинланганидан кейин Ёзувчилар уюшмасининг биринчи раиси Раҳмат Мажидий, бизга номаълум сабабларга кўра, Москвага, қизил профессорлар институтига ўқишга юборилади. У шу вақтда ҳам марказқўм вакили, ҳам уюшма ҳайъатининг аъзоси сифатида ҳайъатнинг бошқа аъзолари билан бирга уюшмага раҳбарликни амалга оширади. Шу йили уюшма қошида Отажон Ҳошим, Қурбон Берегин ва Л.С.Пинхасикдан иборат адабий танқид бюроси ташкил этилади. Бу, Қурбон Берегин адабий фаолиятининг асосий йўналишини белгилаб берган воқеа эди.

Агар Қурбон Берегиннинг 1935 йил 10 декабрда Садриддин Айний ижодий фаолиятининг 30 йиллигига бағишланган ва республика оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев иштирок этган юбилей кечасини кириш сўзи билан очганини эсласак, унинг ўша йиллар адабий ҳаётидаги мавқеи катта бўлгани, айниқса, аён бўлади. Қурбон Берегин

1936 йил мартида Минскда бўлиб ўтган СССР Ёзувчилар уюшмасининг пленумида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг аъзоси сифатида қатнашди ва Тошкентга қайтиб келгач, шаҳар ёзувчиларининг йиғилишида “плениум якунлари тўғрисида маъруза ўқиди. Ушбу йиғилишда А.Қодирий, Ҳамид Олимжон, Фафур Фулом, Уйғун сингари атоқли ёзувчилар иштирок этдилар.

Қурбон Берегин уюшманинг раҳбарларидан бири сифатида муайян гоъвий савия ва адабий малакага эга қаламкашлар, хусусан, ёш истеъдод эгаларига ёрдам беришга ҳаракат қилди. Ёзувчилар ижодий фаолияти қизғин тус олиши ва самарали бўлиши учун улар халқ ва мамлакат ҳаёти билан яқиндан таниш бўлишлари лозим эди. Қурбон Берегин уюшманинг бошқа раҳбарлари билан бирга шу хайрли мақсадда уларнинг республика шаҳар ва қишлоқларига ижодий сафарларга юборилишида ташаббус кўрсатди. Шунингдек, ёзувчилар иқтисодий аҳволининг яхшиланишига қаратилган таклифларни ўртага ташлади. Натижада Тошкент вилоятининг Оқтош қишлоғида ёзувчилар учун Ижоди уйи барпо этилди, қатор ёзувчиларнинг уйлари эса таъмирлаб берилди.

Қурбон Берегин, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, республиканинг ўша йиллардаги гоъвий-сиёсий раҳбари Акмал Икромов билан яқин алоқада бўлиб, ўзининг барча фаолиятида, хусусан, Ёзувчилар уюшмасида олиб борган ишларида унинг ёрдами ва кўрсатмаларига таянди. У адабий танқид бюросининг аъзоси сифатида нашр қилинган асарларнинг мазмуни, бадиий даражаси билан қизиқди.

Қурбон Берегин фаолият олиб борган даврда республикамизнинг маданий ҳаётида иккита муҳим тадбирнинг амалга оширилиши режалаштирилган эди. Буларнинг бири улуг рус шоири А.С.Пушкин вафотининг 100 йиллигига, икинчиси эса ўзбек адабиёти ва санъатининг Москвада ўзказилажак Ғнқунлигига тайёргарлик эди. Агар бу тадбирларнинг биринчиси, асосан, таржима ва нашр ишлари билан боғлиқ бўлган бўлса, иккинчиси янги адабиёт, музыка ва театр асарларини яратишни тақозо этар эди. Берегин марказқўмнинг масъул ходими сифатида бу ҳар иккала тадбирнинг амалга ошишида, айниқса, фаол ишлади.

Афсуски, бизнинг ихтиёримизда Қурбон Берегиннинг А.С.Пушкин асарларининг таржима ва нашр қилиниш жараёнидаги иштирокига оид бирор маълумот йўқ. Бундай маълумотлар тинтув пайтида олиб кетилиб, йўқ қилиб юборилган. Аммо у ўзбек адабиётида наср жанрини тараққий эттириш мақсадида янги бадиий асарлар танловининг эълон қилиниши ва ўтказилишида бевосита иштирок этди.

Мазкур танлов шартларига кўра, биринчидан, танлов иштирокчилари бадиий адабиёт соҳасида қай даражада қобилиятга эга, нималарга қодир эканликларини намойиш қилишлари, иккинчидан, танлов учун ёзилган бадиий асарлар халқимизнинг кейинги йигирма йил давомида амалга оширган ишларини, юз берган тарихий ўзгаришларни бадиий образлар орқали ифодалашни лозим эди. Қурбон Бергин масъул муҳаррири бўлган «Китоб ва инқилоб» журналида танловнинг мақсад ва вазифалари қуйидагича ифодаланган эди:

«Ўзбекистон шўро ёзувчилари союзининг ташкилот комитети Ўзбекистон ёзувчилари орасида адабий танлов ўтказишга қарор қилди. Бу танлов бўйича 16-йил воқеасидан бошлаб, то ҳозирги кунгача (1933 йилгача) кечирилган тарихий-инқилобий ҳоллар юзасидан ёзилган насрий асарлар (ҳикоя, роман, қисса) учун уч турли мукофот белгиланди. Биринчиликни олган асар муаллифига одатдаги қалам ҳақидан ташқари, яна 10 минг, иккинчидан 7 минг, учинчидан, 5 минг сўм пул ҳамда 6 ойлик ижодий отпускаи берилажакдир...»

Айтиш мумкинки, бу биринчи танлов, умуман, яхши натижа берди. Агар айрим танқидчилар ёзувчиларни турли гуруҳларга ажратиб, машҳур сўз усталарини «буржуа ёзувчилари» деган айб билан четга суриб қўйишга ва ишчилар синфидан етишиб чиққан қаламкашларни эса рағбатлантиришга ҳаракат қилган бўлсалар-да, Садриддин Айнийнинг «хуллар», Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романларига иккинчи мукофотнинг берилиши, Абдулла Қодирийнинг «Обид кетмон», Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романларининг нашрга, Расулжон Раҳимийнинг «Хоин» пьесасининг эса саҳнага тавсия этилиши танлов ҳайъатининг ўша шароитда ҳар ҳолда адолатли ҳукм чиқарганлигини англатади.

Энг муҳими шундаки, танлов ижод аҳлини янада фаолроқ меҳнат қилишга илҳомлантирди ва ўзбек адабиётининг кейинги тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди. Келгусида ҳам шундай танловларни ўтказиш фақат фойда келтириши маълум бўлди.

Янги бадиий асарларнинг яратилиши, адабий ҳаётнинг жонланиши ўз навбатида адабий танқид масалаларига жиддий эътибор бериш заруратини уйғотди. Қурбон Бергин гарчанд вақтли матбуотда адабий-танқидий мақолалари билан қатнашмаган бўлса ҳам, икки-уч йил давомида кўплаб асарларни ўқиб чиқиб, бюро йиғилишида замонавий адабий жараён тўғрисида ўз фикрларини билдириб турди. У марказқўмдаги хизмат вазифаларидан бўш вақтларида кўплаб ёзувчилар билан учрашиб, улар ёзаётган янги асарлар билан ҳам, уларнинг оилавий-маиший ҳаётлари билан қизиқди. Энг муҳими, улар

билан мулоқотлари даврида бадиий ижод табиати тўғрисидаги тасав-
вурлари ойдинлашиб, аниқ қирралар касб этиб борди.

Шу даврда Ёзувчилар уюшмаси олдида турган муҳим масалалар-
дан бири бошқа халқлар адабиётининг энг яхши намуналарини тар-
жима қилиш ва шу йўл билан ўзбек адабиётига мазкур адабиётларга
хос янги адабий-бадиий тамойиллар, янги адабий тур ва жанрлар,
янги тасвир усул ва воситаларини олиб кириш эди. А.С.Пушкин
асарларининг шу йилларда катта меҳр ва ғайрат билан таржима қили-
ниши, биринчидан, ўзбек халқининг улуғ рус шоири ижоди ва ум-
ман рус мумтоз адабиёти билан танишишига ёрдам берган бўлса,
иккинчидан, Пушкиннинг шеърӣй маҳоратидан, унинг адабий, та-
рихий ва илмӣй асарлар устида ишлаш тажрибасидан ўрганиш ва шу
асосда ўзбек адабиётини янги бадиий юксакликка кўтаришига му-
ҳим туртки берди.

Қурбон Берегин таржима ҳақида фикр юритар экан, таржима
ҳам бир санъат эканлигини уқтириб, таржимонларни тарбиялашга
алоҳида эътибор бериш зарурлиги, улар қобилияти ва салоҳияти
даражаларини кўтариш лозимлигини кўп бор таъкидлади. У «Тар-
жима ишларини соғайтамыз» деган мақоласида шу ҳақда бундай ёзган
эди: «Матбуот ва нашриёт соҳасида ишлаб турган таржимачи кадр-
лар орасида оммавий иш юргизиш, уларни янги давр қурилиши
талабларига мувофиқ ҳолда уюштириш, шунингдек, таржима фрон-
тидаги сифат жиҳатидан кўрилмоқда бўлган саводсизликни тугатиш
мақсади билан ўзнашр бир мунча чоралар кўра бошлади. Бунинг
учун илмӣй таржимонларнинг юзларини (қобилиятларини) аниқ-
лаш, уларнинг илмӣй даражаларини белгилаш, ихтисосларига кўра
саралаш ва ҳар қайсисига ўрин ва даража белгилаш керак».

Маълумки, 1934 йил августида Москвада СССР ёзувчиларининг
биринчи қурултойи ўтказилган. Қурултойда М.Горькийнинг маъру-
засидан кейин бошқа миллий ёзувчилар уюшмаларининг раислари
билан бир қаторда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Раҳмат
Мажидийнинг ҳам ўзбек адабиётининг совет даврида босиб ўтган
йўли ҳақида кўшимча маъруза билан чиққан. М.Горький қурултойда
сўзлаган нутқларининг бирида «Бутуниттифоқ театри»ни ташкил этиш
масаласини кўтариб, бундай деган эди: «Бу театрнинг асосий, дои-
мий труппаси рус артистларидан ташкил топган бўлиб, улар озар-
байжон, арман, белорус, грузин, татар ва Ўрта Осиё, Кавказ, Си-
бирда истиқомат қилувчи барча халқлар ва элатларнинг пьесаларини
рус тилида энг яхши таржималарда кўйишлари лозим. Ҳардош ада-
биётларнинг тез суръат билан ўсиши биздан бу адабиётларнинг юк-

салаётганини жиддий кузатишга мажбур этади ва бу ҳол рус драматургиясининг ўсишига ёрдам бериши мумкин»¹.

М.Горькийнинг бу, шунингдек, жаҳон миллий адабиётларимиз орқали озарбайжон, арман, белорус ва бошқа халқларнинг қандай халқлар эканлигини билсин, деган сўзлари ўзбек ёзувчиларининг ҳам кўнгилларидаги ширин орзуларни уйғотиб юборди.

М.Горькийнинг қурултойдаги маъруза ва нутқларидан бир йил аввал, 1933 йил 1 декабрда Москвадан Тошкентга ўзбек адабиётини ўрганиш ва ўзбек адабиёти эришган ижодий ютуқларни кенг тарғиб қилиш мақсадида В.Ермилов бошчилигида рус ёзувчилари делегацияси келган эди. Ана шу делегациянинг ўзбекистонда олиб борган ишлари натижаси ўлароқ «Ўзбекистон адабиёти» деган альманах нашрга тайёрланади ва 1935 йилнинг апрель ойида мазкур «альманах»нинг таҳрир ҳайъати тузилиб, унинг таркибига Р.Мажидий, Қурбон Берекин, Анқабой, Зиё Саид ва Л.Пинхасиклар киритилади. Шу даврдан бошлаб нафақат ўзбек адабиёти намуналари рус тилига, балки бошқа миллий адабиётларнинг энг яхши намуналари ҳам ўзбек тилига мунтазам равишда таржима қилиниб, нашр этила бошлайди. Бунда Абдулла Қодирий иштирокидаги ижодий жамоа томонидан 1934 йили Қозон шаҳрида чоп қилинган ва Қурбон Берекин масъул муҳаррири бўлган «ўзбекча-русча лугат» таржимонларга муҳим амалий қўлланма бўлиб хизмат қилди.

Қурбон Берекин Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидаги фаолияти давомида адабий жараёнда қатнашаётган қатор ижодкорларга яқиндан ёрдами берди. Унинг марказқўм аъзоси сифатидаги саъй-ҳаракати билан маданий қурилишга ажратилаётган маблағ 3, 5 миллион сўмдан 5, 4 миллион сўмга кўпайтирилди, бу маблағнинг каттагина қисми нашр, таржима, халқ оғзаки ижоди намуналарини ёзиб олиш ва тўплаш сингари ишлар учун ажратилган эди. Шунинг самараси ўлароқ 1932-1936 йилларда халқ оғзаки ижоди намуналаридан 400 га яқин эртақ, қўшиқ ва дostonлар ёзиб олинди. «Саврун», «ўт кетди», «Нишондорлар», «Юксалиш» каби қатор тўпламлар нашр қилинди.

ИЖОДКОРЛИК ФАОЛИЯТИ

Таржима санъати ҳар бир халқнинг миллий-маданий тараққиётида муҳим омиллардан бири ҳисобланиб келган.

30-йилларнинг ўрталарида А.С.Пушкин вафотининг 100 йиллиги муносабати билан улуг рус шоири асарларининг ўзбек тилига

таржима қилиниши миллий маданиятимизнинг ривожланишимизда муҳим аҳамиятга молик бўлди. Таржимачиликнинг катта ижтимоий ва маданий аҳамиятга эга санъат тури эканлигини яхши билган Қурбон Берегин ўзбекистонда рус мумтоз адабиёти намуналарини, биринчи навбатда А.С.Пушкин асарларини тарғиб ва таржима қилиш ишида ҳукумат юбилей комиссиясининг аъзоси сифатида иштирок этди.

Маълумки, бундай ишларнинг ўша пайтда марказқўм иштирокисиз амалга оширилиши маҳол эди. Марказқўмда эса бундай масалалар билан бевосита шуғулланувчи шахслар тарғибот ва ташвиқот бўлимининг мудири Мўмин Усмонов билан бирга маданий оқартув бўлими мудири Қурбон Берегин эдилар. Улар А.С.Пушкин вафотининг 100 йиллиги муносабати билан амалга ошириши зарур бўлган тадбирлар режасини тузиб, бу ишга бош-қош бўлдилар.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, 1936 йил 10-16 февраль кунларида Белоруссия пойтахти Минскда СССР Ёзувчилар уюшмасининг Ш пленуми чақирилиб, унда Қурбон Берегин ҳам иштирок этган эди. Пленум асосан белорус ва бошқирд адабиётларининг 1917 йилдан кейинги тараққиёти масалаларига бағишланган бўлса-да, у М.Климкович ва А.Тагиrowларнинг маърузаларидан кейин «Ўзбекистон адабиётининг ютуқлари ҳақида» қўшимча маъруза билан сўзга чиқиб, республикамизда бадиий адабиётнинг қай даражада ривожланаётгани ҳақида ахборот берди. Шунингдек, Афзал Тагиrowнинг бошқирд адабиёти ҳақидаги маърузасига муносабат билдириб, ўзбек-бошқирд адабий алоқаларини ривожлантиришга доир фикр ва мулоҳазаларини ўртага ташлади.

Қурбон Берегиннинг бошқирд адабиёти ҳақидаги маърузага муносабат билдириши тасодифий бўлмаган. Зеро, у Қозонга ўқишга боргунига қадар ҳам, кейин ҳам татар ва бошқирд халқлари адабиётидан бир мунча хабардор, ҳатто пленумда маъруза ўқиган Бошқирдистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси ёзувчи Афзал Тагиrow билан шахсан таниш бўлган. Янги бошқирд адабиётининг асосчиларидан бири Афзал Тагиrow (1890-1941) 20-йилларнинг бошларида Хоразмда яшаган ва Ўрта Осиёда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, Хоразм воҳасида босмачиларга қарши кураш ва совет қурилиши мавзуида «Тўполон дарё харобаларида» деган қисса ёзган ва бу қисса бошқирд адабиётдаги замонавий воқеаларни тасвирлашдаги дастлаби тажриба сифатида баҳоланган эди. Қурбон Берегин Афзал Тагиrow билан танишганида, унинг бу асари ҳали нашр этилмаган, шунинг учун ҳам у ёшлар ташкилотининг жўшқин раҳбарларидан бирига «Солдатлар» деб номланган илк қиссасини ҳадя этган эди. Бошқирд ёзувчисининг бу

қиссаси Қурбон Берегинга манзур бўлган бўлса керакки, у мазкур асарни ўзбек тилига таржима ҳам қилган эди.

30-йилларда, бир томондан, бошқа миллий халқларнинг адабиётлари билан ижодий алоқаларнинг, иккинчи томондан, таржима ишларининг йўлга қўйилиши натижасида шу давр адабий ҳаётида катта воқеа бўлган асарлар ўзбек тилига таржима қилина бошлади. Шундай асарлар орасида М.Шолоховнинг машҳур «Очилган қўриқ» романи ҳам бўлиб, Ройиқ томонидан илк бор ўзбек тилига таржима қилинган бу асар Қурбон Берегиннинг таҳрири остида Ўзбекистон ССРнинг 10 йиллига совға сифатида нашр қилинди.

Рус адабиётидаги фуқаролар уруши ва жамоалаштириш даври тарихини бадий гавдалантиришга бағишланган бу асар Қурбон Берегинда катта таассурот қолдиргани сабабли у бошқа халқлар адабиётларида мавжуд бўлган шундай асарларни нафақат ўзбек, балки ўзбекистонда яшовчи бошқа туркий тилларга ҳам таржима қилишни лозим, деб билди ва бундай деб ёзди: «Россия, Украина, Белоруссия ва Закавказье гражданлари уруши тарихидан олиниб, шу тилларда ёзилган яхши асарлардан танлаб, ўзбек, уйғур ва бошқа тилларга таржима қилиб, нашр этиш ишини уюштириш лозим».

Қурбон Берегин XIX аср охири - XX аср бошларида Хива шаҳрида таржимонлар ва хаттотларнинг ўзига хос мактаби вужудга келиб, самарали ижодий фаолият олиб борганидан яхши хабардор эди. У XX асрнинг 30-йилларида Тошкентда ҳам таржимонларнинг Хоразм мактабига ўхшаш мактаблари юзага келишини орзу қилди. Қолаверса, янги тарихий-маданий давр шундай мактабнинг пайдо бўлишини талаб қилар эди. Чўлпон ва унинг қаламкаш дўстлари туфайли шундай мактаб пайдо бўла бошлади ҳам. Аммо биргина Чўлпон ёки Абдулла Қодирийнинг ижодий кучи билан жаҳон адабиётининг, шунингдек, замонавий рус адабиётининг энг яхши намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш осон эмас эди. Таржимачиликка қизиққан ва шу соҳада меҳнат қила бошлаган кишиларнинг бир қисмида тажриба етишмаган бўлса, иккинчи қисми адабий истеъдоддан холи эди. Шунинг учун ҳам барча таржимонларнинг савияси ва ижодий имкониятларини бир меёрда ўлчаш тўғри бўлмайди. Таржимон ҳар томонлама етук, билимдон ва истеъдодли бўлсагина у қилган таржималар китобхонлар оммасига манзур бўлиши, ва ҳар икки миллий адабиётга наф келтириши мумкин.

Қурбон Берегин таржимачилик ишини яхшилаш масалалари ҳақида фикр-мулоҳаза юритиб, 1933 йили «Китоб ва инқилоб» журналининг 2-3-сонларида «Таржима ишларини соғайтамиз» сарлавҳали ма-

қоласини эълон қилди. Унда ишни аввало таржимонларга нисбатан қўйиладиган талаблар ва уларнинг ижодий меҳнатларини қадрлашдан бошлаш кераклигига эътиборни қаратди, яъни таржимонларга даражалар белгилаш, шунга қараб иш топшириш ва қалам ҳақини бериш ғоясини илгари сурди. Ўз навбатида таржимонлар олдига ҳам катта ва маъсулиятли вазифаларни қўйди.

Ҳаётининг аксар қисми турли ташкилий ишлар, йиғилишлар ва хизмат сафарларида ўтган Қурбон Берегинни ўзбек халқи ва унинг маданияти тарихини пухта ўрганган, деб бўлмайди. Аммо у Хоразм фарзанди бўлгани учун шу юртнинг ўзи гувоҳ бўлган тарихи билан, ўзи гувоҳ бўлган маданияти билан қизиқди. У қаерда ва қайси лавозимда ишлаган бўлмасин, биринчи навбатда туғилиб ўсган юртининг манфаатларини, туғилиб ўсган юртида рўй берган ва уни ларзага солган воқеалар ҳақида авлодларга ёзиб қолдириш нияти билан яшади. Маданий қурилиш илмий-текшириш институтининг иш режасига унинг тавсияси билан: «Ёш хиваликлар тарихи очерки», «Хоразмдаги инқилобий ҳаракатга доир материаллар», «Хива, 1924 йил» очерки, «Хоразмда 1921 йил март воқеалари» каби мавзулар киритилган эдики, олимларимиз Қурбон Берегиндан кейин қарийб 50 йил давомида ана шу муаммолар устида ишлаб келдилар. Бу мавзулар Қурбон Берегин томонидан эълон қилинган мақолаларда ҳам қисман тилга олинган ва уларни ишлаш масаласи илмий вазифа қилиб қўйилган эди. Унинг ўзи ҳам 20-йилларнинг бошларида Хоразмда рўй берган, аниқроғи, Хоразмда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши билан боғлиқ воқеаларни ўрганишга астойдил киришди.

Баъзи бир маълумотларга қараганда, Қурбон Берегин “Хоразмдаги 1924 йил январь воқеаларига бағишлаган 15 босма табоқ ҳажмдаги ишни ёзиб тугатган. Унда, замондошларининг айтишларича, ўтган асрнинг 20-йилларида Хоразмда рўй берган даҳшатли воқеалар, жумладан, Мулла Бекжон Раҳмонов билан Бобоохун Салимов каби зиёлиларнинг бошига тушган савдоларга оид тарихий ҳужжатлар ва барҳаёт замондошларнинг хотиралари асосида тасвирлаган. Тахминимизга кўра, тугалланмай қолган бу асар Қурбон Берегинни қамоққа олиш пайтида олиб кетилган ва куйдириб ташланган. Шунинг учун ҳам унда қайси тарихий шахслар ва воқеаларнинг тасвир этилганлиги тўғрисида аниқ бир фикрни айтиш қийин.

Лекин шу нарса аниқки, мазкур асарда тасвирланиши мўлжалланган Хоразмда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши даврида кўплаб кишилар жувонмарг бўлганлар.

Афсуски, Хоразм тарихининг бу фожиали саҳифаси мустақиллик

даврига қадар совет тарихчилари томонидан мутлақо бузиб талқин этилиб келди. Масалан, «хрушчевча “илиқлик» йилларида нашр этилган «Ўзбекистон ССР тарихи» тўрт жилдлигининг 3-жилди муаллифлари шу ҳақда бундай ёзганлар:

«1924 йил январида Хоразмнинг аксар раҳбарлари Москвага СССР Советларининг II қурултойига кетганларидан фойдаланиб, «Ёш хиваликлар», йирик феодал Мадраҳимбой ва бошқалар бошлиқ аксилинқилобчилар чўли биёбонларда яшириниб ётган Жунаидхон билан бирга Совет ҳокимиятига қарши катта кураш бўйича янги режа ишлаб чиқдилар.

Қўзғолонни биринчи бўлиб Мадраҳимбой бошлаб берди. Унинг Пинак туманида ҳаракат қилган шайкасидаги бандитлар коммунистлар, комсомоллар, милиционерлар ва совет фаолларини қамоққа олиб, ўлдирдилар, совет муассаларини остин-устин қилиб, аҳолини талон-торож қилдилар. Хазораспда Мадраҳимбойнинг бандасига Собирбой, Матчонбой ва Шокиржон пир раҳбарлигидаги маҳаллий бойлар ва муллалар келиб қўшилдилар.

Аксилинқилобий қўзғолон республиканинг Боғот, Хонқа, Янгиариқ, Садубор ва бошқа баъзи бир туманларида ҳам аланга олди.

Маҳаллий шайкалар 10 минг кишидан кам бўлмаган қуролли бандлага бирлашиб, республика пойтахти Хива сари йўл олди. Шу томонни мўлжаллаб бораётган Жунаидхоннинг ихтиёрида эса 8 минг киши бор эди. Англия жунаидхончиларни қурол-яроғлар, ўқ-дори-лар ва ҳ.к.лар билан ортиқ даражада таъминлаган эди.

Тошовузда қизил Армиянинг оз сонли гарнизони коммунист Аҳмаджон Иброҳимов қўмондонлик қилган отряд билан бирга Жунаидхоннинг бандасига қарши қатта қаршилик кўрсатди. Аммо кучлар тенг эмас эди. Жунаидхон Тошовуз, Манғит, Гурлан, Шавот, Ғазобод ва бошқа қатор туманларни забт этиб, 10 январда Хивага кириб борди. Шаҳар деворлари ёнида қақшатғич жанглар бўлиб ўтди...

Хоразм чекистлари Хивадаги меҳнаткаш аҳоли томонидан қизғин қўллаб-қувватланган ҳолда аксилинқилобчиларнинг шаҳар ичидаги уясини тор-мор қилдилар. 25 январда Хива мудофаачилари қарши ҳужумга муваффақиятли ўтиб, душманни шаҳардан чиқариб юбордилар. Шу орада босмачиларга қарши курашда донг таратган Н.А.-Шабдаков қўмондонлиги остидаги 82-отлиқ асрақлар полки (собиқ 64-Туркистон отлиқ полки) Хоразм меҳнаткашларига ёрдам бериш учун етиб келди. Мазкур полк Хивага келишдан аввал Хазорасп, Хонқа, Янгиариқдаги босмачилар шайкасини қириб ташлаб, 4 февралда шаҳарга кириб келган эди...»¹

Бугун бу сўзларни ўқиган ҳар бир киши совет тарихчиларининг тарихий давр ҳақиқатини тамомила бузиб, мустамлакачиларга қарши оммавий равишда қўзғолон кўтарган Хоразм халқини босмачилар, аксилинқилобчилар, бандитлар деб туҳмат қилганларини, хонликда совет ҳокимиятини зўравонлик йўли билан ўрнатган келгиндиларни эса ўша даврнинг қаҳрамонлари сифатида талқин қилганларини яхши тушунади.

Юқорида номи бир неча бор тилга олинган “Матёқуб Матниёзов эса »Ёш хиваликлар тарихи«га ёзган сўзбошисида Хоразм Халқ Республикаси ўрнатилган тарихий давр тўғрисида бундай тарихан ҳаққоний маълумотни берган:

«...РСФСРнинг ХХСРдаги комил ҳуқуқли вакили М.Сафонов маҳаллий ҳукуматга қарши фаолиятини кучайтириб юборди. 1921 йил 4 мартдан қалъадан ташқарида, Намозгоҳ дарвозаси яқинида Хивадаги барча қуролланган рус аскарларини ҳамда кўп миқдорда халойиқни йиғиб, катта митинг уюштирди. Бу митингда сўзлаш учун махсус одамлар тайёрланди. Шулардан бири диний комиссия вакили татар Раҳим Муҳаммаджонов эди. У митингда халққа мурожаат қилиб, биродарлар, сизнинг ҳозирги ҳукуматингиз бойлар ҳукуматидир. Бу ҳукуматни ағдариб, ўрнига камбағаллар ҳукумати тузмоқ зарур, деган. Меҳнаткашлар вакили Раҳим Холмас сўз олиб, бу гаплар ёлғон ва бўҳтондир, ҳозирги ҳукумат халқ вакиллари томонидан сайланган ва халққа маъқул ҳукуматдир, деган. Шу сўзлардан кейин Сафонов буйруғи билан Раҳим Холмасни дарҳол ушлаб, қамоққа олганлар.

М.Сафонов ҳукумат аъзолари орқасидан назорат ўрнатиб, уларни қаерга боргани, ким билан суҳбатлашгани, нима қилганлари ҳақида маълумот тўплай бошлади.

Ундан ташқари, коммунистик фирқа раҳбарлари билан тил бириктириб, ҳукуматга ва унинг бошлиқларига қарши фисқи фасод тарқата бошлади. Ҳар турли қонундан ташқари ҳукуматга Нозирлар Шўросига маълум қилмасдан, ўзбошимчалик қилиб, Сафонов ҳарбий нозир Ҳасанов билан биргаликда янги сиёсий идора (Пурхив) ташкил қилди. Унинг бошлиғи қилиб бошқирд миллатига мансуб Х.Мусаев деган шахсни тайинлади. Ҳатто мутбуотда ҳукумат варақаларини бостиришни, ташвиқот юргизишни, марказга телефон қилиш ва телеграммалар юборишни ҳам ман қилди.

Бундай аҳволдан газабланган ҳукумат аъзолари бирин-кетин истеъфо бера бошладилар. Масалан, адлия ноziри Бобоохун Салимов ўз лавозимидан истеъфо берди.

Сафонов юргизган сиёсат Хоразм халқи учун хавfli сиёсат экан-

лигини уқдириб, ҳукумат бошлиғи Полвонниёз Ҳожи Юсупов бундай деган эди: «Товариш Сафоновнинг тутган сиёсати Хоразм халқи учун кўп зарарли эди. Ҳукумат арбоблари тангрига таваккал қилиб қараб ўлтирдилар. Нечунким тамоми аскарларнинг ихтиёри уларда эрди».

6 март 1921 йилда РСФСРнинг Хоразмдаги комил ҳуқуқли вакили М.Сафонов буйруғига биноан ҳарбий ноziри Шайхутдин Ҳасанов, сиёсий идора (Пурхив) бошлиғи Қамза Мусаевлар қуролланган рус аскарлари билан Нуруллабойга келиб, ҳукумат уйини ўраб олдилар. Мақсад: ҳукумат раҳбарларини ҳибсга олиш, халқ вакиллари сайлаган ҳукуматни тарқатиб юбориш ва РСФСР ҳукумати вакилларига тўла итоат қиладиган ҳукуматни тузишдан иборат эди.

Ўша куни деярлик барча ҳукумат аъзолари қамоққа олиниб, зиндонга ташланди. Бу воқеадан сал аввалроқ хабар топган ҳукумат бошлиғи Полвонниё Ҳожи Юсупов эса кечаси қочиб қутулган.

М.Сафонов Гурланга милиция юбориб, Бобоохун Салимовни ҳам тутиб келишни буюрган. Бироқ қўшқўприкка келган вақтда Бобоохун қулай вазиятни топиб, ярим оқшомда милициячилар қўлидан қочиб ғойиб бўлган. Бу, Сафонов ва унинг думлари томонидан амалга оширилган давлат тўнтарилиши эди»¹.

Мазкур давлат тўнтариши вақтида хоразмлик кўплаб миллатпарвар ва халқпарвар кишилар қириб ташланган.

М.Матниёзов давом этиб, яна бундай маълумотни илова қилган: «...Ҳибсга олинган барча ҳукумат аъзоларининг уйлари тинтув қилиниб, қимматбаҳо буюмлари мусодара қилинган. Олтин ва бриллиант буюмлар Сафонов, Ҳасанов ва Мусаевлар орасида тақсимланган.

Сафоновдан кейинги келган РСФСРнинг мухтор ҳуқуқли вакиллари, ҳарбий бошлиқлари ҳам хон авлодлари ва бойларнинг уйларини тинтув қилиб, қаршилик кўрсатганларни отиб, қимматбаҳо буюмларини мусодара қилиб, кейин ўзлаштириб олганлар. Хивага келганда эгнига киядиган биронта дуруст кийими бўлмаган баъзи бир кимсалар Хивадан жўнаб кетиш олдидан қимматбаҳо совғалар, олтин ва бриллиантлар тўла чамадонлар билан кетганлар»².

Қурбон Берегин она юртида рўй берган бундай даҳшатли воқеаларни ўз кўзи билан кўриб, ўз қулоғи билан эшитган. Мулла Бекжон Раҳмонов ва Бобоохун Салимов сингари хоразмлик машҳур зиёлиларнинг, 22 нафар навқирон замондошларининг ёвузларча ўлдирилиши, шак-шубҳасиз, уни ларзага солган. Шу боисдан ҳам у 30-йилларнинг ўрталарида граждaнлар уруши мавзуидаги катта бадиий асар устида ишлашга киришган эди. Раҳмaт Мажидийнинг «Ўзбекистон шўро адабиёти» журналининг 1933 йил 3-4-сонларида эълон қилинган

«“Ўзбекистон шўро адабиёти юксалишида» деб номланган мақоласида ёзишича, “Қурбон Берегин ўша вақтда “Хоразмдаги инқилоб ҳақида «катта бир иш» устида ишлаган. Баъзи бир манбаларда бу «иш» «1924 йил, январь» романи деб тилга олинадики, бу фактнинг қанчалик тўғрилиги масаласи ҳам, Хоразмнинг тарихида содир этилган бу фожиали воқеаларнинг қанчалик ҳаққоний талқин этилгани ё этилмагани ҳам бизга, афсуски, мутлақо қоронғидир.

Шубҳасиз, марказқўмдаги бўлим мудирлари лавозимини адо этаётган Қурбон Берегиннинг ўша вақтда Хоразмда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ҳақидаги бор ҳақиқатни айтиши маҳол бўлганидек, бу ҳақиқатни айтмай, Хоразмда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши мавзудаги асарни ёзиш ҳам тарихий ҳақиқатдан чекиниш, мунофиқлик бўлурди.

Қурбон Берегиннинг адабий мероси 200 дан ортиқ китоб, публицистик мақола, шеър, ҳикоя, нутқ ва маърузалардан иборат бўлиб, уларнинг аксари турли нашрларда эълон қилинган. Қурбон Берегиннинг китоблари орасида «Маданий қурилиш вазифалари» (1929, Урганч), «Шодликли кунлар» (1929, Урганч), «Гражданлар урушининг тарихи тўғрисида» (1930), «Савод учун кураш» (1931), публицистик мақолалари орасида «Ишчилар ҳаракати» (1924), «Ёшлар матбуоти», «Янги турмуш учун кураш», «ҳон дарёси», «Байналмилал ёшлар кунининг 13 йиллиги» (1927), «Халқ маорифи жабҳасида», «Инқилоб қуёши» 8 ёшда»(1928), «Янада театр тўғрисида», «Буюк юксалиш йўлида»(1929), «Маданий инқилобнинг муҳим масалалари», «Колхоз ва совхозларда маданий ишларимизнинг вазифаси» (1930), «22 лар ўлдирилишининг ўн йиллиги» (1934), «Миллион меҳнаткашларни саводли қилиш – шу ўқув йилининг темир қонуни» (1936) каби асарлари унинг публицист ва ёзувчи сифатидаги ижодининг гоё ва мавзулар оламини ифодалаб келади. У юқорида тилга олинган М.Шолоховнинг «Очилган қўриқ» романидан ташқари, А.С.Пушкиннинг «Дубровский», «Капитан қизи» ва «Бекат назоратчиси» асарлари, шунингдек, М.Горькийнинг «Она», Козимийнинг «Қўрқинчли Техрон» романларига ҳам муҳаррирлик қилган.

1935 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг II пленуми ўтказилиб, унда турли масалалар муҳокама қилинди. Қурбон Берегин пленумда Ёзувчилар уюшмаси олдида турган муҳим масалалар қаторида гражданлар уруши тарихини яратиш масаласини кўтарди, бу, фақат тарихчилар, бошқа ижтимоий фанларнинг вакиллари олдида турган масалагина эмас, балки шоир ва ёзувчилар олдида турган долзарб масала ҳам эканлигини таъкидлаб, ёзувчи-

ларни шу мавзуда бадиий асарлар ёзишга чақирди. Қурбон Берегиннинг ўзи шу вақтда «Гражданлар урушининг тарихи тўғрисида» деган китоби устида ишлаётган эди.

Шу воқеадан тўрт йил аввал М.Горькийнинг ташаббуси билан ВКП(б) марказқўми гражданлар уруши тарихини яратиш тўғрисида қарор қабул қилган, Қурбон Берегин намунали коммунист-журналист сифатида Ўрта Осиёдаги гражданлар урушини таҳлил қилувчи илмий-оммабоп асар ёза бошлаган эди. 1935 йилда нашр этилган бу китобнинг маълум қисми 20-йилларнинг бошларида Хоразмда рўй берган ва юқорида тилга олинган воқеаларга бағишланган. Шубҳасиз, тарихга вульгар-социологик ёндашув тамойили авж олган йилларда Қурбон Берегиннинг бу воқеаларни тарихий ҳақиқатга садоқат билан тасвирлаши амри маҳол эди.

Қурбон Берегин мазкур пленумда ёзувчиларни гражданлар уруши мавзуида асарлар ёзишга даъват этиш билан бирга уларни ижтимоий фаол бўлишга чақирди. Унинг назарида, сўнгги йилларда ўзбек адабиётининг ҳаёт билан, реал воқелик билан алоқаси кучайган ва шу туфайли «ёзувчиларимиз замонавий мавзуларда асар ёзиш тажрибасини эгаллаган эдилар».

«Адабиётимиз, - деб ёзган эди у, - тематикаси масаласидаги оғирлик даврларини ўтиб, истиқболли, ўқувчини жуда қизиқтирувчи, турли ва жуда кўп бой курашчан темалар даврига кирди. Ёзувчиларимиз бу темалар устида ишлаётирлар. Ҳалигача чиққан ва адабиёт конкурсига келган асарлар ҳам буни тасдиқлайди. Лекин биз ижодий ишимизни секинлик билан олиб бораётимиз. Чирчиқстрой, Текстиль қурилиши, пахтанинг юқори ҳосили ва баланд сифати учун кураш, колхозчиларимизнинг давлатли, маданиятли бўлиши суръати ва сифатига қараганда совет нафис адабиётимиз ҳали орқада қолиб келаётир. Биз бу кейинда қолишимизни тезроқ тугатиб, янги ҳаёт оқимидаги ўзимизга тегишли бўлган ўринни эгаллашимиз лозим»¹.

Қурбон Берегин мазкур китобда гарчанд ўз олдига ўзбекистондаги гражданлар уруши тарихини ўрганиш вазифасини қўйган бўлса ҳам, у бу вазифани бажариш билан кифояланмай, адабиётда шу мавзунинг ишланиш масалаларини ҳам таҳлил қилишга уринган. У Комил Яшиннинг «Тор-мор», Умаржон Исмоиловнинг «Рустам», Анқабойнинг «Шодмон», Зиннат Фатхуллиннинг «Ниқоб йиртилди» пьесалари, Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб», Ҳусайн Шамсининг «Қуқуқ», Плетнёвнинг «Амир Саид Олимхон бошқа қайтмайди», Жўрабоевнинг «Хуррамбек» романлари, Шокир Сулаймоннинг «ўлим босмачига», Сергей Кошеваровнинг «ўт ичида», Валистовскийнинг

«Халқада» ҳикояларида гражданлар уруши мавзуси қанчалик тўғри ёртилиганини ўша даврнинг синфийлик ва партиявийлик мезонлари асосида текширганки, муаллифдан бунинг аксини талаб қилиш ноўриндир.

М.Горькийнинг собиқ иттифоқ ёзувчиларининг 1-қурултойидаги нутқи ва маърузасидан кейин халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш ва ўрганиш масалаларига жиддий эътибор берилди. Аслида бу иш «Литература Средней Азии» («Ўрта Осиё адабиёти») газетасининг 1934 йил 14 февраль сонидан босилган «Фольклорга эътибор» (таҳририят мақоласи), шунингдек, Қоди Зарифнинг «Оғзаки адабиёт ҳақида баъзи қайдлар», Ҳасан Пўлатнинг «Фольклорни кабинетдан топа олмайсан», Хусайн Шамнинг «Олтин фонд» ва бошқа мақолалари билан бошланди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг қурултойдан кейин чақирилган пленумларидан бирининг кун тартибида халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш, ўрганиш ва нашр этиш махсус масала сифатида турди. Ва шу вақтдан эътиборан ўзбек халқ оғзаки ижодини мунтазам равишда илмий асосда ўрганиш ишлари бошланди.

Қурбон Берегин ҳам халқ оғзаки ижодига алоҳида меҳр билан ёндашувчи раҳбарлардан бўлган. У, чунончи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 1935 йилда бўлиб ўтган пленумида сўзлаган маърузасида бундай деган эди: «...эл адабиёти, фольклор ва эпослар бойлигига эгамиз. Лекин биз шуларни тўплаб, нашр қилишга ҳалигача эътиборсизлик билан қараб келмоқдамиз. Бу, бизлар учун ҳеч кечирилмасликдир».

Мазкур тарихий пленумдан кейин ўзбек халқ оғзаки ижодининг пешқадам намояндалари - Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислон шоир, Пўлкан шоир каби бахшилар республика пойтахтига чақиртирилиб, уларнинг ижодий репетуарлари билан танишиб чиқилди ва айрим асарлари ёзиб олинди. Шу билан бирга улар орасида мамлакатда юз бераётган буюк ўзгаришлар тўғрисида туншунтириш ишлари олиб борилиб, уларнинг ижодий фаолияти учун шароит ҳозирландики, Қурбон Берегин ҳам бу хайрли ишдан четда қолмади..

ЮНУС МАҚСУДИЙНИНГ ҲИКОЯСИ

90-йилларда Юнус Мақсудий деган кекса адабиёт шинавандаси Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Усмон Носир тўғрисидаги хотиралари

билан эл оғзига тушган эди. Мазкур хотираларнинг бир қисми “унинг»Улуғлар даврасида» деган рисоласида эълон қилинган. Рисолада ёзилишича, 30-йилларда Москвада ўқиган Юнус Мақсудий 1935 йилнинг ёзида таътил кунларини ўтказиш учун Тошкент шаҳрига келган. У ана шу кезларда рўй берган айрим воқеалар ва учрашувлар ҳақида бундай ҳикоя қилади:

...Тошкентга келганимга уч-тўрт кун бўлганда, - деб ҳикоя қилади Юнус Мақсудий, - қибрайлик тоғам мени дала ҳовлиларига олиб кетдилар. Мен ҳар йили у ерда беш-олти кун дам олиб, зериккач, қайтиб келар эдим.

- Бу сафар зерикмайсан, қўшнимизникига газета чиқарадиган шоирлар келиб дам олишяпти, суҳбати ширин, олижаноб кишилар экан. Мениям ўз ҳолимга қўймай чақириб кетишади. Менга жуда ёқиб қолди, - деди тоғам.

Манзилга етиб, дам олиб ўтирган эдик, кимдир чақириб қолди. Тоғам яна ўшалар чақирешяпти-ёв, деб чиқиб кетдилар. Бир оздан кейин қайтиб келиб:

- Айтганимдай, ўшалар экан, чиқолмайман, жияним келган, деса ҳам кўнмаяпти, бирга бормасак бўлмайди, - деди.

Мен ноилож бирга чиқдим. Бизни пойлаб турган киши Машриқ Юнус (Элбек) экан. У мен билан кучоқлашиб кўришди-да, ҳайрон бўлиб турган тоғамга:

- Бу сизнинг жиянингиз бўлса, менинг адашим ва жонажон укам, - деди.

Ундан-бундан гаплашиб ўтирганимизда, Усмон Носир билан Хоразм ёзувчилар уюшмасининг бошлиғи Қурбон Берегин¹ ҳам дам олгани келганини айтди, бир оздан сўнг ўрнидан туриб, қўшни ҳовлидан уларни чақириб чиқди.

Ҳар иккиси ҳам мен қатори йигитлар экан. Мен билан отларини айтиб кўришгач, бири Усмон Носир, бири Берегинлигини билиб олдим.

Усмон Носирни ниҳоятда шўх, завқли одамлиги юзидан билиниб турибди. Дастёрчиликка ҳам уста экан. Дарҳол ҳамма юмушларни ёлғиз ўзи бажариб, бизни қимирлашимизга имкон бермади.

Кечки овқатга тоғамни айтиб келишди. Элбек овқатдан сўнг шаҳарга тушиб, Фулом Зафарий, Абдулла Қодирий ва Чўлпонни олиб чиқиш ниятида эканини билдирди. Тоғам:

- Йўқ, бугун эмас, эртага тонг отмасдан ўғлим фойтунни кўшиб чиқади, бирга бориб, уларни олиб қайтасизлар, - деди.

Бу тадбир Элбекка ҳам маъқул бўлди ва тоғамга пул бериб, бо-

зордан бир қўй олиб келинг, деб илтимос қилди.

Хуллас, эртаси куни яна устозлар билан дийдор кўришдик. Севинчимиз ичимизга сигмас эди. Нонуштадан сўнг тоғам қўйни сўйди. Усмон Носир меҳмонларга: «Бугун ҳаммангиз ўзингизни Кавказда деб ҳис этасиз. Овқатларимиз ҳам кавказчасига бўлади, камина бош ошпаз, мулла Юнус - зал бошлиғи», - деди. Ҳаммалари рози бўлишиб, суҳбатлашиб ўтиришди, биз ўчоқ бошига кетдик.

- Икковимиз ҳам тенгдош эканмиз, сени ёқтириб қолдим. Энди бир-биримизни сиз эмас, сен деб гаплашайлик, шунда яқинлигимиз сезилади, - деди-да Усмон Носир қўшиб қўйди. —Сен Қозон-товоқларни ҳозирла! Мен Кавказ кабоби ва арманча шўрва тайёрлайман.

Ишга киришиб кетдим. Тушки овқат вақтида кабоб ҳам, шўрва ҳам тайёр бўлди.

Меҳмонлар ҳар иккала овқатни ҳам мақтай-мақтай тановул қилдилар. Сўнг Бўзсув канали бўйига, чорпоёга бориб, суҳбатлашиб ўтирдик. Суҳбат давомида Элбек Қодирийдан:

- Абдулла, айтганча, Ҳасан билан ҳорабой деган дўстларинг омон-ми? — деб сўради.

- Ҳа, омон-эсон, сенга кўпдан-кўп салом айтишди, - деб жавоб қилди Қодирий.

Тошкентда Қорабой жинни ва Ҳасан девона деганлар бўларди. Улар билан Қодирий кўришиб турарди. Элбек шунга ишора қилди, чамамда. Қорабой жинни ёзин-қишин чопонда, бўйнига занжир уланган кишан, эски тақа осиб юрар эди. Унинг ихлосмандлари кўп бўлиб, овқатини едириб, чойини ичириб қўйишарди. Қорабой жинни қўли билан ҳеч нарсани ушламас, одамларга гапирмас эди. Ҳар замон биттагина сўз кетидан «шунақа девотти-ку», деб қўярди. Ихлосмандлари бу сўзни каромат деб билар эдилар. Ҳасан девона “Турмуш уринишлари» китобини ёзган Мўминжон Муҳаммаджоновнинг (тахаллуси Меҳтарбод) укаси эди. У китобни тескари ушлаб, Машраб ва Яссавий шеърларини ёддан ўқиб, тушуна олмадим, деб йўлига равона бўлиб кетаверар эди.

Кечки овқатга тоғамни айттириб келишди. Чўлпон тоғамга:

- Мен сизни ғойибона танийман, жиянингизга юборган қуруқ меваларингизни бирга баҳам кўрардик, - деди.

Тоғам: «Жиянимга ҳар қанча қилсам озлик қилади, отаси икки ўғлимни олиб кетиб ўқитди, мана ҳозир шу болаларим соясида яшайман», - деди.

Суҳбат турли мавзуларда узоқ давом этди. Қош қорайгач, кўрғончага

кирдик. Тоғам меҳмонларга:

- Эрта билан чойни бизникида ичасизлар, кечгача жиян хизматда, сизлар иззатда бўласизлар, - деб кулиб қўйди. Улар бу таклифни қабул қилдилар. Мен бундан хурсанд бўлиб кетдим. Эртаси тонготарда тоғам қўй сўйиб, гузардан бир меш қимиз олиб келди.

Нонуштадан сўнг Усмон Носир билан Қозон кабоб тайёрладик. Кечки овқатга тоғам ўзи палов дамлади, Усмон икковимиз устозлар суҳбатида бемалол ўтиравердик. Чўлпон «Баҳор» шеърини ўқиди:

Баҳор-қиз ҳилпиллаб-ҳилпиллаб келди,
Сочлари селкиллаб-селкиллаб келди.
Даврага кирди-ю ўйин бошлади,
Муқомлар қилди-ю шохлар ташлади.
Берилиб ўйнади, эсириб ўйнади,
Ҳар билган ўйинни қилмай қўймади.
Сўнгра бирданига кўздан йўқолди,
Ўртада хуш бўйлар, атрлар қолди.
Кетганин ҳеч кимса туймасдан кетди,
Хушторлар базмига туймасдан кетди.

...Абдулла Қодирий Чўлпоннинг ўта қобилиятли шоирлигини кўп мақтаса-да, ўзининг олдида шеърларидаги баъзи нуқсонларни бемалол танқид қилар эди. Чўлпон ҳам у кишининг фикрларини мамнуният билан қабул қиларди, бу гал ҳам шундай бўлди.

Усмон Носир ва Берегиннинг таклифи билан эртасига уларникига чиқишга келишдик.

Нонушта дастурхонини ниҳоятда нозик дид билан ясатишибди. Берегин идиш-товоқларни тайёрлаяпти. Усмон Носир ўчоқ бошида ширчай қиляпти. Олдига бориб:

- Нима бало, кечаси билан ухламай, тайёргарлик кўриб чиқдингми? — дедим.

Бир оздан сўнг катталар келишди. Нонуштага тоғам Усмон олиб келган қўйни сўйди. Шу ерда Усмон Носир Чўлпонга атаб «Устози мумтоз» деган шеърини ўқиб берди. Шеър ҳаммага манзур бўлди. Устоз-шогирд бир-бирларини меҳр билан кучоқладилар. Чўлпон Усмон Носирнинг юзига тикилиб, «Фаҳримсан, жигаримсан», - деб қўйди.

Суҳбат яна қизгин тус олди. Чўлпон ўзбек театри ҳақида гапириб, ўзбеклар ҳинд халқи каби нафис санъатга мойил, келгусида театр соҳамиз ривож топиб, жаҳонга танилгусидир, - деб хулоса қилди.

Фулом Зафарий Усмонга қарата:

- Сендан умидимиз чексиз, сенинг туғма, нодир қобилиятинг шеъриятимиз ривожига салмоқли ҳисса кўшишига аминман. Бир шеърингда: «Манзилим ложувард уфқдан нари, Чу, қора тойчоғим, Чу, қора йўрғам!» - дебсан, бу гоятда улуг гоя. Сен Фарб адабиёти билан хийлагина танишсан, энди Шарқ адабиёти билан шуғуллан! Айниқса, Навоий, Фузулий, Бедил каби улуг шоирлар шеъриятини кунт билан ўрган! Уларнинг ижоди йўлингни ёритишда машғал бўлади. Сен халқимизнинг бахтли ўғлонисан, бир ёнингда Абдулла, бир ёнингда Абдулхамиддай меҳрибон акаларинг бор. Улар каби камтаринликни шиор эт!» - деб ўғит берди.

Усмон Носир ўрnidан туриб ҳаммаларига таъзим қилиб, Фулом Зафарийга:

- Хайрли маслаҳатингиз учун ҳар қанча миннатдорчилик билдирсам ҳам кам. Ҳар бирингиз мен учун устозсиз. Сизлардан кўп нарсаларни ўргандим, аммо яна ўрганишим керак. Сизлар суянчигим, фаҳрим, шарафимсиз, - деди.

Кун кеч бўлиб қолди, устма-уст тортилган овқатларни тановул қилишгач, Фулом Зафарий, Абдулла Қодирий ва Чўлпон шаҳарга қайтишга тарадуд кўра бошладилар. Тоғамнинг ўғли фойтунни кўшиб чиқди. Биз уларни кузатиб қолдик.

Эртасига Берегин, Усмон Носир ва мен яна канал бўйига бориб ўтирдик. Усмон Носир сумкасини очиб, қази, яхна гўшт, бодринг помидорлардан газак тайёрлай бошлади.

- Усмон, нима қиляпсан, - деб сўрадим.

- Ҳар эҳтимолга қарши шаҳардан келаётганимда бир шиша олиб эдим, ҳозир тақсирим (Элбек) йўқ, уччаламиз отамлашайлик, - деди-да, коньякни олиб, пиёлаларга қўйди. Суҳбатимиз жуда қизғин ўтди. Мен Усмонга нисбатан камгап бўлсам-да, ўша дамда ундан қолишмапман шекилли, у:

Бу дўстим хушовоз қорию қурро,
Ўзи кўп вазмину ичганда бурро,

деди менга ишора қилиб.

Ҳаммамиз кулишдик. Шуни айтиш жоизки, бир кун илгари шу ерлик кишининг «худойи»сига чиққанимизда мен қуръон ўқиган эдим, ҳозир ёзилиб ўтирганим учун «қурро» ва «бурро» сўзларини қофия қилди, чамамда. Мен Усмонга:

- Ҳаммамизга лақаб тақдинг. Нега Фулом Зафарий, Абдулла Қоди-

рий ва Чўлпонга лақаб қўймагансан? — дедим.

- Эсинг жойидами? Улар менинг устозларим... алайҳи-с-саломнинг ҳешларидан бўлишади, тил текизсанг, оғзинг қийшайиб қолади, - деди. Хайрлашаётганимизда эса: - Эртага эрталаб гафлат босмасдан бизникига чиқ! Толдан от ясаб, от-отакам ўйнаймиз.

- Кеча сенинг раъингга қараб ёш боладек чиллак, копток тепдик, энди от-отакам ўйнасак. Кўрганлар бизни жинни бўлиб қолибди, дейишмайдими? Ўзинг ўйнайвер! Менинг вақтим йўқ, - дедим қатъий равишда.

- Бўлмаса Суфо (Берегинга шундай лақаб қўйган эди) ни олиб, ҳазратимнинг олдиларига чиқайлик-чи, нима каромат кўрсатар эканлар. Кеча чиқмаганимиз учун биздан қаттиқ хафа бўлиб ўтирган эмиш, - деди.

Берегинни олиб, Элбекнинг ҳузурига боридик. У кишининг қовоғи солиқ экан. Берегин билан кўришиб, бизнинг саломимизга алик ҳам олмадилар.

- Булар ҳавойи саёқ йигитлар, сенга нима бўлди? - деб ҳазиломуз Берегинга қаради. — Кеча эрталабдан кечгача зерикиб, ёрилишимга сал қолди.

- Мен нима қилай? Кеча мениям қўярда қўймай олиб кетишди. Буларни чўмилишини томоша қилиб ўтирган эдим, иккови келиб, мени сувга улоқтириб юборишди. Сузиб чиққунимча ўлаёздим, - деди Берегин.

- Саёқлар билан юрсанг, таяқ еб қолишинг ҳеч гап эмас, - деди Элбек.

- Тақсир, каромат қилдингиз, икки-уч кундан бери бу дўстим кўзимга галатиноқ кўриняпти.

Мавлоно Фурқатнинг ибораси билан айтганда, «Йўқ хуш, пари теккан девонага ўхшайди», деб менга ишора қилди ва устозга таъзим бажо айлаб, олдига 10 сўм ташлади.

- Тақсирим, бу сизга назир, дуо ўқиб, дўстимга дам солиб қўйинг! Шояд бу дарддан фориг бўлиб кетса! — деди.

- Бу назрингга мушук ҳам офтобга чиқмайди. Кўпроқ узат, - деди Элбек пулни олмай.

Усмон Носир чўнтагини кавлаб, яна ўн сўм чиқарди. Элбек қўлини фотиҳага очиб:

- Эй инсу жинс парилар! Дид-фаросатларингизга минг тасанно! Хўп одамини топиб ёпишибсизлар, иншооллоҳ бу йигитдан зоелик кўрмайсизлар! Ёнидаги шеригиниям ўз домингизга тортсангизлар, ўла-ўлгунича сизларни хизматингизда бўлади. Омин! — деб фотиҳа

ўқиб юборди-да, Берегинга пулни узатиб: - Қимиз олиб кел, - деб уни гузарга чиқариб юборди.

*Ўша куни кечгача сой бўйида дам олдик. Элбек ҳам гина-кудуратни унутиб, хурсанд бўлиб ўтирди...*¹

Юнус Мақсудийнинг бу хотираси орадан ярим аср ўтганидан кейин ёзилган. Бу ярим асрлик вақт ичида хотирада тилга олинган барча ёзувчилар «халқ душмани» сифатида йўқ қилиб юборилди, ҳатто улар ҳақидаги хотиралар ҳам замондошлар ёдидан ситиб чиқарилди. Шунинг учун ҳам хотиранависнинг қаердадир тарихий ҳақиқатдан чекиниб, бадий тўқимага эрк берган бўлиши шубҳадан холи эмас. Хусусан, Усмон Носир билан Элбекнинг ўша йилларда марказқўмдек жиддий идорада хизмат қилган Қурбон Берегинга бўлган муносабатларида ишонарсиз ҳолларни йўқ, деб бўлмайди.

Шунга қарамай, Қурбон Берегин ҳақида бирор жонли хотира бизгача етиб келмаганлиги сабабли биз ушбу рисолага Юнус Мақсудийнинг 1935 йилга оид хотирасини киритишни жоиз, деб топдик.

УНУТИЛМАС КУНЛАР

1935 йилдан бошлаб Москвада собиқ иттифоқ тасарруфидаги халқлар санъатларининг ўн кунлик намоишлари ўтказила бошланди. ўша йилнинг май ойида Москва ва Ленинградда арман санъатининг, 1936 йилнинг май ойида эса Москвада қозоқ санъатининг ўнкунликлари ўтказилди.

Декада деб аталган бу тантанали тадбирларни амалга оширишдан мақсад совет даврида, ленинча-сталинча миллий сиёсат натижасида мазкур халқлар миллий санъатларининг гуркираб ўсаётганини бутун дунё олдида намоиш қилиш ва шундай йўллар билан СССРнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини кўтариш эди. Совет давлатининг энг нуфузли идораларида ишлаб чиқилган режага кўра, ўзбек санъатининг Москвадаги ўнкунлигини 1937 йилнинг май ойида ўтказиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Ўнкунликнинг ўтказилиш вақти равшанлашиши билан Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети ва республика компартияси марказқўми 1936 йилнинг ёз ойларида шошилиш равишда тайёргарлик ишларини бошлаб юборди. Ўнкунликни тайёрлаш ишларига гарчанд марказқўмдан Акмал Икромов, ХКСдан эса Файзулла Хўжаевнинг шахсан ўзлари раҳбарлик қилган бўлсалар-да, ташкилий комиссиянинг аксар йиғилишлари марказқўм тарғибот ва ташвиқот бўлими

мудири Мўмин Усмоновнинг раислигида ўтказилди. (Ўнкунлик ўтаётган кунларда хизмат вазифасидан бўшатилган Мўмин Усмонов ўрнига ХКС раисининг янги ўринбосари Абдулла Каримов комиссияга раҳбарлик қилди, Қурбон Беректин эса унинг ўринбосари лавозимини адо этди.) ХКС ҳузурида Санъат ишлари бош бошқармаси, шунингдек, Ўзбекистон Давлат филармонияси ташкил этилди. Филармонияга ўнкунликнинг якунловчи концертини, шунингдек, Москвадаги ўқув юртли ва корхоналарда ўтказиладиган учрашувларда намоёиш этилажак концерт номерларини тайёрлаш вазифаси топширилди. Ўнкунликлар одатда Москвадаги Катта театр саҳнасида миллий опера билан очилаётгани сабабли ўзбек санъаткорлари ўзбекистонда ҳам миллий опера равнақ топган, деган фикрни москваликлар кўнглига қўйишлари ва бирор опера спектаклини намоёиш этишлари лозим эди. Биринчи ўзбек операси – «Бўрон» чор ҳокимиятининг Ўрта Осиёдаги мустамлакачилик сиёсатига қарши кўтарилган халқ ҳаракатига бағишланганлиги сабабли бу операни Москвага олиб бориш ва Катта театрда намоёиш этиш ножоиз топилди. Шунинг учун ҳам бошқа бир миллий операни шошилиш равишида яратиш сув билан ҳаводек зарур бўлиб қолди.

«Декадага тайёргарлик ишларига, - деб хотирлаган эди Комил Яшин, - республикадаги барча ижодий кучлар сафарбар этилди. Ёзувчилар союзининг Инжиқободда Ижод уйи бўларди. Ана шу Ижод уйи ўзига яраша адабий марказга айланган, унда турли йиғинлар, муҳокамалар, урашувлар бўлиб турарди. Чўлпон, Отажон Ҳошим, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Раҳмат Мажидий, Анқабой, Абдулла Қаҳҳор, Ойдин ва бошқа қаламкашлар бу ердаги адабий тадбирларда актив қатнашардилар.

Етақки режиссёрлардан бўлган Музаффар ота Муҳамедов билан биргаликда бир саҳна асари устида иш бошлагандим. «Ичкарида» деб номланган бу асар хотин-қизлар озодлиги мавзусида бўлиб, унинг марказида ҳурликка чиққан жувон Гулсара туриши керак эди.

Музаффар ота билан тузган ижодий режамизга кўра, асар музикали драма бўлиши керак эди. Шунинг учун ҳам бастакорлардан Толибжон Содиқов, Тўхтасин Жалилов ва Рейнгольд Глиэр бизга мададга келишди. Биз ижодий ҳамкорликда иш олиб борар ва асар москвалик томшабинларга кўрсатилишини орзу қилардик.

Асар устидаги ишлар ҳам ниҳоясига етгандан кейин саҳналаштиришга киришилди. Бунинг Музаффар Муҳамедов ўз зиммасига олди...

«Гулсара» музикали драмаси шу тариқа вужудга келди. Кейинчалик ана шу асар асосида опера яратилди, унга Толибжон Содиқов

билан Рейнгольд Глиэр музика ёздилар...»¹

Шу ерда муҳтарам адиб Комил Яшиннинг хотирасига вақтинча нуқта қўйиб, энди ўнқунликнинг бошқа бир муҳим қисми – концерт дастурининг тайёрланишига оид бошқа бир хотира билан танишсак. Бу, атоқли бастакор Мутал Бурҳоновнинг хотираси бўлиб, унда мазкур концертнинг асосий номерини яратиш тарихи ҳақида баҳс юритилади:

«1936 йил сентябрида, - деб ҳикоя қилади у, - мен Москвада опера студиясида ўқимоқда эдим. Бирдан мени Тошкентга чақириб телеграмма келиб қолди. Телеграммага ҳори Ёқубов имзо чеккан эди. Қори Ёқубов ўша кезларда янги тузилган Ўзбекистон Давлат филармониясининг бошлиғи эди. Филармония олдида катта вазифалар турар, шунинг учун ҳори Ёқубовга уни кадрлар билан мустаҳкамлашга ижозат беришганди. Қори ака филармониянинг бадиий раҳбарлигига Уйғурни чақирипти. Мени эса хормейстер қилиб таклиф қилипти, тўғрироғи, тайинлапти. Тошкентга келиб, филармонияга боришим биланоқ, ҳори ака: «ўқишингни бир оз кечиктирасан, ҳозир декада концертини тайёрлайсан», - деб кўрсатма берди. Ноилож кўнишга мажбур бўлдим. Узлуксиз репетициялар бошланди. Бир куни ҳори ака мени ҳузурига чақириб қолди. Кирсам, хонада Уйғур билан ўтирган экан. Қори ака жуда жиддий оҳангда гап бошлади:

- 1937 йилда Москвада бўладиган ўзбек адабиёти ва санъати декадаси (тўғрироғи, ўзбек санъати декадаси – *Н.К.*) катта концерт билан яқунланиши керак. Унда совет ҳукумати ва коммунистик партия раҳбарлари иштирок этади. Эҳтимол, ўртоқ Сталиннинг ўзлари иштирок этсалар ҳам ажаб эмас. Табиийки, бу концертда энг яхши кучларимиз энг яхши номерларини зўр маҳорат билан намоиш этиб, санъатимизнинг бугунги қиёфасини кўрсатмоқлари зарур. Концертнинг финали зўр бўлмоғи керак. Унда улуг Сталин ҳақида тантанали хор янграмоғи лозим. Худди шу масалада қийналяпмиз. Концерт финалида ижро этишга муносиб шеър тополмаяпмиз. Хуллас, шу ишни сенга топширмоқчимиз. Сен Чўлпон билан эскидан танишсан. Борди-келдиларинг бор. Чўлпоннинг олдида бориб, аҳволни тушунтирасан. Сталин тўғрисида зўр бир қўшиқ ёзиб берсин. Чўлпоннинг аниқ ваъдасини олмай келма.

Қақиқатдан ҳам, топшириқ ўта нозик ва жуда масъулиятли эди. Ахир Москвада ҳукумат концертида, шахсан ўртоқ Сталиннинг ҳузурда ижро этиладиган қўшиқнинг матнини ҳам, куйини ҳам ҳаммага буюриб бўлмайди-да...»¹

Кейинги пайтларда тўрт томондан ҳужум остида қолган Чўлпон:

«Мабодо шундай шеърни мен ёзиб берсам-у, аммо кўп ўтмай, қамалиб кетгудек бўлсам, унга куй басталаган сен ҳам жабр-зулмдан четда қолмайсан», деган хавотир билан Сталин ҳақида қўшиқ матнини ёзишдан бош тортди. Шундан кейин «халқлар доҳийси»ни шафловчи қўшиқни ёзиш Усмон Носирнинг зиммасига тушди.

Ўша йилларда ўзбек шеърлятида Фафур Гулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун сингари оташнафас шоирлар жавлон уриб турган бир пайтда мазкур вазифанинг зўр истеъдодли, аммо ҳали ёш шоирга топширилишига, бизнингча, бир томондан, Усмон Носирнинг 1936 йилда грузин халқи номидан Сталинга йўлланган шеърлий хатни дўндириб таржима қилганлиги сабаб бўлган бўлса, иккинчи томондан, бу ҳол ўнкунликка тайёргарлик кўриш бўйича тузилган ҳукумат комиссиясининг фаол аъзоси, М.Усмоновнинг ўнг қўли Қурбон Бергиннинг Усмон Носирга яқин ва самимий муносабати билан ҳам изоҳланади. (Қурбон Бергин ҳибрайга Усмон Носир билан бирга истироҳат қилгани борибгина қолмай, 1937 йил апрелида уни Абдулҳамид Мажидий ва Ҳасан Пўлат билан бирга Хоразмга ижодий сафарга ҳам юборган.)

Хуллас, ўнкунликка жуда катта тайёргарлик кўрилди. Ўнкунлигининг ўтказилишидан мақсад гарчанд ўзбек халқининг санъат бобида эришган ютуқларини Москва саҳналарида намоиш этиш бўлса-да, маданиятимизнинг бу улкан маърақасидан ёзувчилар ҳам четда қолмадилар. Уларнинг ҳам ўнкунлик дастури бўйича турли учрашувларда иштирок этишлари кўзда тутилган эди.

Бугунги авлод 1937 йилда ўзбек санъати ўнкунлигининг собиқ совет давлати пойтахтида ўтказилиши маданий ҳаётимизда қандай унутилмас воқеа бўлганини тасаввур этиши қийин. Шунинг учун ҳам бу тарихий воқеанинг бевосита иштирокчиси Яшин аканинг хотиралари билан танишишда давом этсак:

«Москвадаги декадамиз очилган кунидаги воқеалар худди кечагидай эсимда турибди. Бу улкан тадбир Москва Бадиий театрининг филиалида «Гулсара» музыкали драмаси билан очилганди.

Спектакль Москва вақти билан роппа-роса еттида бошланиши, парда еттига занг урилиши биланоқ кўтарилиши зарур эди. Кўп йиллардан бери давом этиб келаётган бу қатъий тартиб ва анъанани бузишга ҳеч кимнинг ҳақ-ҳуқуқий йўқ, буни каттаю кичик биларди. Театр фойесиди айланиб юрарканман, соатимга тез-тез қараб қўяман. Зал томошабинларга тўлган, соат миллари эса еттига қараб жадал ва беаёв яқинлашарди.

Шунда десангиз, театрга ташқаридан зудлик билан кириб келаётган Акмал Икромовни кўриб қолдим. У менга кўз тушиши била-

ноқ қаттиқ тайинлади:

- Ичкарига кириб айтинг: пардани беш минут очмай туришин!
«Нимага? Сабаб?» деб сўрашнинг мавруди эмасди. Сўраган тақдиримда ҳам республиканинг раҳбари буни менга тушунтириб ўтирмасди, албатта. Шу ваздан ўзимни тезда ичкарига - парда ортига олиб, режиссёримиз Музаффар Муҳамедовга айтдим..

Соат бу пайтда етти бўлган, залдагилар «пардани очинглар», дегандай қарсак чалишга тушишганди.

Очиғини айтганда, ўша беш минутни азоблар билан ўтказдик.

Ниҳоят, парда очилишига ижозат берилди.

Шунда бамисоли бўрон тургандай гулдурос олқишлар янграб, зални кўтариб ташлагудай бўлди. Залдагиларнинг ҳаммалари оёққа қалқишланган, нигоҳлари ҳукумат ложаси томонга тикилганича қолганди. Мен ҳам ўша томонга қарадим-у... кўзларимга ишонмай қолдим. Чунки ложада Иосиф Виссарионович Сталин бошчилигидаги Сиёсий бюро аъзолари ўтиришар, залдагилар уларни қувониб ва тўлқинланган ҳолда олқишламоқда эдилар. Раҳбаримиз Акмал Икромов ҳам улар орасида эди. Сталиннинг ёнида Молотов, Калинин, Будённий ўртоқлар кўринишарди.

Сиёсий бюро аъзолари ҳам томошабинларга қўшилиб, қарсак чалишга тушишди...»

Мен Яшин аканинг ҳаяжон билан ёзган бу сўзларини ўқир эканман, худди шу ўнқунликдан кейин кўп ўтмай, Бадиий театр ложасида ўтирган Сталин бошчилигидаги Сиёсий бюронинг фатвоси билан «1937 йил» деган фожиали спектаклнинг бошланиши, улар билан ёнма-ён ўтирганидан ифтихор ҳиссига тўлган Акмал Икромов бошчилигидаги республика раҳбариятининг, уларга қўшилиб, минглаб кишиларнинг қамоққа олинишини ўша пайтда ҳеч ким тасаввур ҳам этмаган, деган фикр бошимда чарх уради. Ваҳолонки, бундай «оламшумул» ишлар бир кунда амалга ошмайди. Сталин театр ложасида ўтирган пайтида ҳам 1937 йил июнида бошланажак қатагон спектаклининг айрим мизансценаларини ўйлаб ўтирган бўлса ажаб эмас. У ҳатто 1938 йил 28 мартда имзо чекажак ўзбекистондан биринчи ва иккинчи тоифалар бўйича қатагон этилувчи кишилар рўйхатини ўша дақиқаларда туза бошлаган бўлиши мумкин.

Келинг, яна Яшин аканинг хотираларини ўқишда давом этайлик:

«Ниҳоят, спектакль бошланди.

Спектаклда Ҳалима Носирова, Лутфихоним Саримсоқова, Муҳаммаджон Холмуҳамедов, Бобораҳим Мирзаев, Мукаррама Турғ-

унбоева, Назира Аҳмедова асосий ролларда чиқишганди...

Иосиф Сталин ва Сиёсий бюронинг бошқа аъзолари ложада ҳар кўринганларида гулдурол қишлар янграр ва ҳадеганда тинавермасди. Айниқса, спектакль тугаб, парда ёпилиб, залдаги улкан қандиллар порлагандан кейин чапаклар авжига чиқди, янада гурлади. Шунда парда яна очилди. Энди спектакль қатнашчилари ҳам томошабинларга қўшилиб, доҳийни ва шерикларини олқишлашарди..

Иосиф Сталин билан Акмал Икромов сахнада ёнма-ён ўтиришганди. Энди улар тик туришар, Сталин билан Акмал Икромов нақ ота-болалардай қўлларини ушлаганларича бир-бирларини улкан муваффақият билан табриклашарди... Бу ўзаро ишоралардан бутун театр бамисоли пўртанадаги денгиздай ларзага келар, олқишлар тобора авжига чиқарди...

Парда ёпилаганидан кейин спектаклда қатнашган ёки оркестрда музика чалганлардан айримлари ҳозирги руҳий ҳолат кучига дош беролмаганларидан бўлса керак, бирин-кетин ўзларидан кета бошладилар. Уларнинг юраклари доҳийни кўришдек бахт ва қувончга дош беролмаганди.

Театр врачлари ёнида ҳамшира билан ҳушидан кетганларни бирма-бир кўриб, дори-дармонларни ишга солиб, ўзларига келтира бошлади...»¹

Камина Яшин аканинг ўнқунлик очилиши кунидан олган таасуротларини қисқартириб бўлса-да келтиришимдан мақсад 20-йиллар охири – 30-йиллардан бошлаб Сталин шахсига сиғинтириш ишларининг қандай баланд даражага кўтарилганини кўрсатишдир. Гипнозланган оломон ўша йилларда Сталин туфайли миллионлаб фуқароларнинг очликдан қирилиб кетгани, уй-жойлари, мол-мулклари тортиб олинган қишлоқ аҳлининг «қулоқ» қилиниб, бошқа шаҳар ва республикаларга, меҳнат посёлкаларига юборилгани, Воркута, Тайшет, Абакан, Магадан сингари борса-келмас жойларда янги-янги қамоқхона ва лагерлар қурилаётганини билмас, билса ҳам писанд қилмас эди. Негаки, у гипнозланган, нима учун Сталинга сажда қилаётганини билмайдиган онгсиз жонзодлар тўдасига айлантирилган эди. Совет давлати тарғибот машинаси асосан шу нарсага – халқ онгини сохта таълимот билан, коммунистик жаннат ҳақидаги афсоналар билан заҳарлашга хизмат қилаётган эди. Ложада Сталин билан ёнма-ён ўтирганидан ифтихор ҳиссига тўлган Акмал Икромов ҳам, ўнқунликни ўтказиш ташвишлари билан куйиб-кишиб юрган Қурбон Берекин ҳам, аслида, аллақачоноқ ана шу машинанинг винтларига айланган эдилар.

Тўғри, «Гулсара» спектакли фақат бир киши учун, уни шараф-

лаш ва унга қуллуқ қилиш учунгина намойиш этилгандек туюлса-да, аслида залда юзлаб москваликлар бўлишган. Улар шу спектакль орқали ўзбек халқи санъати билан, ҳалима Носировадек афсонавор овоз соҳибалари билан танишишган. Узоқ тарихга эга ва ўзига хос миллий санъат билан танишиш туфайли москваликларда ўзбек халқи ва унинг маданияти тўғрисида тасаввур ҳосил бўлган. Москвада нашр этилган газета ва журналлар, меҳнат жамоалари ва ёшлар билан учрашувлар, радио орқали чиқишлар эса шу тасаввурнинг миллионлаб нусхада тарқалишига ёрдам берган. Ўнқунликнинг аҳамияти ҳам худди шунда эди.

...30 май куни ўнқунлик Катта театрдаги улкан концерт билан якунланди. Концертдан кейин Кремлнинг машҳур Георгий залида ўнқунлик қатнашчилари шарафига қабул маросими ўтказилиб, зиёфат берилди. Ўнқунлик тантаналари ҳали совимай туриб, санъаткорларнинг катта бир гуруҳини ҳукуматнинг орден ва медаллари билан тақдирлаш ҳақидаги фармон эълон қилинди. Ўнқунликни тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшган икки расмий кишига «ўзбек музыка театри ва музыка ансамблини уюштириш соҳасидаги муваффақиятли ишлари учун» «Меҳнат қизил Байроқ» ва «Қурмат белгиси» орденлари топширилди. Бу икки кишининг бири Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети раисининг ўша пайтдаги ўринбосари Абдулла Каримов, иккинчиси эса Қурбон Берегин эди.

ТАНТАНАЛАРДАН КЕЙИН

9 июнь куни Тошкент вокзалида Йўлдош Охунбобоев бошчилигидаги жамоатчилик вакиллари ўнқунлик қатнашчиларини катта тантана билан қарши олдилар. Орадан бир-икки кун ўтгач, Тошкентнинг ҳозирги Абдулла Қодирий номидаги Маданият ва истироҳат боғида ўнқунлик қатнашчиларининг катта ҳисобот концерти бўлиб ўтди. Шундай ҳисобот концертлари Тошкентнинг бошқа жойларида, шунингдек, Фарғона водийсида ҳам ўтказилди. Июнь ойининг охириларида эса Тошкентда республика партия ва совет ходимларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу анжуман иштирокчиси Комил Яшиннинг хотираларида шу ҳақда қуйидаги сўзларни ўқиймиз:

«Июнь ойининг охирироғида Я.Свердлов номидаги музыкали театр биносидан республика партия-совет активининг йиғилиши бўлди. Унда бошқа ўртоқлар қатори менга ҳам сўз тегди. Мен олдимда турган муҳим вазифаларга тўхталдим ва сўзимнинг охирида декаданинг

муваффақиятли ўтишини таъминлаганлари учун республикамиз партия ташкилотига, шахсан унинг бошлиғи Акмал Икромовга миннатдорчилик билдирдим.

Бунақа сўзлар айтилганида, ҳар сафар чалинадиган чапақлардан бу сафар дарак бўлмади, зал сув қуйгандай эди. Гапим чамамда йиғилганларга ёқмаган, бундан уларнинг энсалари қотиб, пешоналари тиришаётгани шундоққина сезилиб турар, қулогимга баъзи бировларнинг пўнғиллаганлари чалинди ҳам. Минбардан муздеккина бўлиб тушиб кетдим.

Москвадаги декада тадбирлари яхши савияда ўтишида республика Министрлар Совети (тўғрироғи, Халқ Комиссарлари Совети — *Н.К.*) раиси Файзулла Хўжаевнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор эди. У кўп йиллардан бери адабиётимиз ва санъатимиз ривожига қўлидан келганча кўмаклашиб келарди. Бироқ у декада арафасида вазифасидан олинган ва ўрнига Абдуллажон Каримов деган ўртоқ тайинланганди.

Ўшанда бугун-эрта бир-биридан даҳшатли ҳамда мудҳиш воқеалар юз беришини, кўз кўриб, қулоқ эшитмайдиган ишларга навбат етишини хаёлимизга ҳам келтирмагандик. Москвага бола-чақаси билан кетган Файзулла Хўжаев ўша ерда қамалгани хабари Тошкентга етиб келди. Бу эса ҳатто тушимизга ҳам кирмаган даҳшат эди. Нега деганда Файзулла Хўжаевдек инқилобга фидойи инсоннинг бир юмалаб «халқ душмани» бўлиб қолганига ақл бовар қилмасди.

Тошкентда ҳам қама-қама бошланиб, катта-кичик лавозимда ишлайдиган ўртоқлар бирин-кетин гойиб бўла бошладилар...»¹

Ўнкунлик қатнашчилари шарафига ўтказилган қабул маросими ва зиёфат пайтида кўпчиликнинг назар-эътиборига тушмаган бир воқеа бўлган. Ўша йилларда даҳшат тимсоли бўлган НКВД бошлиғи Ежов Сталиннинг ёнига астагина келиб, қулоғига ниманидир шивирлаган, шундан кейин Сталин бошчилигидаги Сиёсий бюронинг барча аъзолари дастурхон атрофидан туриб, секин-аста чиқиб кетган эдилар. Кейин маълум бўлишича, таниқли партия ва давлат арбобларидан бири Гамарник ўзини-ўзи отиб қўйган экан. Кўп ўтмай, бундай воқеа ўзбекистонда ҳам содир бўлди. Саратон кунларидан қочиб, Чимёнда оиласи билан жон сақлаётган марказқўм котиби Болтабоев ҳам ўзини-ўзи отиб қўяди. Шу воқеадан кейин бирин-кетин марказқўм қишлоқ хўжалик бўлими мудири Мирмуслим Шермухамедов, Халқ Комиссарлари Совети раиси Абдулла Каримов, Тошкент шаҳар совети раиси Абдулҳай Тожиев ва бошқалар олиб кетилди. Навбат Акмал Икромов яқинлашиб келаётган эди.

Бу мудҳиш воқеалардан ҳийла олдин, 1937 йил 10-17 июнь кун-

ларида Ўзбекистон компартиясининг УП қурултойи бўлиб ўтади. Қурултойнинг сўнгги қунда марказқўм маданий-оқартув бўлими мудир ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳайъати аъзоси ҳамда норасмий раиси сифатида ўзбек санъати ўнқунлигининг зўр муваффақият билан ўтишига муносиб ҳисса қўшган Қурбон Берегин марказқўмга аъзо этиб сайланади. Бундан беҳад қанотланган Қурбон Берегин июль ойининг бошларида Ёзувчилар уюшмасининг III пленумини чақириб, пленумда «Ўзбекистон компартияси УП съезди қарорларининг бажарилиши ва ўзбек ёзувчиларининг вазифалари ҳақида» маъруза қилади. Маъруза бўйича муҳокамада Зиё Саид, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қодирий ва бошқалар иштирок этишади.

Шу воқеадан қарийб бир йил аввал эса Қурбон Берегин Ёзувчилар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи киши сифатида Москвадан қуйидаги хатни олган эди:

«Ҳурматли ўртоқ Берегин.

Сўнгги воқеалардан хабарингиз бўлса керак, троцкийчи-зиновьевчи бандитлар фош қилинган, СССР Ёзувчилар уюшмаси аъзолари орасида бир қатор ўзгаришлар содир бўлди. Ҳозир бизда аъзолар рўйхатини синчиклаб текшириш ишлари олиб борилмоқда.

Уюшмага аъзо бўлган Ўзбекистон ёзувчиларининг рўйхатини тўзиб, уларнинг фақат фамилияси, исми, тутилган йили ва партиявий аҳволи тўғрисида зудлик билан маълумот юборишингизни сўрайман. Агар бирон-бир ўзгариш содир бўлган бўлса, қачон ва нима сабабдан бўлганлиги, албатта, кўрсатинг...

СССР Ёзувчилар уюшмаси

Ўрта Осиё миллий сектори инструктори

А.Шаповалова.

1936 йил 9 сентябрь».

Қурбон Берегин бу хатни олганида ҳам, Файзулла Хўжаевнинг, ундан кейин бошқа таниқли давлат ва партия арбоблари қамоққа олина бошлаганларида ҳам собиқ совет мамлақати бўйлаб қонли шамол эса бошлаганини сезмаган, сезган бўлса ҳам унга эътибор бермаган эди.

Ахир у кўкрак чўнтагидаги қизил гувоҳномага заррача доғ туширмаган, партиянинг ҳар бир топширигини чин юракдан бажарётган, керак бўлса, инқилобий марраларга етиб кела олмаган ёзувчиларни большевикларча кескинлик билан танқид қилаётган коммунист эди.

МУДҲИШ АНЖУМАН

Файзулла Хўжаевнинг ўнқунлик арафасида қамоққа олиниши у билан ота-боладек яқин бўлган Фитратнинг олтин боши узра қора булутларнинг тўпланишига сабаб бўлди. Шу булутлар зудлик билан қуюқлашиб, 1937 йил 24 апрель куни ярим кечада Фитрат ўзбек ёзувчилари орасида биринчи бўлиб қамоққа олинди. 7 майда Муҳаммадшариф Сўфизода, 27 майда Рафиқ Мўмин, 2 июлда Отажон Ҳошим, 12 июлда ҳаюм Рамазон, 14 июлда Чўлпон билан Усмон Носир, 5 августда Зиё Саид, 6 августда Ғози Юнус, 7 августда Элбек билан Миён Бузрук Солиҳов, 9 августда Анқабой, 14 августда Тавалло ва бошқалар қамоққа олиндилар. Бу ёзувчиларнинг ҳақ ёки ноҳақ қамоққа олинганларидан қатъий назар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида гўё миллатчи ва аксилинқилобчилардан иборат катта бир гуруҳнинг фош этилганлиги фавқулодда жиддий воқеа эди. Шубҳасиз, бу воқеа Ёзувчилар уюшмасида оммавий равишда текширув ўтказилишини тақозо қилар эди. Ўзбекистон НКВДси томонидан марказқўмга, марказқўмдан эса Ёзувчилар уюшмасига топширилган фавқулодда жиддий топшириққа мувофиқ, ёзувчилар 1937 йил 31 августда уюшманинг навбатдан ташқари 1У пленумини ўтказиш учун тўпландилар.

Пленум бошланишидан бир мунча вақт аввал, шунингдек, пленум давомида ҳам юриш-туриши шубҳали туюлган барча ёзувчилар махсус комиссия чийригидан ўтдилар.

31 август куни кечқурунги биринчи мажлис Ёзувчилар уюшмаси ҳайъати аъзоси ва уюшма раиси вазифасини бажарувчи Курбон Берегиннинг раислиги билан бундай бошланди:

«БЕРЕГИН. Бошлаймизми, ўртоқлар? (*Залдан: »Бошлаймиз» овозлар.*) Таржима масаласини нима қилар эканмиз, шуни ҳал қилиб олсак бўларди. Умуман, таржима керакми, йўқми? Состав қандай? Икки тилда олиб бориш керакми ёхуд бир тилда олиб бориш керакми?»

Бугун союзимизнинг 1У пленуми очик, деб эълон қилинади. Таклиф борки, президиумнинг составига «Правда Востока» газетасидан Черник, Файбуллаев, Яшин ўртоқларни ўтсин, деган ҳамда Уйғур, ўразаев ўртоқларни қўшилсин, деган. Ҳаршилик йўқми? (*»Йўқ» овозлари.*)

Кун тартибида икки масала:

1. Троцкийчи-бухаринчи халқ душманларига, аксилинқилобчиларга қарши кураш ва союз адабиётининг вазифалари ҳақида ўртоқ Яшин доклад қилади.

2. Ташкилий масалалар.

Мана шу рўзномага қаршилик йўқми ва қандай бўлмасин ўзгаришлар йўқми? (*«Йўқ» овозлари.*) Бўлмаса кун тартибини тасдиқ қилувчи союз пленумининг аъзо-кандидатларининг қўл кўтаришлари сўралади. (*Ҳамма қўл кўтаради.*) Туширинг. Мажлисимизнинг тартиби шундай бўлсин, деган таклиф бор:

Эрталабки мажлисимиз 10 дан 3 гача, кечки мажлисимиз соат 7 дан 11 гача давом эттирилсин. Докладга бир соат, кейин музокарага чиқувчига 10 минут, икки мартаба чиқувчиларга 5 минут, справка ва шахсий аризалар учун мажлис охирида 3 минут.

Пленум ишининг тартиби тўғрисида қандай фикрлар бор?

ҒАҒУР ҒУЛОМ. Вақт музокаралар учун калтароқ бўлмайдими?

БЕРЕГИН. Калтароқ бўлмас, деган фикрга келдик.

ОЙДИН. Шу 10 минут музокара учун қабул қилинсин-да, кейин сўзларнинг мазмунига қараб яна вақт берилса, деб ўйлаймиз.

БЕРЕГИН. Кўрамиз. Халқдан таклиф: эрталабки мажлис умуман бўлмасин, деган таклиф тўғри келмайди. Чунки кишиларнинг ишлари бор, мажлис узоққа чўзилиб кетиши мукин. Бундан ташқари, бизнинг ташкилий масалаларимиз бор. Пленум аъзолари ўртасида президиумни ҳам секретарни сайлашни ёпиқ сайлов усулида олиб бормоқчимиз. Бу ҳар бир номзодни чиқариб туриб, муҳокама қилиш иши анча вақтни олса керак. Шундай бўлгандан кейин кичкина ишлар узоққа чўзилади. Ундан кейин ҳар ҳолда, умуман, ёзувчиларнинг бу йиғилишини фалончи вақтгача давом этади, деб белгилаган эмасмиз. Бу йиғилиш эмас, пленум. Эртанги мажлисларимиз чегараланган вақтга мувофиқ давом этса ҳам, кечки мажлисларимизни керак бўлса 12 гача, керак бўлса 1 гача давом эттирамиз.

ҒАҒУР ҒУЛОМ. Демак, мажлисдан таклифимни қайтиб олдим.

БЕРЕГИН. Иш тартибини қабул қилдикми? (*«Қабул қилдик» овозлари.*) Ҳозир доклад учун сўз ўртоқ Яшинга берилади...»¹

Шундан кейин сўзга чиққан Комил Яшин ўз маърузасида Абдулла Қодирий ва Чўлпондан тортиб Анқабойгача бўлган ўзбек ёзувчиларининг ижодий фаолиятларини уларнинг Октябрь инқилоби ва компартия гояларига бўлган муносабати нуқтаи назаридан синчковлик билан текшириб чиқади. Нотиқнинг танқидий фикрлари кўпроқ ҳали қамоққа олинмаган ёзувчиларга қаратилади. 31 август куни кечки мажлисда бошланган маъруза 1 сентябрь эрталабки мажлисда аранг тугайди. Маърузада ҳаёт ва ижодлари илма-тешиқ қилиб юборилган ёзувчилар пленум мажлисларида жон ҳовучлаб ўтиришади. Маъруза яқун топгач, Қурбон Берегин мажлис раиси сифатида бундай дейди:

«БЕРЕГИН. Ўртоқлар, ўртоқ Яшиннинг президиумнинг ҳар томонлама ўз ичига тўла олган муфассал докладини эшитдиларингиз. Тушундиларингизким, доклад ёлғиз президиумнинг ўтганги пленуми билан бу пленуми ўртасида ўз ичидаги узоқ вақтлардан берли ўралашиб келган душманларни фош қилиш ишинигина айтиб бермади, балки шу муносабат билан союзимизнинг навбатдаги вазифалари(га) ҳам кенгроқ тўхталди. Биз шуни яна бир мартаба тушунишимиз керакким, вазифамизни энг биринчиси, энг асосийси шу бошланган ишни кучли равишда, янада баланд хушёрлик билан давом эттиришдан иборат.

Союзимизнинг чиндан ҳам тузалиши (тозаланиши демоқчи — *Н.К.*), озод халқимизнинг манфаати учун коллективнинг соғлом қисмини чинакам курашига тўсқинлик қилатурган унсурлардан тозалаш, кўпинча энди бундан кейин бошланиши, яъни бошланган ишни кескинрак давом эттиришга боғлиқ. Президиум ва унинг комиссияси ҳали ўз ишини тамом этгани йўқ. Ҳали ўртоқ Яшиннинг докладада номлари айтилмаган, лекин устидан текширилиши керак бўлиб материал тушган анча ёзувчиларимиз ҳам бор. Шу материалларнинг кўпчилик қисми ёзувчиларимизнинг ўзлари томонидан берилган материал, бир қисми бизнинг соғломлигимизни маъқул кўрадиган ва шунга ёрдам этиш ниятида бўлган ўртоқлар томонидан берилган материаллар. Албатта, буларни комиссиямиз текшираётир ва текшириш ишини давом эттиради...

Бу ерда докладда бир мунча ёзувчиларимизнинг айблари тўғрисида айтилди. Биз президиумда бир мунча бор муҳокама қилганимизда, пленумда ҳам шу ўртоқлар президиумда айтганларидан ташқари, кўпрак ёзувчилар ўртасида чиқиб, ўз қилмишларидан жавоб берсинлар, деган фикрга келган эдик. Музокарада чиқувчи ҳар бир ўртоқ, албатта, устларига жиддий сиёсий айблар юкланган, бор бўлган материалга асосланиб, ҳақли равишда юкланган Ойбек, Уйғун, Фафур Фулом — шулар, албатта, бу ерда чиқиб, масаланинг моҳияти бўйича ўзига юкланган айблар тўғрисида ва ўзларининг ўз тутишлари тўғрисида, ўзларининг ишлари тўғрисида, хушёрсизликдан бўлганми, чиндан ҳам шуларга берилганликдан бўлганми, душман ёзувчилар ўртасига чангал солиб, ўзига керакли одамларни тортаман, деганда шулар қаторида тортилмаганликлари ҳақида ўзларининг чин юраклари билан айтиб беришлари керак. Музокарага чиқувчилар, ёзувчилар жамоатчилиги шу ёзувчиларга берган жавобларига мувофиқ ўзларининг қатъий фикрларини, ҳам ўзларининг, ҳам союзимизнинг шундан кейинги ишлари тўғрисида гапирсалар, қаршилиқ бўлмас»¹.

Пленумда шахсий ишлари муҳокама қилинган ёзувчилар совет давлатига қарши на ошкора ва на яширин кураш олиб бормаган, бирорта аксилинқилобий ташкилотга аъзо бўлмаган, ижоди билан замондошларини совет давлатига қарши курашга ундамаган, балки истеъдодлари ва замон берган имконият даражасида ижод қилиб келаётган кишилар эдилар. Масалан, Ойбекнинг бор-йўқ «айб»и, Чўлпонни шоир сифатида ҳурмат қилгани, унинг касалхонада даволанаётганини эшитиб, кўргани боргани, Туркистон мухторият ҳукуматининг ўрнатилишида фаол иштирок этган қайнотаси Саидносир Миржалилов қамоқдан қайтиб келганида эса уни уйига киргизганида эди. Шунга ўхшаш «тўпланмаган материаллар» асосида пленумда ёки комиссия йиғилишида ёзувчиларнинг турғизиб муҳокама қилиниши 1937-1938 йилларда НКВД томонидан ташкил этилган суд жараёнларининг айнан ўзи эди. Дарвоқе, Ёзувчилар уюшмасининг мазкур 1У пленуми сценарийси ҳам, шак-шубҳасиз, НКВД томонидан тузилган эди.

Биз яшаётган дунё икки қарашма қарши кучнинг доимий тўқнашувига қурилган. Мазкур пленумдаги икки қарама-қарши кучнинг бири — манглайига «душман унсурлар» деган тамга босилаётган ёзувчилар, иккинчиси эса ана шу тамгани босаётган шахслар эди. Иккинчи кучнинг асосий мақсади ёзувчилар орасидан мумкин қадар кўпроқ «душман унсурлар»ни топиш, уларни уюшмадан ўчириш, сўнгра Фитрат ва Чўлпонлар азоб-уқубат чекаётган қамоқхоналарга юбориш эди. Бу иккинчи куч рақибларининг ҳам ўзлари сингари инсон эканликларини, бола-чақалари, ота-оналари борлигини, уларнинг ҳам изтироб чекишлари мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмаганлар. Фитрат ва Чўлпон сингари беозор кишиларнинг, ўзларидан ўн, юз, минг баравар баланд истеъдод соҳибларнинг қамоқхоналарда инсонлик қиёфасини йўқотган, раҳм-шафқат нималигини билмаган ярим ваҳший кимсалар томонидан таҳқирланаётганлари, азоб чекаётганларини эса ўйлашни ҳам истамаганлар. Бу совет даврида, совет тарғибот ва ташвиқот машинасининг гилдираклари остида манқуртлашишнинг, инсонийлик ҳиссидан маҳрум бўлишнинг оқибати эди.

Қурбон Берегин ўз даврининг илгор кишиларидан бири бўлганига қарамай, пленумга раислик қилар экан, қилаётган ишининг гайриинсоний эканлигини бирор марта, ҳатто уйқуси ўчиб кетган пайтларда ҳам ўйлаб кўрмаган бўлса керак. Чунки у синфий душманга нафрат руҳида тарбияланган эди. Бундай кишилар бошқа соҳилда турган кишиларнинг синфий душман эмасликларини билиш бахтидан одатда маҳрум бўладилар. Қурбон Берегин пленумда кечаги дўстларининг душман ёки душман эмасликлари муҳокама қилинар экан,

уларни нима кутаётганини яхши билган, аммо уларни фош этишни ўзининг партия олдидаги бурчи, деб ҳис қилган. Партия олдидаги бурч эса унинг учун виждон амри билан баравар эди.

Хуллас, пленум давомида нафақат бошқа соҳилдаги айрим ёзувчилар, балки уларни фош қилишда фаоллик кўрсатган айрим қораловчилар ҳам долғали денгизга улоқтириб ташланди. Шундайлар орасида Қурбон Берегин ҳам бор эди.

ИЗТИРОБЛАР ОҒУШИДА

Пленумнинг 4 сентябрда бўлиб ўтган сўнгги мажлисида Қурбон Берегиннинг ўзи ҳам Абдулла Қодирий, Чўлпон, Элбек сингари «халқ душманлари» билан яқинликда, уларнинг аксилинқилобий моҳиятини яширганликда айбланиб, пленум аъзолигидан чиқарилди. Шу куни у, худди Элбек ёки Анқабой сингари, пленум аъзоларининг қитмир саволларига қарийб икки соат тик туриб жавоб берди.

У вазиятнинг бундай тус олишини сира ўйламаган эди. Билмадим, у билармиди ё йўқми, ҳаётда шундай онлар бўладики, тўхмат қилувчи эмас, балки тўхмат қилинган киши ўзини оқлаши ва оқлай билиши лозим. Тўхматчидан ўз тўхматларини аниқ-тайин далил билан асослаш одатда талаб этилмайди. Совет даврида бу нарса иккинчи ёки учинчи нарса ҳисобланган. Хуллас, ўша куни Қурбон Берегин ўзининг ҳалол коммунист ва уюшма аъзоси эканлигини тушунтиришга қанчалик уринмасин, пленум унга қулоқ солишни истамади.

Шундай қилиб, куни кеча пленумга раислик қилган, марказқўмнинг топшириғи билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлган ва ҳали аъзо бўлиб улгурмаган ёзувчиларнинг оқини оқ, қорасини қорага чиқариш ишларига раҳбарлик қилган кишилардан бири аксилинқилобий унсурга чиқарилди. Қурбон Берегин шу куни мажлис залидан эгик бош билан чиқиб кетди.

У одатда уйига кеч қайтганида, ухлаб қолган фарзандларининг яноғидан ўпиб, бошини силаб, сўнг агар қорни оч бўлса, хотини Онажон олиб келган овқатга ўтирар, агар чарчаб келган бўлса, ўзини тўшакка ташлар ва эрта тонгга қадар данг қотиб ухлар эди. Шу куни у ҳатто кенжатоий Маратнинг ҳам бошини силашга мажол тополмади. Унинг назарида, ҳозир НКВДнинг ўпкаси йўқ одамлари келадилар-у ҳаммаёқни алғов-далғов қилиб, уни олиб кетадилар. Хотини, бола-чақалари, қариндош-уруғларини ортиқ кўрмайди. Кейин... Хўш, кейин нима бўлади?.. Балки айби йўқлиги учун қўйиб юборишар...

Юборишармикан-а?.. Агар қўйиб юборишмаса-чи?.. Ҳийнаб, тирноқ-лари остига бигиз тиқишса-чи?.. «Гапир, контра! Гапирмасанг этинг-ни шиламиз», - дейишса-чи!..

Қурбон Берегин шундай оловли хаёллар ичида ўртанди. Йўқ, оловли хаёллар эмас, дўзаҳ ичида қолди. Ҳани энди кўшниси Анқабойни чақириб, қиттай-қиттай қилса-ю чўяндай оғир хаёлларни бошидан иргитиб юборса... Йўқ, Анқабой 9 августдаёқ қамалган. У яқин дўстларидан бирини олиб қололмаган. Агар у билан қамоқхонада кўришиб қолгудек бўлса, энди унинг: «Қолинг қалай? Мен ҳам эдим сенингдек, сен ҳам бўлдинг менингдек», дейиши аниқ. Албатта, дейди. У менинг ёрдамим билан радиоқўмитага раис бўлиб ишга ўтганида, кейин менинг ёрдамим билан ўқитувчилар кўчасидаги 9-уйни кўчиб келганида бошқача эди. Ундан кўра менга қадрдон ва садоқатли киши йўқ эди, ўшанда. Энди у... пленумда шармандаи шармисор бўлганидан кейин менга дўст бўлиб қолармиди?..

У хаёлини бошқа ўзанга бурмоқчи, енгиллашмоқчи бўлди. Бўлмади. Туриб, бугун келган газеталарни титди. Газеталарда ҳам пленумнинг кечаги мажлиси тўғрисидаги хабарга кўзи тушиб, газетани гижимлаб ташлади. Сўнг китоб жавонидаги ўзининг ва дўст-ёрларининг совға қилинган китобларини, суратларни назардан ўтказди.

Мана, Ўзбекистон ёзувчиларнинг биринчи қурултойида олинган суратлар...

...1934 йилнинг 17 ё 19 январи эдими, аниқ ёдида йўқ, ташкилий комитет йиғилиб, биринчи қурултойнинг кун тартибини кўриб чиқди, қурултойнинг қандай ўтказилиши лозимлигини муҳокама қилди. Ахир бу минг йиллик ўзбек адабиёти тарихидаги ёзувчиларнинг биринчи қурултойи эди. Тажриба йўқ. Ёзувчилар уюшмасининг кейинги тақдири ва обрў-эътибори эса ана шу қурултойнинг ўтишига боғлиқ. Шунда кимдир, Пинхасикмикан, ҳар бир ёзувчининг инқилобдан кейин ёзган асарларини ўрганиб чиқиш керак, агар у биринчи асаридан сўнггисигача совет позициясида турган бўлса, уни ҳам уюшмага биринчилар қаторида қабул қиламиз, ҳам қурултойда шунга ўхшаш ёзувчилар ижоди орқали ҳозирги ўзбек адабиётига сиёсий баҳо берамиз, деди. Шу гапдан кейин у, Мажидий, Пинхасик ва Тригубовдан иборат комиссия тузилди. Роса икки ой асар ўқишди. Худди бугунги пленумга тайёргарлик кўргандек.

5 февралда ташкилий қўмита тагин йиғилди. Бу сафар Анқабой, Назир Сафар, Зиё Саид, Ойдин Собирова ҳам қўмита йиғилишида иштирок этишди. Қурултойни ўтказиш учун маслаҳатчилар бюросини ташкил этиш лозим эди. Улар шу бюронинг вазифаларини ўрга-

ниб чиқишди. Сўнгра ўзбек ёзувчиларидан 24 киши, руслардан 13 киши, Бухоро яҳидийларидан эса 3 киши маслаҳатчилар бюросига аъзо қилиб олинди. Қурултойнинг яхши ташкилий савияда ўтишида бу масҳатчиларнинг хизмати ҳам чакки бўлмади...

Қурбон Берегин ўйлаб қараса, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ташкил этилишида Раҳмат Мажидий билан бирга унинг ҳам хизматлари оз эмас экан. Мана, Мажидий Москвага ўқишга кетганидан бери уюшмага ўзи раислик қилиб келди. Лекин...

Лекин 1930 йил 20 апрелда марказқўмда бўлиб ўтган йиғилиш унинг ёдига тушиб кетди. Ўйлаб кўрса, СССР Ёзувчилар уюшмасининг вакили бўлиб келган Лоҳутий ичи қора кимсалардан экан. Ўшанда йиғилиш у мудирлик қилган бўлимда ўтказилди. У ҳурмат юзасидан Лоҳутийни тўрға таклиф қилиб: «Мажлисга ўзингиз раислик қиласизми?» деб сўради. Буни қарангки, меҳмон шу гапни кутиб турган эканми, тўрни эгаллаб олиб, йиғилишни ўзи истаган кўчага буриб юборди. Абдулла Қодирий ҳам, Отажон Ҳошим ҳам, Ҳамид Олимжон ҳам жўяли гапларни гапиришди. Аммо Горбунов ҳол кўйди, ўшанда. Эй аҳмоқ, келиб-келиб Москвадан келган айғоқчининг олдида дастурхонни очасанми?! Ўша кезларда оқ калтак-кўк калтак қилинаётган драматургларнинг асарларини саҳнадан олиб ташлаш керак бўлса, бу ишни рабочий тартибда қилсак, асақанг кетармиди! Яна бу ҳақдаги бир гуруҳ ёзувчиларнинг хатини кўрсатишини айтинг!.. Хуллас, Лоҳутийга худди шу нарса керак экан. У уюшмани душман унсурлардан тозаламай туриб ўзбек совет адабиётини яратиш мумкин эмас, деб оёқ тираб олди. Мени ҳам изза қилди. Кейин бошқа ёзувчиларни ҳам менга қарши қайради. Ҳамма нарса ўша кундан бошланган. Менинг устимдан ёғмоқчи бўлган булут ўша кундан бошлаб тўплана бошлаган...

Қурбон Берегин хаёлини бошқа ўзанга йўллаш учун ўзи сезмаган ҳолда дастурхон сари яқинлашди. Кейин овқат столида совиб турган чойнакни даст кўтариб, бир ичишда ярмини бўшатди. Дераза олдига келиб, ҳовлига қаради. Болалар ҳовлида маза қилиб ухлашаётган эди. Унинг баданига қандайдир оний илиқлик югурди. У юлдузлар чарақлаб турган осмонга қарар экан, кўзи Амир Темурнинг қиличи-дек ялтиллаб турган ойга тушди. Назарида, ана шу қилич секин-аста у сари сузиб келаётгандек туюлди.

Қурбон Берегин изтироб алангасида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Бир маҳал кўзи дастурхон четидаги Онажон ўқиётган китобга тушиб қолди. Бояги қилич аста сузиб келиб, ана шу китоб муқовасига ўрнашгандек эди.

Йўқ, бу қилич эмас, «Ўтган кунлар» романининг муқовасидан

қараб турган қилич аслида ўн тўрт кунлик ойнинг расми, шу ойнинг беланчагида ўтирган қиз эса Кумуш эди...

Абдулла Қодирий...

Қурбон Берегин 1924-1925 йилларда шоир бўлиш орзусида шеърлар ёзди. «Шарқ қизига», «Шарқ хотин-қизларига», «Вакилларга», «Ишчи-деҳқонларга» деган шеърлари вилоят газеталарида босилди. Кейин Тошкентда нашр этила бошлаган «Муштум», «ўзгаришчи ёшлар», «Ер юзи» каби журналларда босилган асарларни ўқиб, насрга ҳавас ҳосил қилди. Ҳатто 1926 йилда «Ер юзи» журналида унинг «Олма отиш», «Чакиртиканак» деган ҳикоялари босилди. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини ўқиганидан кейин эса ҳозирги замон ҳақида худди шундай ажойиб романни ёзмоқчи бўлди. Аммо кучи етмадими, ҳар қалай, аранг 70 саҳифали асарни роман дейишга андиша қилиб, уни ҳикоя деб атади ва унга «Шодликли кунлар» деб ном берди. Агар машҳур адибнинг асари халқимизнинг ўтмишдаги кирли кунлари ҳақида бўлса, унинг роман-ҳикояси шодлик кунларни тасвирлашга бағишланган эди.

Қурбон Берегин Тошкентга кўчиб келиб, Давлат нашриётига раҳбарлик лавозимига тайинланганида, терминком (тамашунослик кўмитаси) билан ҳамкорликда икки жилдлик «Русча-ўзбекча луғат»ни нашр қилиш ишларига раҳбарлик қилди. Шунда ўзбек тилини мукамал билган, рус тилини ҳам пухта эгаллаган адиб сифатида Абдулла Қодирийнинг шу хайрли ишда бевосита иштирок этишини хоҳлади. Луғатнинг биринчи жилди устидаги иш аллақачон бошлангани учун унинг иккинчи жилда қатнашиши мумкин эди. У нашриётнинг луғат масалалари билан шуғулланувчи ходими Абдулла Саидовга адибни чақириб, у билан шартнома тузишни буюрди. Абдулла Қодирий шартномада назарда тутилган ишни тўла бажариб, унинг юзини ерга қаратмади. Икки жилдли луғат ўз вақтида чоп этилиб, тузувчилар шаънига ҳам, нашриёт шаънига ҳам кўп яхши фикрлар айтилди.

Тўғри, беш қўл баравар эмас. Бир кам дунё, дейдилар, бу дунёни. Саидов тушмагур нашриётни ҳам, уни ҳам адиб қаршисида уялтириб қўйди. Абдулла Қодирий унинг хатти-ҳаракатидан қаттиқ ранжиб, ҳатто матбуотда уриб ҳам чиқди. Мана, ўша мақола:

Луғат пудратчилиги ва қуруқ расмият
(Шўро ёзувчисининг хати)

1935 йил август ойларида Ўзбекистон Давлат нашриёти бир неча

ўртоқлар билан “Русча-ўзбекча тўла сўзи луғат» тузиб беришга шартнома боғлайди. Ўша вақтда шартнома тузувчи коллективнинг бир аъзоси ҳисобланган Абдулла Саидов «П» ҳарфини ишлашни ўз устига олади. Ўзбек тилига оз ошна бўлганлигиданми ёки киши кучидан фойдаланишни ўзига касб қилиб олганлигиданми, бир неча вақт луғатни ишламай судрайди. Сўнгра ўзнашр тазйиқи остида коллектив аъзолари билан келишиб тузилган шартнома асосида «П» ҳарфини ишлаб беришини сўраб менга мурожаат қилади. Мен қабул қиламан ва бир қанча вақтлар ўлтириб, «П» ҳарфини тузиб чиқаман. Коллектив қабул қилиб олади.

Мен Саидовни виждонли деб билиб, шартномани ўз отимга ўзказиб олиш тўғрисида ўйлаб ўлтирмайман.

Бу кун луғат босилиб, контроль сонлари ўзнашрга олинади. Бироқ ўртоқ Саидовнинг мен билан сўзлашгиси келмай қолади. Шартнома юзасидан оқча олганлиги устига қолмиш ҳисобни битириш учун ўзнашрга ўз отидан счёт ҳам топширади. Мен мақсадини англаш учун Саидовга мурожаат қиламан. Саидовнинг менга қарагиси келмайди. Муомала гўё ёшларча, бегоналарча. Мен коллективга ариза бераман. Коллектив («П»ни тахминан 11 минг сўз деяйлик – А.ҳ.) “Абдулла Қодирий томонидан ишланган. Бунда Саидовнинг ҳеч қандай алоқа ва хизмати йўқ. Ўзнашр ҳисобни Абдулла Қодирий билан юргизсин» мазмунли қарор чиқариб, нухасини ўзнашрга юборади. Ўзнашр коллективнинг қарори ва мурожаатига илтифот қилмайди. Биз формал равишда Абдулла Саидовни таниймиз, сиз билан ишимиз йўқ, судга берингиз, деди.

Ўртоқ муҳаррир!

Иш, хизмат меники, ўзнашр архивида сақланган асл қўлёзма меники: аммо бу меҳнат баробарига ҳақ олиш «виждонли» Саидовники.

Саидовлар учун илгари бу хилда «ҳалол касб» билан кун кўриш мумкин бўлса бўлгандир; аммо энди, айниқса, бугун, яъни ёруғ, очиқ кунда ўғирлик?!

Абдулла Қодирий (Жулқунбой).

Р е д а к ц и я д а н: ўзнашр идорасининг масалага бундай қуп-қуруқ расмият кўзи билан қараб, асл ҳақиқатда ишлаган кишини овора қилиш ҳеч бир кечирилмасликдир. Ўзнашр масаласи чиндан қараганда адабиёт ва тилни пудратга олмоқчи бўлганлар билан алоқа қилмаслиги керак эди»¹.

Асл исм-шарифи Абдулла Сагитов бўлган кимсанинг Абдулла

Қодирийдек улуг инсонга нисбатан бундай муттаҳамлик қилиши ноширлар жамоасининг газабини кўзгади. Лекин гап чуваланса, қўпгина кишиларнинг изза бўлишлари мумкинлигини сезиб, Қурбон Берегин адибнинг уйига бориб, ундан узр сўради, унинг меҳнат ҳақини, албатта, ундириб беришини айтди. Уни гоят ҳурмат қилишини, асарларини оиласи билан севиб ўқишини таъкидлади. Ўтган йили унинг «ўтган кунлар» романини Файзулла Хўжаевнинг топшириғига биноан араб ёзувида нашр қилиб, хорижга юборганини яна бир бор эслатди.

Гап бундай эди. «ўтган кунлар» романи эл-юрт ўртасида машҳур бўлгач, бу асарнинг довруғи ўзбеклар ва уйғурлар яшаётган хорижий мамлакатларга ҳам етиб борган ва у ердан ушбу асарни араб ёзувида нашр этиб юборишни сўраб Файзулла Хўжаев номига хат келган эди. Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети раиси шу вазифани бажаришни ўздавнашр раҳбари Қурбон Берегиннинг зиммасига юклаб, унга бундай хат йўллаган эди:

Берегинга.

Сизга Абдулла Қодирий билан унинг эски ва янги асарларини қайта нашр этиш масаласида маслаҳатлашиб, шартнома тузиш топширилади.

«Ўтган кунлар»ни чет элга жўнатиш учун уни араб ёзувида қайта нашр этиш лозим.

Ф.Хўжаев.

Қурбон Берегин юқорида зикр қилинган ҳунук воқеадан кейин Абдулла Қодирий олдида ўзини ноқулай сезиб юрди, ўрни келганда, унга бирон-бир яхшилик қилиб, содир бўлган воқеани унуттириш истагини дилига тугди. Кўп ўтмай, Ёзувчилар уюшмасининг III пленуми ўз ишини бошлаганида, у Абдулла Қодирийни пленумга таклиф қилмаганини эслаб қолиб, мажлис ҳайъатида ўтирган кимгадир уни машинада олиб келиш вазифасини топширди.

Мана, бугун шу хайрли иши учун ҳам калтак еди. Аёл ёзувчилардан бири уни совет позициясига ўтмаган Абдулла Қодирий сингарини эски ёзувчиларга ҳомийлик қилишда ҳам айблаб чиқди.

Хуллас, кимнинг қандай гинаси бўлса, ҳаммаси айтилди.

Шу билан Қурбон Берегин ҳаётининг ёруғ саҳифалари, ўзи айтмоқчи, «шодликли кунлар»и тугаган, олдинда эса «тарихимизнинг энг кирлик кунлари» кутмоқда эди.

МАШЪУМ КУН

Азоб-уқубатли тун аччиқ ичакдек чўзилган бўлса-да, тонг саҳар пайтида олисдан хўроз қичқириғи эшитилиб, тонг отганини маълум қилди. Қурбон Берегин шу туни мижжа қоқмай чиқди, юз-қўлини ювиб, дастурхонга яқинлашди. Унинг юрак-бағрини тирнаётган ташвишли фикрлар аллақачон бамисоли қора қуюн каби кўтарилиб, бутун хонадонни эгаллаган, воқеадан хабардор бўлган Онажон ҳам муштдеккина бўлиб қолган эди.

Қурбон Берегин, худди чой ичмоқчи бўлган кишидек, пиёлани икки қўли билан маҳкам ушлаганича узоқ ўтирди. Ишга боришни ҳам, бормасликни ҳам билмасди. Ниҳоят, кўча-эшик олдидан машинанинг таниш шовқини эшитилди. Қурбон Берегин оғир қадамлар билан кўча томон интилди.

Унинг назарида, ҳамма воқеанинг содир бўлганидан, Берегиннинг бу дунёдаги ҳамма яхши-ёмон ишлари битганидан хабардордек эди. Марказқўмга етиб келганида, милиционер ҳам истар-истамас честь берди. Унга честь бердими, бошқа кишигами — билмай қолди. Ҳар ҳолда эшикни очиб-ёпиб турувчи ходимларнинг ҳам муносабати ўзгаргандек эди.

Унинг бирдан-бир умиди марказқўм эди. Аммо ўша куни бюро йиғилиши ўтказилиб, Қурбон Берегин марказқўм аъзолигидан ҳам, партиядан ҳам ўчирилди. Марказқўмнинг йиғилишда ҳозир бўлмаган аксар аъзолари шу қарор билан рози эканликларини телефон орқали хабар қилдилар. Қурбон Берегин тарвузи қўлтигидан тушиб, уйига барвақт пиёда қайтди.

У хизмат вазифасига кўра, уйда тўппонча сақлаш ҳуқуқига эга эди. Уйига келиб, хотинидан яширин равишда тўппончани олиб, ўқларини текшириб кўрди. Бир эмас, саккиз дона ўқ кафтининг ҳовузчасига бир-бирига урилиб, «хизматга тайёرمىз», дегандек тушди. У тўппончани ўқлаб, дастлаб юрагига, сўнгра манглайига олиб борди. Аммо журъат қилолмади. Болаларининг чинқириб, додлаб йиғлаши кўз олдига келди. Балки тирик қоларман, деган юпанч саккиз дона ўқли тўппончани енгди.

Ярим кечага яқин, болалар ширин тушлар кўриб ётган пайтда кўкқисдан эшик дукиллади. Қурбон Берегин эшикни очишни ҳам, қочишни ҳам билмай, бир неча дақиқа саросимада турди. Эшик яна бир бор дукиллади. Берегин, ноилоҳ бир аҳволда бориб, кўча-эшикни

титроқ қўллари билан очганида, НКВД ходимлари билан бирга маҳалла қўмитасининг раиси ҳам дунёдаги энг машғум маросимни ўтказишга шай бўлиб туришган эди.

Сиёсий идора ходимлари уй эгасига уни қамоққа олиш ҳақидаги нари борса бир-икки соат аввал ёзилган қарорни кўрсатдилар. Бу қарорга кўра, Қурбон Берегин: «1) ўзбекистонни СССРдан ажратиб олиш мақсадида тузилган аксилинқилобий миллатчилик ташкилотида аъзо бўлганликда, 2) аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси сифатида аксилинқилобий иш олиб борганликда, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси атрофида миллатчиларни тўплаб олиб, уларнинг аксилинқилобий асарларини қўллаб-қувватлаганликда, шунингдек, 3) қандайдир миллий назарияларни тарғиб этганликда» айбланган, бинобарин, унинг ЎзССР Жиноят Кодекси 66-моддасининг 1-қисми ва 67-моддасида кўзда тутилган бу айблари учун қамоққа олиниб, НКВДнинг ички қамоқхонасида сақланиши лозимлиги қайд этилган эди. Ҳарорга НКВД Давлат хавфсизлиги бошқармаси 4-бўлимининг шошилинич ишлар бўйича вакили хавфсизлик кичик лейтенанти Маврин имзо қўйган, НКВД ДХБ 4-бўлими бошлиғи д/х лейтенанти Агабеков эса бу қарорга рози эканлигини ўз имзоси билан тасдиқлаган эди.

НКВД ходимлари қарийб тонгга қадар ую ҳовлининг ҳар бир тешигини тинтиб чиқишди. Ниҳоят, айбланувчининг ТК русумли револьвери, «Ҳурмат белгиси» ордени, паспортини, бундан ташқари, 1) 32 та турли ҳужжатлар ва маълумотномалар, 2) 27 саҳифадан иборат таржимаи ҳол ва анкеталар, 3) бир неча машинкаланган рисола, 4) 24 варақдан иборат шахсий характердаги ёзишма, 5) 6 дона блок-нот, 6) 6 дона фотосурат, 7) 1 қути негатив, 8) 1 пачка турли ёзувлар, 9) «Хоразм адабиёти тарихи» рисоласи қўлёзмаси, 10) «Рабочие и дехкане за власть Советов» мақоласи ва 66 варақдан иборат шеърлар, 11) Пушкин комиссияси материаллари ва таржималар, 12) «Совет адабиёти» журнали материаллари, 13) Берегин қилган маърузанинг қўлёзмаси, 14) 1 папка шахсий ҳужжатларни олганлари ҳақида акт туздилар ва Қурбон Берегинни йиғлаб, додлаб ётган оиласининг кўзи олдида борса келмас жойга олиб кетдилар.

Қурбон Берегиннинг ўша пайтда энди 9 ёшга кирган қизи Қувонч шу мудҳиш воқеани бундай эслайди:

«Бир куни кеч соат саккизларда уйимизга уч киши кириб келди. Улар тонг отгунча ухламадилар ва бизларни ҳам ухлатмадилар. Кечаси билан ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб ташлашди. Уйимиздаги ҳар бир китобни варақлаб, ичидан нималарнидир обдон қидиришди. Отам-

нинг қоғоз-дафтарларини, хатлар ва расмларни уйнинг ўртасига тўплаб олиб, кўз югуртириб чиқишди. Эрталаб соат етти-саккизларда тинтув ишларини тўхтатишди. Шундан кейин топган-тутганларини бир тугун қилиб, отам билан бирга олиб кетишди.

Ўша йилларда ҳовлимизда итимиз бўларди. Келган кишилар отамга уни боғлаб қўйишни буюришди. Ит кечаси билан бир минут ҳам тинч турмай, ҳуриб чиқди. Эрта тонгда ҳам ўзини у ёқ-бу ёққа уриб, ипини узмоқчи бўлди, бироқ маҳкам боғлангани учун ипини узолмади.

Ташқарида турган машина отамни олиб кетаётганида, отам бизга қараб: «Яхши ўқинглар, ақлли бўлинглар, онангларни ҳурмат қилинглар, деб улгурди, холос. Менинг эсимда қолганлари фақат шулар.

Отам ўша кетганича қайтиб келмади».

(Кувонч ўша пайтда ёш бола бўлгани учун унинг мудҳиш кун тўғрисидаги ҳамма сўзларини ҳам ишонарли, деб бўлмайди. 1937 йили бўлиб ўтган қама-қама пайтида НКВД ходимлари кўпинча шаҳар уйқуга кетганида «ов»га чиқишган. Зеро, уларнинг қамоққа олиш операциялари ўта яширин ҳолатда ўтказилиши лозим эди. Бинобарин, уларнинг соат саккизларда келиб, эрта тонгга қадар тинтув ўтказишлари мумкин эмас. Бегинлар оиласида «катта тинтув» қилишга арзирли архив ҳам, кутубхона ҳам бўлмаган, ўшанда.)

* * *

Шу ерда сиз, ҳурматли китобхоннинг ижозатингиз билан яна бир лирик чекиниш қилсам.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимлари тузила бошлаган 1933 йилнинг охири-1934 йилнинг бошларида уюшманинг Хоразм вилоят бўлимига Қурбон Бегиннинг тавсияси билан Абдулла Матёқубов (1910-1948) раис этиб сайланган. У истеъдодли шоир ва носир бўлган ва унинг «Қилич» романи 30-йилларда анчагина шуҳрат қозонган. Абдулла Матёқубов хоразмлик шоир Абдулҳамид Мажидий (1902-1939) билан яқин ижодий ва инсоний муносабатда бўлиб, унинг 1938 йил январиди Самарқандда НКВД ходимлари томонидан қамоққа олинишига иттифоқо гувоҳ бўлиб қолган ва шу ҳақда «Сўнгги кеча» деган воқеий ҳикоя ёзган.

Бугунги ва келажак авлодлар шу шармандали жараённинг қандай кечганлиги тўғрисида тасаввур ҳосил қилишлари учун профессор Баҳодир Каримов томонидан эълон қилинган мазкур ҳикояни қуйида жузъий қисқартириш билан сиз ҳурматли ўқувчининг эътиборингизга ҳавола қиламан.

17 январь кечаси мен беш яшар қизим билан уйда ёлғиз қолдим. Дилбарнинг опаси хизматчи хотин билан бирга от ўйинига кетган эди.

У ўта шўх эди. Бўйнимга миниб олганини сезмай қолар эдим мен. У бўйнимга миниб олгандан сўнг ингичка қўллари билан сочларимни ушлаб, «туя-туя» қилар, унинг айтганини қилмай тушириб кўйсам, ҳеч бир сўзлашмасдан бир бурчакка бориб йиғлар эди. Мен унинг ёнига бориб аҳвол сўрасам, юпатмоққа тиришсам, ўзича сира англаб бўлмайтурган бир товуш билан сўзланар эди.

- Қизим, нима деяпсан, тушунтириб сўйла! — дер эдим мен.

- Нигорнинг дадаси яхши, ҳар кун, ҳар кун «туя-туя» қилади, — дер эди у.

- Нигор дадасининг айтганини қилади, ақлли қиз. Сен ҳам менинг айтганимни қилсанг, «туя-туя» қиламан. Қани айт, қиласанми, айт!

Дилбарнинг юзида қувонч пайдо бўлди:

- Қиламан. Дада, айтинг! — деганича бўйнимга осилиб, мени қайта-қайта ўпди. Мен уни кўтариб олиб, ичкари уйга киритдим. Патефонни кўйиб, «ўйна», дедим. У ҳам «хўп, дада», деб ўйинга тушди. У жуда келиштириб, баъзан қизиқчилик қилиб, бошини тебратиб, қошларини чимириб, мени кулдира-кулдира бирдан қулай фурсат топиб, худди чаққон маймун болаларидек, миниб олиб, «туя-туя» деганича оёқлари билан тепсиниб, «ҳайт-ҳайт» дер эди. Мен бўлсам уй ичида лўкиллаб, у ёқ-бу ёққа чопар эдим.

Шу пайт эшикдан кимдир келиб кирди. Дарров елкамдан Дилбарни тушириб, ташқи уйга чиқдим. Ҳарасам, Абдулҳамид Мажидийнинг хизматчиси экан. У мени кўриши билан бир хатни бериб, жавоб ёзиб беришимни русчалаб сўради. Мен хатни ўқиб бўлиб, хатга бошқа бир қоғоз орқали жавоб бериб жўнатдим.

Бу вақт кеч соат ўн ярим эди. Хатда Мажидий мени оилам билан уйига таклиф қилган. Келишимни таъкидлаб сўрабди.

- Дада, — деди Дилбар, — қаерга борасиз?

- Нигорларникига. Опангага хат ёзиб қолдирамиз. Унинг ўзи борар, — дедим.

- Мен ҳам бораман, дада.

Мен уни кийинтирдим. Ўртоғимга хат қолдириб, ташқарига чиқдик. Иссиқ уйдан чиқиш билан изгирин шамол аралаш аччиқ совуқ юзга урилди. Биз югуриб бориб, трамвайга миндик.

Биз тунги бир яримгача ҳангомалашиб ўтирдик. Ичимлик ҳам ҳаддан ортиқ, озгин, чакка суюклари бўртиб чиқиб турган, ожизги-

на Мажидий бу сафар ҳеч қизармади. Аввалларда икки рюмка ичиш билан тулумдек қизариб, ҳар хил қизиқ-қизиқ ҳикоя, эртақлар, ҳикматли сўзлар ва афандилар сўзлаб бературган киши бугун қовоғи солинган, ранги ўчган ва замоннинг бевафолигидан ёнган қиёфада эди. Ўртоғим билан Мажидийнинг ўртоғи Шарифахон Хива сомсаси пишириш учун чиқиб кетганда, Мажидий менга бир сўзни қочирим қилиб қўйди:

- *Равшан!*! — деди у. — *Шу кунларда менда тинчлик йўқ. Хавотир ичидаман.*

Мен унга дунёнинг қайгулари ҳақида камроқ ўйлашни тавсия қилдим.. У бўлса қўл силтаб, менга зарда қилгандек боқди.

- Ана! - деди у қўли билан уйнинг тўрида қўғирчоқ ўйнаб ўтирган Нигор билан Дилбарни кўрсатиб. — Улар дунё ҳақида ғам емаса ҳақли. Чунки улар гўдакчалар. Биз-чи? Ота бўлган кишилармиз, ота бўлган кишилар!

У менинг устозим эди. 1930 йилда уни адабий ишдан четлаштирилди. Пойтахтдан узоқ Хоразмга сургун қилгандек қилиб ҳайдадилар.

У Хоразмда бир қанча вақтларга қадар ишсиз юрди. Кейин кўп қийинчиликлар билан Хоразм вилоят театрини ташкил қилиб, унда адабий қисм бошлиғи бўлиб ишга тутинди. Ана шу вақтларда мен эндигина газетада ишлай бошлаган, майда-чуйда адабий нарсалар ёзишга киришган эдим. «Абутанбал» ва «А.Мажидий» деб машҳур от чиқазган бу ёзувчининг қалами Хоразм газеталари бетларида ва театрда машҳур бўлиб кетди. Мен унинг билан танишиб олгандан кейин уни вилоят газетасига ишга жойлаштиришга сабабчи бўлдим. Шундан сўнг у менга то сўнгги кунларигача ўз ёрдамини аямади. - ҳатто бир қанча катта асарларимни унинг ўзи таҳрир этиб, камчиликларини кўрсатиб бериб, асарларимнинг силлиқ - кучли чикувига сабабчи бўлди. У асарда адабий нуқтадан нуқсон бўлувини сира кўра билмас, адабий нодонликка қарши марҳаматсиз курашар эди. 1926 йилда бўлса керак, унинг «Хандон лолалар» деган шеърлар тўплами босилиб чиққан эди. У бу тўпланда ўзининг миллатчилик қарашларини очиқча ёзган. Ва шу сабабдан Хоразмдан ҳайдалган!

Мен бу воқеаларни хаёлимдан ўтказиб олдим. Хива сомсаси келтирилди. Тағин ичдик. Сўхбат қизиди... Соат иккидан 20 минут ўтганда, мен кетиш учун рухсат сўрадим. Абдулҳамид рухсат бермади. У шунда бу кун қолиб кетувимни таклиф этди. Унинг сўзини ўлдиришни мен истамас эдим. Хотинлар ичкариги уйда, биз бўлсак, ташқарига уйда ётдик.

Энди ширин уйқуга кетганимизда, эшик қоқилиб қолди. Ҳарасак, битта милиция ва НКВД ходими келиб турибди. Мажидий ав-

вало бир оз оқаринди. Кейин ўзини босиб ола билди. Мен не қиларимни билмай, ҳайрон бўлиб турар эдим.

- *Сиз ким бўласиз? – деди менга қараб НКВД ходими.*

Мен дадиллик билан жавоб қайтардим.

- Мен бу кишининг биродариман. Кеча оила аъзоларим билан меҳмон бўлиб келган эдим»!

- Қаерда ишлайсиз? Хужжатларингизни кўрсатинг!

Мен хужжатимни кўрсатдим. Шундан сўнг менинг иштирокимда келган киши уйни тинтув қилишга киришди. Уй шундай тинтилдики, қаралмаган не шкаф, не оржа-сандиқ, не ёстиқ, не карават таглари қолди! Икки соатга чўзилган тинтувдан сўнг битта қўлёзма асар чиқди. Бу бир қанча шаҳар театрларида зўр ютуқ қозонган «От-сиз» номли пьеса эди. Бу қўлёзманинг бир чеккасига бир йил илгари «Акмал Икромовга! Шу асарни саҳналаштирувга кўмак этинг!» деб ёзилган экан. Бу сўз ёзилган чоқда А.Икромов фирқа кўмитасининг бош саркотиби бўлган. Бу, ёзувчининг «аксилнқилобчилар» билан яқин муносабатда, алоқада бўлганини кўрсатувчи катта хужжат! Иккинчи хужжат топилмади. У А.Мажидийнинг 1919-1921 йилларда Истанбулга бориб, чет элда ўқигани ҳақидаги гувоҳнома эди.

- Сиз қамоққа олиндингиз! Айбингизни шу ёқда эълон қиламиз. Кўрпача, пул-мул олингиз, зарар қилмас!

Нигор уни олиб чиқаётганда узала ётиб, оёқ чалиб йиглаб, Дилбар бўлса, милицияга қараб хўмрайганча қараб турар эди.

Мен устозимнинг кўзига боқдим. У менга боқди. Буни сезиб қолган чекист:

- *Хайрлашинлар, балким қайтиб кўришмак насиб бўлмас! – деди.*

Бу сўзни эшитгандан сўнг Шарифахон билан менинг ўртоғим ҳам, опасига эргашиб қизим Дилбар ҳам йиглаб юборди.

Мажидийнинг ўтли кўзлари чекистга ташланди:

- Эй бағритош одам! Не учун илжаясан? Бу йиғи сенга роҳат бағишлайдимиз?

У шу сўзларни айта олди. Чекист унга сўзлов учун имкон бермади. Олдига солиб олиб чиқиб кетди. Уй ичи мотамга айланди.

Бу сўнгги кеча мени устозимдан ажратди. Эртаси китоб магзинига борсам, унинг янгигина босилиб чиққан «Қалдирғоч», «Ҳангома» деган асарлари сотишдан тўхтатилибди. Босилаётган девони, ҳажвий ҳикоялар тўплами ҳам босмадан тўхтатилибди.

Мана, халқ ичидан чиққан битта ёзувчи нима учун йўқ қилиб юборилди. Одамни ҳар нарсадан «қиммат» санайтурган Сталин замонинда интеллигентга нисбатан тугтилган йўл мана қандай!!!

11 сентябрь куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг йиғилиши ўтказилиб, Қурбон Берегин уюшма аъзолари сафидан чиқарилди ва «Совет адабиёти» журнали муҳаррирлигидан олиб ташланди.

Ўша туни қамоқхонада тўлдирилган маҳбуслик анкетасида Қурбон Берегиннинг Тошкент шаҳри Уезд кўчасидаги 23-уйда яшагани, қамоққа олингунига қадар марказқўмда маданий-оқартув бўлими мудирини бўлиб ишлагани, камбағал ҳунарманд оиласида туғилгани, ўртадан қуйи маълумотга эга бўлгани, миллати ўзбек, оиласи эса Онажон (ёши ёзилмаган), 9 ёшли ҳувонч, Муҳаббат (ёши ёзилмаган) деган қизлари ва 4 яшар Марат деган ўғлидан иборат эканлиги қайд этилган.

Шундай қилиб, Қурбон Берегин 1937 йил 5 сентябрдан НКВДнинг ички қамоқонасида машаққатли ҳаётининг тутқунлик даврини бошдан кечира бошлади.

ТЕРГОВ

30-йилларда амалда бўлган Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексига кўра, айбланувчи қамоққа келтирилиши билан унга қайси масалада айбланаётганлиги айтилган ҳужжат берилиши керак эди. Нима учундир шундай ҳужжат Қурбон Берегинга орадан қарийб икки ҳафта ўтганидан кейин, 18 сентябрда берилган. Маҳбус бу ҳужжат тагига: «ҳарор менга кўрсатилди. Ўзимни айбдор деб биламан», деб имзо чеккан эди.

Қурбон Берегиннинг шу кеча-кундузда Миллий Хавфсизлик Хизмати архивида сақланаётган “жиноий-тергов иши билан танишган киши уни 1937 йил 3 октябрда, яъни қамоққа олинганидан қарийб бир ой кейин биринчи марта сўроққа чақирилган, деб ўйлаши табиий. Шу ҳол ҳам, унга айблов қоғозининг қарийб икки ҳафтадан кейин берилганлиги-ю унинг айбдор эканини тан олиши ҳам шубҳа уйғотмай қолмайди. Ўзининг бутун фаолияти давомида совет давлати чизиб берган чизиқдан бир қадам ҳам четга чиқмаган, давлат ва партия томонидан берилган топшириқлар қандай бўлишидан қатъий назар, уларни тўла бажарган ва шу сабабли марказқўмда масъулиятли лавозимда ишлаган кишининг биринчи сўроқдаёқ ўзбекистонни СССРдан ажратиб олиш мақсадида тузилган аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси бўлганлигини осон-гаров тан олиши асло мумкин эмас. Чунки у бундай айбни бўйнига олган кишининг НКВД

чангалидан қутулиб чиқа олмаслигини, бола-чақаларининг хонавайрон бўлиши мумкинлигини жуда яхши билади. Шунинг учун ҳам айблов ҳужжатининг Курбон Берегинга 18 сентябрда кўрсатилгани, биринчи сўроқнинг эса 3 октябрда бўлиб ўтганига ишониш қийин. Булар ҳаммаси тергов пайтида айбланувчиларга жисмоний куч ишлатиши билан «донг таратган» Нурми Тригулов ва бошқа терговчиларнинг қора ишларидан биридир. Бизнингча, улар Курбон Берегинга неча кунлар давомида уйку бермай, ярим кечада терговга чақиравериб, уриб-қийнаб, иродасини обдон синдирганларидан кейингина унга айблов қоғозини беришган ва унинг айбдор эканлигини эътироф этишига муваффақ бўлишган.

Нурми Тригуловнинг терговни олиб бориш «усули» тўғрисида Тожи Расулев исмли жабрдийдалардан бири 1940 йил 4 мартдаги такрорий тергов вақтида бундай маълумот берган:

«Мени 1938 йил 11 июль куни қамоққа олишди. Шу куни кечасиёқ Агабеков менга Икромов¹ билан Хўжаев² уюшмасига ёндош ҳолда ҳаракат қилган миллатчиларнинг аксилинқилобий ташкилотига аъзо бўлганинг учун қамоққа олингансан, деди. Сўнгра Агабеков менга аслида йўқ ташкилот тўғрисида кўргазма беришимни таклиф этди. Агар у айтгандай кўргазма беришдан бош тортсам борми, менга нисбатан тергов пайти қатъий чоралар кўрилар экан: ўзимни калтаклайдилар, кейин эса хотинимни ҳам қамайдилар. Охиригача у айтгандек кўргазма беришни истамасам, барибир мени судсиз-сўроқсиз отиб ташлайдилар.

...Мени Филимонов терговга чақирди. Саккиз кеча-кундуз мобайнида камерага қайтариб юбормади. Мени кабинетдан ташқарига чиқаришмади, ухлатишмади... Тригулов мени мудом бўралаб сўкарди, ҳар куни канда қилмасдан калтакларди, урар эди. Ўша кунларда Агабеков билан Тригулов менинг номимдан айтиб туришиб, Филимоновга Ежов номига ариза ёздиришди. Мана шу аризада гўё мен аксилинқилобий ташкилотга аъзо эканимни кўрсатган эдим...»³

1937 йил 3 октябрда бўлиб ўтган «биринчи» сўроқ ҳам худди шундай сценарий асосида олиб борилди. Фақат бу сафар маҳбусни Филимонов эмас, балки Ўзбекистон НКВДсининг қайси бир вилоят шўъбасидан «ёрдам»га чақирилган Вржежевский олиб борди:

хуйида Курбон Берегиннинг тақдирини ҳал қилган 17 варақлик ана шу сўроқ баённомасинининг бир қисминигина келтирамиз:

САВОЛ. Сиз аксилинқилобий миллатчилик ташкилотининг аъзосиз. Сизни аксилинқилобий ташкилотга қачон, ким ва қандай шароитда ёллагани ҳақида кўргазма беринг.

ЖАВОБ. Мен тергов олдида ҳамма гапни ошкор қилишга аҳд қилдим. Мен ўзимнинг «Миллий истиқлол» аксилинқилобий миллатчилик ташкилотида советларга қарши олиб борган ишим тўғрисида ҳаққоний кўргазма бераман.

Мен 1931 йилдан, яъни Усмонов⁴ билан танишган вақтимдан бери миллатчилик ишларини олиб бораман.

Биз хизмат юзасидан бўлган доимий мулоқотларимиз туфайли Усмонов билан яқинлашим қолганмиз, бир-биримизнинг уйимизга тез-тез борар, учинчи бир шахснинг уйида меҳмон бўлганимизда ҳам учрашиб турар эдик. Усмонов буржуа миллатчи ёзувчиларнинг асарлари босилмай қўйганидан норози эканини айтар, мен унинг сўзларига қўшилар эдим ва шу тарзда у секин-аста мени миллатчилик руҳида тарбиялай бошлаган. Мен миллатчилар орасида мунтазам равишда бўлар эканман, бу миллатчилар ўздавнашр ходимлари муҳитидан бўладими ёки асосан ёзувчилар муҳитиданми, ундан қатъий назар, ўзим аксилинқилобий миллатчилик таъсирига тушиб бордим ва бу нарса менинг ўздавнашр аппаратини аксилинқилобчи миллатчи унсурлар билан булғашда, совет ёзувчилари асарларини нашр этиш соҳасида ўздавнашр ишлаб чиқариш режаларини бажармасликда ўз ифодасини топди.

1933 йил сентябрида ўздавнашр ҳайъатига, менинг ҳузуримга Усмонов Мўмин кириб келган. У менинг кабинетимга кириб, Файзулла Хўжаев билан бирга хизмат сафарида бўлганида Файзулла Хўжаевнинг у билан, яъни Усмонов билан ўздавнашр ҳақида, хусусан, мен, яъни Берегин ҳақида узоқ суҳбат қилган. Усмоновнинг айтишича, Файзулла Хўжаев ўздавнашрнинг иши тўғрисида салбий фикрда бўлган. У шунга асосланиб, менинг ўздавнашрдаги ишим мен, яъни Берегин учун ёмон оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун у, яъни Усмонов мени қутқариш учун ЎзКП(б) марказқўмига ишга ўтказиш ҳақида Икромов билан гаплашмоқчи бўлганини айтди. Унинг айтишича, мен у ерда доимий ҳимоя остида бўлишим мумкин.

Усмоновнинг Икромов билан олиб борган музокаралари натижасида мен 1933 йилнинг ноябрь ойида ЎзКП(б) МҚ маданий-оқартув инструктори сифатида ишга ўтдим. Бу ҳол менинг ўздавнашрдаги ишимда рўй беражак кўнгилсизликлардан сақлаб қолди.

Шу вақтдан бошлаб Усмонов мени фаолроқ таъсир доирасига ола бошлади. У энди менга аксилинқилобий миллатчилик кайфиятини очикроқ айтадиган, мен эсам ҳар доим унинг фикрларига қўшиладиган бўлдим.

1934 йилнинг январь ёки февраль ойларида менинг ЎзКП(б)

МҚсидаги хизмат хонамга Усмонов кириб келди ва мен билан суҳбатда у, яъни Усмонов билан Икромов мени ўзларининг одами деб ҳисоблашларини айтди ва гап орасида Икромовнинг ҳам, Усмоновнинг ҳам барча талабларини бажаришим кераклигини қистириб ўтди.

Шундан кейин 1934 йилнинг декабрь ойида, кечқурун Усмонов менинг МҚдаги хонамда бўлганида, ВКП(б) сафларини тозалаш бўйича Ўрта Осие комиссияси раиси Петерснинг Усмонов бош муҳаррири бўлган «Ленинизм масалалари» китобининг ўзбек тилига қилинган таржимаси ҳақидаги танқидий мақоласи масаласида сўзлаб, бу танқиддан норози эканлигини айтди, Петерснинг ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини тушунмасликда айблаб, бундай камчиликларнинг бўлиши муқаррар, деб ҳисоблади... Мен унинг сўзларига қўшилдим. Шундан кейин Усмонов суҳбатни менинг таҳририм остида босилиб чиққан «Русча-ўзбекча луғат»га кўчирди. Бу луғат ҳам Петерснинг қаттиқ танқидига учраган эди. Усмонов луғатда ҳеч қандай камчилик йўқ, деб айтди.

Усмонов менинг Петерс томонидан қилинган танқидга нисбатан бошқача фикрда эканлигимни, унга бутунлай қўшилганимни кўриб, суҳбатни ўзбекистондаги аксилинқилобий миллатчилик ҳаракати мавзусига бурди ва бир замонлар мавжуд бўлган «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий-миллатчилик ташкилоти ҳақида гапириб кетди. У айтдики, «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилот сифатида расман тугатилган ҳисобланади. Аммо Усмонов ва бошқалар 1930 йилда «Миллий иттиҳод» заминида янги аксилинқилобий-миллатчилик ташкилотини шакллантириб, уни «Миллий истиқлол» деб атаганлар ва бу ташкилот аслида «Миллий иттиҳод»нинг айнан ўзи бўлиб, фақат номигина ўзгарган, холос.

САВОЛ. «Миллий истиқлол» аксилинқилобий-миллатчилик ташкилотининг қандай мақсад ва амалий вазифалари бўлганини айтиб беринг.

ЖАВОБ. Усмонов менга аксилинқилобий «Миллий истиқлол» ташкилотининг асосий мақсади Совет Иттифоқидан мустақил бўлган буржуа миллатчилик руҳидаги ўзбекистонни барпо этиш, деган эди.

Менинг бу ташкилот кимлардан иборат эканлиги ҳақидаги саволимга Усмонов ташкилот масъул партия ва совет лавозимларида ишлайдиган шахслардан иборат, деб тўғри жавоб беришдан қочди. Шундан кейин Усмонов менга ташкилотнинг Англияга орқа қилаётгани, вақт келганда ундан ёрдам олишини, фашистлашган мамлакатлар Совет Иттифоқига қарши уруши бошланганида аксилинқилобий ташкилотнинг кўзғолон кўтариш учун ҳозир куч йиғаётганлигини айтди. У уруш ўзбекистонни ажратиб олиш учун энг қулай шароит, деб ҳисобларди.

Усмонов менга ташкилотнинг қуйидаги йўналишларда фаол иш олиб бораётганлигини айтди:

1. Ўзбекистоннинг партия ва совет аппаратида аксилинқилобий кайфиятдаги эски миллатчи зиёлиларни сақлаш.

2. Ўқув юртлари ва аҳоли ўртасида миллатчилик ғояларини тарғиб қилиш, аксилинқилобий миллатчиликни сингдиришда клублар, театрлар, Совет ёзувчилари уюшмаси ва бошқа маданий-оқартув муассасаларидан фойдаланиш.

3. Ўзбекистон аҳолисининг кенг оммаси ўртасида ғазаб ва нафрат уйғотиш мақсадида партия ва Совет ҳокимияти сиёсатини бузиб кўрсатиш.

САВОЛ. Сиз аксилинқилобий «Миллий иттиҳод» ташкилотига киришга рози бўлдингизми?

ЖАВОБ. *Ҳа, мен «Миллий истиқлол» аксилинқилобий ташкилотига киришга розилик бердим. Аммо Усмонов аксилинқилобий ташкилотнинг борлиги тўғрисида гапирган кун эмас, орадан бир неча кун, тахминан 10 кун ўтганидан кейин. Унинг ўзи менга ўйлашим учун муҳлат берган. Усмонов аксилинқилобий ташкилотга киришга ўша заҳотиёқ розилик беришимни талаб қилмаган. У менга фавқулодда кучли таъсир кўрсатгани учун менинг барибир розилик беришимга ишонар эди. Мен ташкилотга киришга розилик бермагунимча Усмонов, билишимча, эҳтиёт юзасидан ташкилот аъзоларидан бирортасининг исм-шарифини айтмаган.*

Шундай қилиб, аксилинқилобий ташкилотнинг мавжудлиги ҳақида Усмонов билан бўлган суҳбатдан кейин ўн кун ўтгач, у билан телефон орқали келишувга кўра, Совет ёзувчилари уюшмасига бориб, Усмонов билан учрашдим. Усмонов менга аксилинқилобий ташкилотнинг мавжудлиги борасида мен билан қилган суҳбатидан Икромовнинг хабардор эканлигини айтди. Мен бунга шубҳа қилдим, аммо Усмонов ўзи айтган гаплардан Икромовнинг хабардор эканлигини яна бир бор айтиб, мени ишонтирди. Усмоновнинг бу ишонтирарли гапидан кейин мен ташкилотга киришга розилик бердим.

Усмонов ташкилот олдида, хусусан, янги аъзо сифатида менинг олдимда турган кундалик амалий вазифаларни тушунтириб, шу кечакундуздаги асосий амалий вазифа маҳаллий зиёлилар ўртасида, аynиқса, адабий доираларда ва Маориф халқ комиссарлиги йўналишида миллатчилик ишларини кучайтириш; буржуа-миллатчи ёзувчиларнинг жадидизмни кўкка кўтарган, миллатчиликни тарғиб қилган асарларини нашр қилиш ва қайта нашр қилиш йўли билан миллатчилик ғоялари ва буржуа-демократик давлат тузумини тарғиб ва ташвиқ қилишда ўзбек адабиётидан фойдаланиш эканлигини айтди.

Шу мақсадга эришиш учун Мажидий раҳбарлик қилаётган Совет ёзувчилари уюшмаси атрофида миллатчилик кайфиятидаги кучлар тўпланиши лозим. Мен ЎзКП(б) МҚ ва мазкур ташкилотнинг аъзоси сифатида Мажидий билан бирга бу вазифанинг амалга ошишини таъминлашим зарур. Аксилинқилобий зараркундалик ишининг Маориф халқ комиссарлиги йўли билан амалга оширишнинг таъминлашини эса у ўз зиммасига олди.

Ҳошимов Отажондек эски аксилинқилобчи-миллатчи бу ишни Тил ва адабиёт институти йўналишида олиб борадиган бўлди. Усмоновнинг айтишича, бизга фойдали кишиларни совет матбуотида «Қизил Ўзбекистон» газетаси муҳаррири Ҳасанов Муҳаммад оммалаштиради, деб айтди.

Менинг ташкилотга аъзо бўлиб киришга рози, Усмоновнинг олдимга қўйган вазифаларни эса бажаришга тайёр эканлигимга амин бўлган Усмоновнинг огоҳлантиришига кўра, мен фақат у билан алоқада бўлишим, фақат уни танишим, Мажидий, Ҳошимиов ва Ҳасанов билан мулоқотда уларнинг ташкилотга алоқадорлигини билишим ҳақида гуллаб қўймаслигим керак эди. Кейинги иш бўйича топшириқларни мен ундан, Усмоновдан олишим, аммо зарурат талаби билан жиддий масалаларда Икромов билан алоқа боғлаш ҳуқуқига эга эдим. Бироқ ўшанда ҳам у, яъни Усмонов орқали...»¹

Мазкур сўроқ баённомаси билан танишиш шундан далолат берадики, у илк сўроқ баённомаси эмас, ундан аввал бўлган сўроқ ёки сўроқлар пайтида Қурбон Берекин терговчига у талаб қилган сохта маълумотларни бермаган. Ниҳоят, НКВД шафқатсиз ходимларининг жисмоний хатти-ҳаракатларидан кейин, 1930 йил арафасида тарқалиб кетган ва, бинобарин, ўзи аъзо бўлиши мумкин бўлмаган «Миллий истиқлол» ташкилотига гўё кирганлиги ҳақидаги Вржежевский ёки Ширинкин томонидан тузилган ушбу сўроқ қайдномасига имзо қўйишга мажбур бўлган.

Қурбон Берекин шу куни Давлат хавфсизлиги бошқармаси 4-бўлими 2-бўлимасининг бошлиғи, Давлат хавфсизлиги катта лейтенанти Вржежевский ва 4-бўлим шошилинич ишлар бўйича вакили Давлат хавфсизлиги кичик лейтенанти Ширинкин томонидан сўроқ қилинган. Биз бу сўроқ баённомасидан Қурбон Берекиннинг қамоққа олинган таниқли кишилар – Абдулҳамид Мажидий билан Ёзувчилар уюшмасида ҳамкорлик қилгани, Отажон Ҳошимни Тил ва адабиёт институтидаги, Муҳаммад Ҳасановни эса «Қизил Ўзбекистон» газетаси таҳририятидаги иши орқали билгани ва улар билан ҳамнафас бўлганлигидан хабар топамиз. Терговчилар, бундан ташқари,

Анқабой Худойбахтовнинг унинг тавсияси билан радиоқўмигага раис этиб тайинланганини, Абдулла Қодирий ва Элбек сингари «миллатчилар»нинг Қурбон Берегин ва А.Мажидийнинг саъй-ҳаракатлари билан Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлиб сайланганларини, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз», Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетман» қисса ва романлари ҳамда Элбекнинг «Тозагул» достонининг унинг кўмагида нашр қилинганини, «Рус-там», «Тор-мор», «Фунчалар» пьесаларининг эса унинг маслаҳати билан сахна юзини кўрганини «фош этиб», уни шу масалаларда ҳам айблайдилар.

Қурбон Берегиннинг «жиной-архив иши»да бошқа бирорта ҳам сўроқ баённомаси йўқ.

НКВДда жорий этилган тартибга кўра, бирор кишини қамоққа олишдан аввал унга қарши ашёвий далиллар, унинг турли жойларда аксилинқилобий йўналишда ёки совет ҳукумати раҳбарлари шаънига айтган ножўя гап-сўзлари тўпланиб борилган. Қурбон Берегиннинг «иши»да бундай материаллар мутлақо учрамайди. Умуман, Қурбон Берегиннинг ҳаёти ва фаолиятидан НКВДнинг назарига илинувчи бирор хатти-ҳаракат у ёқда турсин, ҳатто бирор гап-сўзни ҳам топиш мумкин эмас. У совет давлатига астойдил ишонган ва шу давлатга сидқидилдан хизмат қилган кишилар қавмидан бўлган. Назаримда, НКВДнинг уни ва унга ўхшаш давлат ва партия ходимларини қамоққа олишдан кузатган мақсади Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевнинг таъсир доирасида бўлган барча кишиларни йўқ қилиб ташлаш ва ўзбекистонда «миллий иттиҳод» ва «миллий истиқлол» сўзларини ҳатто эшитмаган янги, манқуртлашган авлодларни тарбиялаш эди.

Агар яна Қурбон Берегиннинг қамалиш масаласига келсак, маълум бўлишича, НКВД ходимлари ихтиёридаги унга қарши мавжуд маълумотлар у қамоққа олингандан кейингина қўлга киритилган. Ва бу маълумотлар унинг бахтсиз тақдирдошларини қийнаш йўли билан олинган. 1937 йилнинг август-сентябрь ойларида қамоқққа олинганлардан А.А.Цехер 15 сентябрда, М.Шермухамедов 21 сентябрда, С.Л.Кучабо 27 сентябрда, А.Гимадиев 28 сентябрда, А.Каримов 30 сентябрда, М.Усмонов, ҳ.Сорокин, М.Ҳасанов, Д.И.Манжаралар эса 7-8 сентябрда бўлган терговларда ўзбекистонда фаолият кўрсатган аксилинқилобий ташкилотнинг аъзолари қаторида унинг ҳам номини тилга олганлар. Тушунарлики, улар ҳам НКВД ходимларининг қаттиқ жисмоний тазйиқлари остида ўзларига ҳам, бошқаларга ҳам тўхмат қилишга мажбур бўлганлар.

Хуллас, 1937 йил 3 декабрда Қурбон Берегинни шундай қалбаки кўргазмаларга «асосланиб», яна бир қўшимча модда билан айблаш ҳақида қарор тузилади. Маҳбусга қўйилган Ўзбекистон ССР Жиноят Кодекси 57-моддасининг 1-қисмида кўзда тутилган шу айбга кўра, у энди гўё ўзбекистонни хорижий давлат ёрдамида кўзғолон кўтариш йўли билан СССРдан ажратиб олишга уринган эди.

Қурбон Берегинга тухматдан иборат бу айбнинг қўйилиши, бизнингча, унинг аввалги тергов пайтида тан олишга мажбур бўлган айблардан тонишидир. Шундан кейин терговчилар ўзларининг совет давлати берган фавқулодда катта ваколатга эга эканликларини кўрсатиш мақсадида шундай даҳшатли жиноятни ўйлаб топганлар.

Аммо ҳозирча бу даҳшатли жиноятни Ўзбекистон НКВДси бошлигининг розилигисиз маҳбусга расмий ҳужжат сифатида кўрсатиш ва ундан имзо қўйдириб олиш осон эмас эди. Шунинг учун ҳам орадан ўн беш кун ўтгач, 1937 йил 18 сентябрда терговчи ярим кечада маҳбусни чақиртириб, унга бояги бирор ҳуқуқий асосга эга бўлмаган қарорни беради ва бу қарор билан танишиб, имзо чекишини талаб қилади. 3 октябрдан 18 декабргача калтакланавериб, тинкаси қуриган маҳбус қарор тагига: «қарор менга берилди. Ўзимни асосан айбдор ҳисоблайман», деб ёзади-да, имзо чекади.

Бу ўлими ҳисобига НКВД дўзаҳидан қутулишга уринган маҳбуснинг сўнги эътирофи эди.

Аммо агар сезган бўлсангиз, у ўзига қўйилган айбни *асосан* эътироф этмоқда. Демак, у *фақат* бир нарсани — аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси сифатида ўзбекистонни СССРдан чет эл ёрдамида кўзғолон кўтариш йўли билан ажратиб олиш тўғрисидаги айбни тан олмаган. Аммо тергов учун бунинг аҳамияти йўқ. У ўзига қўйилган айбларни *асосан* тан олдим, шунинг ўзи етарли. Агар мабодо тан олмаса ҳам, бунинг заррача аҳамияти йўқ.

Хуллас, шу куни терговчи Вржежевский бичиб тўқиган ва маҳбус имзо чеккан қарорга кўра, Қурбон Берегинга у: «...Ўзбекистондаги аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси бўлиб, ташкилотнинг аксилинқилобий зараркунандалик топшириқларини бажарди, аксилинқилобчи миллатчи унсурларни тўплади, аксилинқилобчи миллатчи ёзувчиларнинг советларга қарши асарларини босиб чиқарди, танқидни ва аксилинқилобчи миллатчилар фаолиятини фош қилишга қаратилган ҳар қандай уринишни бўғиб келди, радио, адабиёт, кино соҳаларида ва маданий-оқартув ишларида аксилинқилобий зараркунандачилик ишларини олиб борди, бу соҳаларнинг аксилинқилобий ташкилотга хизмат қилишига эришди», деган ва ЎзССР ЖКнинг

57, 1 қисми, 63, 66, II қисми ва 67-моддаларида кўзда тутилган айблар қўйилган ҳамда маҳбусни ЎзССР НКВДсининг ички қамоқ-хонасида сақлашда давом этиш лозим, деб белгилан эди.

Шу билан 1937 йилда қамоққа олинган Қурбон Берегин ва бошқа маҳбуслар устидан олиб борилган тергов ишлари тугади.

Аммо СССР НКВДси жойларда тергов ишлари тугаган маҳбуслар устидан бўлажак суд жараёнининг қачон ва қандай ўтказилиши масаласини узоқ вақтгача ҳал қила олмади. Сталин тузган режага кўра, бу суд жараёни совет халқида «халқ душманлари»га ғазаб ва нафрат, совет давлатига, партияга, Сталинга эса садоқат ва муҳаббат туйғуларининг аланга олишига хизмат қилиши лозим эди. Шунинг учун ҳам улар қамоққа олинган, сўнгра улар устидан суд жараёнлари бошланган кунларда собиқ совет мамлакати бўйлаб кўплаб корхона ва муассасаларда уларни лаънатловчи жазавали намойишлар, митинглар, матбуот ва радиода эса улар устига маломат тошларини ёғдирувчи чиқишлар авж олдирилди.

Ниҳоят, 1938 йилнинг баҳори келиб, НКВДнинг республика ва вилоят бўлимларида тергов ишларининг иккинчи босқичи бошланди.

1938 йил 10 октябрда Қурбон Берегин ўзбек халқининг ифтихори, буюк адиб Абдулла Қодирий билан юзлаштирилади.

Бу кўнгилсиз жараён, терговчининг талқинига кўра, қуйидагича кечган:

Айбланувчилар Берегин Қурбон билан Абдулла Қодирийни ўзаро юзлаштирув баённомаси

» __ » мартида бўлиб ўтган.

Айбланувчилар юзлаштириш пайтида бир-бирларини таниганликларини англатганларидан сўнг иш юзасидан берилган саволларга қуйидаги кўргазмани бердилар.

БЕРЕГИНГА САВОЛ. Айтинг-чи, ўзбекистонда Икромов раҳбарлигида фаолият кўрсатган аксилинқилобий миллатчилик ташкилотига аъзо бўлганлигингиз ҳақидаги аввал берган кўргазмангизни тасдиқлайсизми?

БЕРЕГИННИНГ ЖАВОБИ. Ҳа, тўла тасдиқлайман. Мен чиндан ҳам Акмал Икромов раҳбарлик қилган аксилинқилобий миллатчилик ташкилотининг аъзоси бўлганман. Биз ўзбекистонни СССРдан ажратиб олиш, Совет ҳокимиятини қурол ёрдамида ағдариб ташлаш ва ўзбекистонда мустақил буржуа давлатини тиклашга ҳаракат қилганмиз.

Хусусан, менинг аксилинқилобий ишим ҳам ана шу мақсадга қаратилган эдики, мен бу ишимни мазкур ташкилотнинг аъзоси сифатида олиб борганман. Мен адабиёт соҳасидаги аксилинқилобий миллатчилик ишимнинг аниқ фактлари ҳақида ўз кўргазмаларимда баён қилганман.

БЕРЕГИНГА САВОЛ. Ҳаршингизда ўтирган Абдулла Қодирийни яхши биласизми?

БЕРЕГИННИНГ ЖАВОБИ. Менинг қаршимда ёзувчи Абдулла ҳоидирий ўтирибди. Унинг адабий таҳаллуси «Жулқунбой». Мен уни адабиётдаги буржуа миллатчилик оқимининг намояндаси сифатида биламан. У советларга қарши миллатчилик руҳида йирик асарлар ёзган ва шу тарзда ташкилотимизнинг миллий кадрлар тайёрлаш ишида ёрдам берган. Абдулла Қодирийнинг ўзи ҳеч қачон миллатчиликдан воз кечмаган.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙГА САВОЛ. Сиз айбланувчи Берегин кўргазмасининг шу қисмини тасдиқлайсизми?

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ЖАВОБИ. Ҳа, тасдиқлайман.

БЕРЕГИНГА САВОЛ. Айтинг-чи, айбланувчи Абдулла Қодирий сизларнинг советларга қарши миллатчилик ташкилотингизга аъзо бўлганми?

БЕРЕГИННИНГ ЖАВОБИ. Ҳа, Абдулла Қодирий Акмал Икромов билан Файзулла Хўжаев раҳбарлик қилган бизнинг советларга қарши миллатчилик ташкилотимизга аъзо бўлган.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙГА САВОЛ. Айбланувчи Қодирий, сиз шунга тан оласизми?

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ЖАВОБИ. Берегин кўргазмасининг бу қисмини инкор қиламан. Мен аксилинқилобий миллатчилик ташкилотига аъзо бўлмаганман.

БЕРЕГИНГА САВОЛ. Айбланувчи Абдулла Қодирий кўргазмангизни инкор қилапти. Айтинг-чи, Абдулла Қодирий аксилинқилобий миллатчилик ташкилотига аъзо бўлганлигини тасдиқлайдиган аниқ далил келтиришингиз мумкинми?

БЕРЕГИННИНГ ЖАВОБИ. 1932 йили Файзулла Хўжаев шахсан менга Абдулла Қодирий билан унинг советларга қарши миллатчилик руҳидаги асарларини қайта нашр этиш масаласида маслаҳатлашиб кўриш ишини топширган эди. Хусусан, Файзулла Хўжаев унинг «Ўтган кунлар» романи ҳақида гапирган. Сўнгра Абдулла Қодирий билан келишиб, унинг асарларини қайта нашр этиб, чет элга жўнатиш вазифасини юклаган. Файзулла Хўжаевнинг ташкилотимизга аъзо бўлмаган киши ҳузурига одам юбориши мумкин эмас.

Икромов Акмал ҳам Абдулла Қодирийни ўзининг одами сифатида асраш кераклиги ҳақида кўргазма берган. Унинг Икромов Акмалнинг одами эканлиги ҳақида менга ташкилот аъзоси Усмонов Мўмин айтган. Мен у билан бирга Абдулла Қодирийга ҳар қандай шарт-шароитларни яратиб берганмиз., жумладан, биз уни Совет Ёзувчилари уюшмасига аъзо қилиб ўтказганмиз.

Бундан ташқари, Абдулла Қодирийнинг ижодий иши (унинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» романлари) советларга қарши қаратилган эди.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙГА САВОЛ. Айтинг-чи, Икромов Акмал билан файзулла Хўжаев раҳбарлик қилган аксилинқилобий-миллатчилик ташкилотига аъзо бўлганлигингизни яна инкор қилишда давом этасизми?

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ЖАВОБИ. Мен бир нарсани тасдиқлайман, бу — менинг аксилинқилобий миллатчилик ташкилотига аъзо бўлмаганлигим.

Баённомада бизнинг сўзларимиз тўғри ёзилган, ўқидик.

Берегиннинг имзоси.

Абдулла Қодирийнинг имзоси.

Сўроқ қилувчилар: УГБ 4-бўлими бошлиғи ёрдамчиси д/х лейтенанти Трифулов.

4-бўлим шошилинич ишлар бўйича вакили д/х сержанти (сержантнинг фамилияси ёзилмаган, имзоси қўйилмаган).

М.Берегин билан Абдулла Қодирийнинг ўзаро юзлаштирилиши ҳақидаги баённома билан танишган ҳар бир киши юзлаштиришдан мақсад тақдири аллақачон ҳал бўлган М.Берегинни эмас, балки Абдулла Қодирийни аксилинқилобий ташкилотга аъзо бўлганликда айблаш бўлганини яхши тушунади ва улуғ адибнинг НКВД ходимлари олдида ўзини муносиб тутганини кўриб, ифтихор ҳиссига тўлади.

М.Берегинга келсак, у 1938 йил мартада синган иродасини тиклаб ололмаган, раҳм-шафқат туйғуларини батамом унутган торговчилар эса унга бундай имкониятни бермаган эдилар.

Мазкур юзлаштиришдан кейин 1938 йил 30 сентябрга қадар бўлган вақтда Қурбон Берегиннинг маҳбуслик ҳаётида яна қандай мудҳиш воқеалар рўй берди, у, айрим маҳбуслар сингари, содир бўлаётган ноҳақлик ва адолатсизликлар ҳақида шикоят қилдими, ўзининг со-

вет давлати ва коммунистлар партиясига ҳалол хизмат қилиб келганини айтиб, Москвага ариза ёздими ёки очлик эълон қилдими, - унинг жиноий-архив ишида бу масалаларни ёритиши мумкин бўлган бирорта ҳужжат сақланиб қолмаган.

Орадан олти ой ўтгач, 1937 йилнинг 30 сентябрида Қурбон Берегин М.Усмонов билан юзлаштирилади. Биз қуйидаги ҳужжат орқали бу жараённинг қандай кечгани билан танишишимиз мумкин:

Айбланувчилар Усмонов Мўмин билан Берегин Қурбоннинг ўзаро юзлаштириш баённомаси

1938 йил 30 сентябрда бўлиб ўтган.

Айбланувчилар юзлаштириш пайтида бир-бирларини таниганликларини англатганларидан сўнг иш юзасидан берилган саволларга қуйидаги кўргазмани бердилар.

УСМОНОВГА САВОЛ. Айтингчи, қаршингизда ўтирган айбланувчи Берегин Қурбонни қаердан биласиз?

УСМОНОВНИНГ ЖАВОБИ. Берегин Қурбонни бизнинг аксиликқилобий миллатчилик ташкилотнинг қатнашчиларидан бири сифатида биламан, ўзим ҳам шу ташкилотнинг аъзоларидан бириман.

БЕРЕГИНГА САВОЛ. Усмоновнинг аксилинқилобий миллатчилик ташкилотида иштирок этганлигингиз тўғрисидаги кўргазмасини тан оласизми?

БЕРЕГИННИНГ ЖАВОБИ. Йўқ, тан олмайман. Усмонов бу ҳақда бирор далилсиз гапираяпти. У мени қаердан ва қандай билишини сўзлаб берсин.

УСМОНОВГА САВОЛ. Берегиннинг ўзбекистонда мвжуд бўлган аксилинқилобий-миллатчилик ташкилотида иштирок этганини қаердан билишингиз ҳақида кўргазма беринг.

УСМОНОВНИНГ ЖАВОБИ. Берегиннинг аксилинқилобий-миллатчилик ташкилотида иштирок этгани менга шахсан Акмал Икромовнинг сўзларидан маълум. Берегин 1930 йилда ўздавнашр йўналишида ишлаганида, дарсликларни яратиш бўйича зарарқунандалик ишларига раҳбарлик қилган. Мен ЎЗКП(б) МҲ қошидаги маданий-оқартув бўлимининг ходими Берегин билан тез-тез учрашиб, унинг зарарқунандалик ишлари билан шахсан тўқнашиб туришимга тўғри келган. Шу зарарқунандалик иши муносабати билан Берегинни партиядан ўчириш масаласи қўзғатилган ва шу масала юзасидан Икромов

билан суҳбатлашганимда, у Берегинни партияда қолдириш масаласида ижобий фикр билдирган ва шу аснода Берегиннинг аксилинқилобий-миллатчилик ташкилотимизнинг аъзоси эканлигини ва уни шахсан ўзи ёллаганлигини айтган. Ва менга уни амалий аксилинқилобий ишга жалб этишни буюрган эдики, мен шу нарсани бажарганман.

БЕРЕГИНГА САВОЛ. Сиз аксилинқилобий-миллатчилик ташкилотида қатнашганлигингизни қайсарлик билан инкор этишда давом қилаверасизми?

БЕРЕГИННИНГ ЖАВОБИ. Мен аксилинқилобий-миллатчилик ташкилотида иштирок этганлигимни инкор қиламан, чунки мен унинг аъзоси бўлмаганман.

БЕРЕГИНГА САВОЛ. Сиз тергов пайтида аксилинқилобий ташкилотда иштирок этганлигингиз ҳақида кқўргазма бериб, ўзингизнинг аксилинқилобий зараркунандалик ишларингиз ҳақида муфассал сўзлаб бергансиз. Сиз шу кўргазмангизни тасдиқлайсизми?

БЕРЕГИННИНГ ЖАВОБИ. *Ҳа, мен кўргазма берганман, аммо ундан воз кечганман.*

Сўроқ қилувчилар:

УГБ 4-бўлим бўлинмаси бошлиғи Вржежевский.

4-бўлим бошлиғининг ёрдамчиси д/х лейтенанти Тригулов.

Агар биринчи юзлаштириш пайтида Абдулла Қодирий ўзини мардона тутган, Берегин эса бутун эрк-иродасини терговчилар ихтиёрига топшириб қўйган ва иродасиз маҳбус ўлароқ гавдаланган бўлса, бу иккинчи юзлаштиришда ўша манзаранинг тамомила аксини кўрамиз. Энди у ўзини йиғиб олган, терговчиларнинг юзлаштиришдан кейин кўрсатажак барча «каромат»ларига дош бера олувчи маҳбус сифатида тутади. Демак, биринчи юзлаштириш унга катта сабоқ бўлган, у улуғ адибнинг ҳатто НКВДнинг тошюрак терговчилари-ю назоратчилари олдида ҳам буюк инсон бўлиб қолганини кўрган, унинг ўзини мардона тутишидан ибрат олган. У ўзини, ўзидаги кўрқоқликни матонат билан енгган.

Қурбон Берегиннинг галабаси билан яқунланган мазкур ўзаро юзлаштиришдан кейин, кўп ўтмай, 3 октябрда терговчи Нурми Тригулов маҳбусни собиқ ички савдо халқ комиссари Муҳиддин Турсунхўжаев билан юзлаштиради. Юзлаштириш қуйидагича кечади:

Айбланувчилар Турсунхўжаев Муҳиддин билан Берегин Қурбонни ўзаро юзлаштириш баённомаси

1938 йил 3 октябрда бўлиб ўтган.

Айбланувчилар юзлаштириш пайтида бир-бирларини таниганликларини англатганларидан сўнг иш юзасидан берилган саволларга қуйидаги кўргазмани бердилар.

ТУРСУНХЎЖАЕВГА САВОЛ. Айтинг-чи, юзлаштирилаётган айбланувчи Берегин Қурбонни қаердан биласиз?

ТУРСУНХЎЖАЕВНИНГ ЖАВОБИ. Берегин Қурбон аксилинқилобий-миллатчилик ташкилотимизнинг қатнашчиси бўлади. Бу ташкилотга «Миллий иттиҳод» марказий қўмитасининг собиқ аъзоси, Хоразмдаги аксилинқилобий-миллатчилик ҳаракатининг фаол раҳбари Бекжон Раҳмонов томонидан жалб қилинган. Менга бу ҳақда Бекжон Раҳмоновнинг ўзи айтиб берган. У Берегинни келажакда жасур инқилобчи бўлажаги ҳақида гоят юқори фикрда эди.

Берегин Қурбон Икромовга яқин бўлган, унинг ёрдами билан хизмат пиллапоясидан кўтарилган. Бундан ташқари, Берегин Қурбон аксилинқилобий ташкилотимизнинг кўзга кўринган қатнашчиси Воис Раҳимийнинг яқин дўсти бўлиб, Берегин уни партия аъзолари ўртасида ўтказилган сўнгги тозалаш пайтида роса ҳимоя қилган.

БЕРЕГИНГА САВОЛ. Сиз буни тасдиқлайсизми?

БЕРЕГИННИНГ ЖАВОБИ. Йўқ, тасдиқламайман. Аксилинқилобий ташкилот аъзоси бўлмаганман, аксилинқилобий иш олиб бормаганман. Турсунхўжаев ҳозир ёлғон гапиряпти.

ТУРСУНХЎЖАЕВГА САВОЛ. Берегиннинг аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси бўлганлиги ҳақидаги кўргазмангизда қатъий турсизми?

ТУРСУНХЎЖАЕВНИНГ ЖАВОБИ. Ҳа, тасдиқлайман ва қатъий тураман.

Сўроқ қилувчи:

УТБ 4-бўлими бошлиғининг ёрдамчиси Тригулов.

Қурбон Берегин тергов жараёнининг сўнгги босқичига келиб, қонхўр терговчилардан қўрқмайдиган, ўлимга ҳам тик қарай оладиган, ҳалол хизмат қилгани, ишонгани, сиғингани совет давлати ва коммунистлар партиясининг асл моҳиятини тушунган киши бўлиб улгурган эди.

У ана шундай етук киши сифатида СССР Олий Суди ҳарбий Коллегиясининг сайёр сессиясини кутиб олади.

1938 йил 3 октябрда Тошкентда СССР Олий Суди ҳарбий Коллегияси сайёр сессиясининг СССР прокурори ёрдамчиси Шульц-Анн раислигида ўтказилган тайёргарлик мажлисида маҳбус Берегин Қурбонни судга бериш ҳақида қарор қилинди. Шу куннинг эртасига, 1938 йил 4 октябрда, СССР Олий Суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг бригада ҳарбий юристи Алексеев раислигида суд мажлиси бўлиб ўтди. Тунги соат 12 дан 40 дақиқа ўтганида, маҳбус Берегин Қурбон суд мажлисига чақирилди. Берегин Қурбоннинг жиноий иши бўйича берилган ахборотда маҳбуснинг *«айбдор эканлигини тан олмай, дастлабки тергов пайтида берган кўргазмаларидан воз кечганлиги, ўзида ҳеч қачон аксилинқилобий миллатчилик эътиқоди бўлмаганлиги, советларга қарши ташкилотга аъзо бўлмаганлигини айтиётгани»* қайд этилди. Каримов, Шермухамедов, Қодирий, Цехер, Усмонов, Кучабо, Ҳасановнинг қийноқ остида берган кўргазмаларидан парчалар ўқилди. Шундан кейин айбланувчига сўз берилгач, у: *«Булар ҳаммаси — қип-қизил тухмат»*, деди ва номлари тилга олинган шахсларнинг унга нега бундай кўргазма берганликлари сабабини изоҳлай олмаслигини айтди.

Суд мажлисининг баённомасида маҳбус Берегин Қурбоннинг бошқа айтган сўзлари қайд этилмаган. Тунги соат 1 дан 5 дақиқа ўтганида, маҳбус Берегин Қурбонга олий жазо бериш ва унга шахсан тегишли бўлган мол-мулкни мусодара қилиш ҳақидаги ҳукм эълон қилинди.

Қурбон Берегин шу куни ўлим жазосига ҳукм қилинган бошқа ўнлаб сафдошлари билан бирга Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги маҳсус объект — НКВД қатлгоҳида отиб ташланди ва ўша ерга яширин равишда дафн қилинди.

ҚАТЛДАН СЎНГ

1937-1938 йиллардаги қатағон денгизи ўзбекистондан ўн минглаб бегуноҳ кишиларни ўзининг қонли гирдобига тортди. Сталин ва у раҳбарлик қилган совет давлат тузуми собиқ СССР ҳудудларида кўпинча халқ ва мамлакат манфаатларига зид бўлган, инсонни жамиятнинг оддий мурватига айлантиришга қаратилган тадбирларини тўла амалга ошириш учун халқни, биринчи навбатда, унинг илғор қисми - зиёлиларини мунтазам равишда қатағон этиб келди. Ҳатто Иккинчи жаҳон урушини юз минглаб фарзандларининг Қурбон эти-

лиши эвазига ғалабага эришган халқ уруш тугар-тугамас яна сталинча қатагоннинг янги тўлқинига учради.

Агар Қурбон Берегин 37-йил дўзаҳидан омон чиққанида, Москвадаги ўнкунликнинг очилиш тантаналарида Сталин пайдо бўлиши биланоқ қўли оғригунча қарсақ чалганидан пушаймон бўлган, уни кўриб, ҳушидан кетган аёлларнинг, улар билан бирга Сталинни куйлаган, уни бир кўришни ўзи учун катта саодат деб билган, унинг учун ўлимга ҳам тайёр бўлган минглаб, миллионлаб шоирлар, артистлар ва бошқа касб эгаларининг нечоғлик алданганидан афсусланган бўларди. Ҳатто 1953 йилнинг март ойида Сталиннинг — миллионлаб кишиларнинг қони эвазига коммунизм қурмоқчи бўлган дохийнинг вафот этганидан хурсанд ҳам бўлган бўларди.

Мана, ер юзининг олтидан бирини ларзага келтирган «халқлар дохийси» ҳам жувонмарг бўлди. Шу воқеадан кейин кўп ўтмай, унинг беҳисоб суратлари олиб ташлана бошлади. Сўнг жасади Ленин мақбарасидан олиниб, Кремль деворлари яқинига дафн этилди. Сталиннинг қўшиғи авжга минган давр тарихга шахсга сифиниш даври сифатида кирди. Аммо бу даврни шахсга сифиниш эмас, балки шахсга сифинтириш даври, қонли воқеалар иборат қатагон даври деб аташ тўғрироқ бўлади.

1956 йилда Сталин байроқдори ва асосчиларидан бўлган Совет Иттифоқи коммунистлар партиясининг XX съезди шахсан Сталин ташаббуси билан ва унинг раҳбарлигида 30-50-йилларда бўлиб ўтган қатагон сиёсатини ва унинг ижодкорини кескин қоралади. Шундан кейин 30-50-йиллардаги сиёсий қатагон Қурбонларини оқлаш, шу мудҳиш жараёнда бевосита иштирок этган НКВД ходимларини қоралаш ишлари бошланди.

1956 йил 9 июнда НКВДнинг 1937-1938 йилларда кўплаб ватандошларимизни қийратган Нурми Тригулов сўроқ қилинди. Сўроқ баённомасидан маълум бўлишича, 1907 йили Пенза вилояти Кузиско тумани Делиско қишлоғида дунёга келган бу кимса 1925 йили ОГПУнинг Тошкентдаги махсус билим юртини битирганидан кейин, 1925-1935 йилларда Бухоро вилояти туманларида шошилич вазифалар бўйича вакил ёрдамчиси бўлиб ишлаб, сўнг туман суди бошлиғи лавозимига кўтарилган. 1935-1939 йилларда эса Ўзбекистон НКВДсида шишилич вазифалар бўйича вакил, бўлинма бошлиғи ёрдамчиси, бўлинма бошлиғи лавозимларида ишлаган. У шу кунга бўлиб ўтган терговда 1937-1938 йиллардаги қама-қамалар уч босқичда олиб борилгани, дастлаб Файзулла Хўжаевга, кейин Акмал Икромовга, ундан кейин эса Абдулла Каримов ва Султон Сегизбоевга яқин ҳисобланган кишиларнинг қамоққа олинганларини айтган.

«...Маҳбусларнинг тергови, - деган у, жумладан, - ибтидоий усулда, инқилобий қонунчилик қўпол равишда бузилган ҳолда олиб бориларди; ўз айбига иқрор бўлмаган ёки кўрргазма беришдан бош тортган маҳбуслар жисмоний тазйиқ остига олинарди: бир неча кечакундуз мобайнида, узоқ муддат тергов қилинардилар, уюшган ҳолда калтакланардилар...

...Абдулла Қодирий кўрғазмасининг тасдиқномаси 1938 йилнинг март ойида ёзилган-у аммо кун санаси қайд этилмаган. Бунинг сабаби шундаки, Қодирий ўз айбига иқрор бўлмаган ва кўрғазма бермаган эди...

...Маҳбуслар Мўмин Усмонов, Қурбон Берегин, Саъдулла Турсунхўжаев, Назрулла Иноятов, Ғози Олим Юнусовлар билан Абдулла Қодирий юзлаштирилган эди. Юзлаштирувни шахсан ўзим рус тилида, лозим бўлган пайтларда эса ўзбек тилида (ўзбек тилини мукамал биламан) ўтказганман...»¹

Н. Триғулов маҳбусларни тергов пайтида ҳам, уларни ўзаро юзлаштиришдан олдин ҳам қандай қийнагани, кимларни даҳшатли 42-хонага олиб кирганини айтмаган, ҳамма айбни Агабеков, Матвеев, Копосов сингари НКВД ходимларига ва уларнинг раҳбари Апресян билан Леоновга тўнкаган. Қолбуки, Триғулов маҳбусларга бўлган ваҳшиёна муносабатида тилга олган устозларидан, шогирдлари эсандан асло қолишмаган.

Бу ҳақда Иброҳим Худойқулов 1940 йил 10 февраль куни, озод этилганидан кейин НКВД терговчиларига берган кўрғазмасида бундай сўзларни айтган:

«...Узоқ вақт тинимсиз тергов қилинганимдан сўнг битта ариза ёзиб беришга мажбур бўлдим. Ўша аризамни Агабековга бердим. Бироқ, ариза унга маъқул бўлмади ва уни йиртиб-йиртиб юзимга қаратиб отиб юборди. Шундан сўнг Триғулов мени ўз хонасига бошлаб кирди-да: «ҳачонгача ўзингни тентакликка соласан!» деб, мени уч марта урди. Кейин мени 42-рақамли хона ёнидаги хонага бошлаб боришди ва 1938 йилнинг 9 июнидан 10 июнигача ўша жойга қамаб қўйишди. У ерда калтакланаётган кимсаларнинг дод-фарёди, калтак зарбалари баралла эшитилиб турарди. Сўнгра Триғулов мени ўз хонасига бошлаб борди-ю тагин уйдирмадан иборат кўрғазма беришимни талаб қилди. Лекин унинг таклифини узил-кесил рад этдим. Ана шундан кейин Триғулов мени 42-хонага бошлаб кирди. У ерда Агабеков, Триғулов ва мен танимайдиган яна битта ходим биргалашиб мени савалай бошлашди... Мени ҳолдан тойгунимча калтаклашгандан кейин (учинчи мартадан) сўнг тасдиқномага нимаики ёзилган бўлса, ҳаммасига имзо чекиб беришга рози бўлдим...»¹

Ватандошларимизни ана шундай қийнаб-қийратган Тригулов 1939 йили НКВД ходимларининг қонли жиноятлари фош этилганда, ҳеч нарса кўрмагандек, ишдан осон-гаров ҳайдалиб, 84-заовлда цех бошлиғи ўринбосари бўлиб бемалол ишлайверган, ҳатто 1956 йилдаги терговдан ҳам эғнига гард юқтирмай чиққан.

Зулмнинг тиғи ўткир ва қонталаб бўлар, адолат қиличи эса ёмондан ҳам ҳазар қилар экан.

Майли, золимларга ҳам Оллоҳ таолонинг бу дунёда ҳам атагани бордир...

* * *

1956 йилнинг апрель ойидан бошлаб Қурбон Берегин ишини қайта кўриш бўйича гувоҳлар чақирилиб, улардан кўргазма олина бошлади. Аммо бу пайтда нафақат НКВД деганда тиззаси қалтираб, лозими нам бўладиган гувоҳлар, балки НКВД ходимларининг ўзлари ҳам бошланаётган оқлов ишлари ҳақида аниқ тасаввурга эга эмас эдилар. Уларнинг аксари ўша кезларда ўзларига ўзлари ташвиш ортирмаслик учун қатагоннинг бахтсиз Қурбонлари тўғрисида бир оғиз бўлса-да ҳақ сўзни айтишга журъат этмадилар. Шунинг учун ҳам шу йилларда НКВДга чақирилган Қурбон Берегинни яхши билган ва таниган кишиларнинг кўргазмаларидан унинг инсоний қиёфаси ва ижтимоий фаолиятига равшанлик киритувчи маълумотлар жуда оз учрайди.

Мана, Қурбон Берегин билан бирга хизмат қилган кишиларнинг у ҳақдаги фикрлари:

1905 йили Тошкентда туғилган, ўздавнашрнинг катта техник муҳаррири Пинҳасов Яхйял Бениаминовичнинг 1956 йил 20 апрелда берган кўргазмасидан:

«...Аммо айтишим мумкин, нафақат мен, балки ўздавнашрда ишлаган бошқа ходимлар ҳам унга нисбатан ёмон фикрда бўлмаганмиз, чунки Берегин одамларга меҳрибон, диққат-эътибор билан қарайдиган киши эди. У ҳеч қачон одамларга қўпол муомалада бўлмаган, агар бирор одам унга мурожаат этгудек бўлса, унга, албатта, қулоқ солар, уни эшитар эди. Сиёсий томондан эса мен фақат бир нарсани айтишим мумкин: Берегинни Ўзбекистон КП(б) Марказий ҳўмитасига ишга олишганида, биз уни ҳар томонлама текширилган, сиёсий жиҳатдан етук, деб ҳисоблаган эдик...»

1909 йили Фрунзе шаҳрида туғилган, ўздавнашрнинг болалар адабиёти таҳририёти мудир, шоир Муслимов Илёс (Илёс Муслим)нинг 1956 йил 27 апрелда берган кўргазмасидан:

«...Ҳа, Берегиннинг 1932-33 йиллардаги даврини биламан. Чамамда,

у ўздавнашрнинг директори бўлиб ишлаган. Уни онда-сонда мажлис ва кенгашларда кўрганман, аммо у билан мулоқотда бўлмаганман...

...Берегин ўз ишини билган, ишга жиддий қараган киши эди, ходимларга нисбатан яхши муносабатда бўлар, уларнинг илтимосларини ҳамиша диққат-эътибор билан эшитар эди. Мен Берегинни сиёсий жиҳатдан етук киши бўлган, деб айта олмайман. Бошқа бирор нарса дейишим қийин...»

1907 йили Наманган вилоятининг Чуст туманида туғилган, «Ёлқин турмуш» журналининг муҳаррири бўлган, Мўмин Усмоновнинг хотини, 1937-1938 йилларда қатағон этилган Холдорова Собиранинг 1956 йил 30 апрелда берган кўргазмасидан:

«...*(Кўрқиб)* Қа, Берегин бизникида бўларди, лекин жуда кам. Менимча, у оиласи билан бўлган. Ёдимда, мен ҳам турмуш ўртоғим билан қайси бир йилдир Берегиннинг уйда меҳмонда бўлганмиз. ўшанда биз нима тўғрисида суҳбатлашганимиз, Берегин билан эрим нима тўғрисида суҳбатлашганини эслай олмайман...»

1903 йили Когонда туғилган, ўздавнашрда бош бухгалтер бўлиб ишлаган Касабов Сергей Григорьевичнинг 1956 йил 4 майда берган кўргазмасидан:

«...Берегиннинг ишчанлик фазилати тўғрисида шуни айтишим мумкинки, у ишчан, ўз ишини яхши билган раҳбар эди. Ходимлар билан бўлган муносабатида унинг тарафидан бирор ёмонликни кўрмаганман. Берегиннинг сиёсий сифатлари тўғрисида ҳеч нарса айтолмайман. Ўйлашимча, уни марказқўмга ишга олишдими, демак, у сиёсий жиҳатдан етук киши бўлган...»

...Мен Берегиннинг нашриёт ишларини яхши билганлигидан келиб чиқиб айтяпман. Ўзи, ёдимда бор, таҳрир билан шуғулланган, унинг ҳақиқий нашриёт ходими эканлиги яққол кўриниб турарди...

...Эслашимча, (нашриётда) режа бузилган ёки бажарилмай қолган ҳоллар бўлмаган. Берегиннинг ёзувчилар асарларини чиқариш режаларни бажаришга қаратилган чора ва тадбирлар кўрганини шундан ҳам билиш мумкинки, тез-тез коллегия йиғилиб, кейинги иш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинар эди. Тўғри, мен коллегияни йиғилишларида қатнашмаганман. Умуман, Берегин кундалик ишни ҳар доим бош муҳаррир ва ўринбосарлари орқали текширар эди...»

1910 йилда ўш шаҳрида туғилган, Тил ва адабиёт институтинг бўлим мудири, филология фанлари доктори Султонов Иззатнинг 1956 йил 4 майда берган ёзма кўргазмасидан:

«Берегин билан етарли даражада таниш бўлмаганлигим учун у ҳақда кўп нарсани айта олмайман. Берегин Ўзбекистон компартияси

Марказий ҳўмитасида, кейин эса Ўзбекистон Совет ёзувчилари уюшмасида ишлаган. Мен у пайтда уюшма аъзоси бўлмаганман. Берегин «Қизил Ўзбекистон» газетаси таҳририятида ҳам бўлар эди (эхтимол, у таҳририятда ишлагандир, аммо мен бундан хабардор бўлмаганман). Берегин билан қисқа муддатли учрашувларимда мен унда советларга қарши бирор нарсани сезмаганман...»

Маълум бўлишича, Иззат Султон 1937 йил 29 ноябрда Элбек ҳақида бундай кўргазмасида Берегин шаънига бундай сўзларни айтган экан:

«1937 йил ёзида «Ёш ленинчи» газетасида Элбекнинг миллатчи шоир сифатидаги ижодини фош қилувчи мақола босилиб чиққан бўлиб, унда Элбекнинг «Қўшиқлар» деган сўнгги шеърлар тўплами мафкуравий жиҳатдан зарарли ва халтурадани иборат, деб танқид қилинган эди. Бу мақола Совет ёзувчилари уюшмасида муҳокама қилинганида, Берегин билан Усмонов мақолага қарши чиқиб, Элбекка бундай ёндашиш билан биз энг яхши кишиларни совет адабиётидан бездириб қўйишимиз мумкин, дейишган эди. Бу, Элбекнинг миллатчилик гояларини тарғиб қилувчи шоир сифатида совет адабиётини ҳар доим халқ душманлари томонидан қўллаб-қувватланганидан дарак беради».

Иззат Султон 1937 йилда берган ана шу кўргазмасини назарда тутиб, ёзма кўргазмасида яна бундай деган:

«Агар мен юқорида эслаб ўтилган кўргазмамда Берегинни халқ душмани деб атаган бўлсам, унинг давлат хавфсизлиги органлари томонидан ҳисба олиниши фактидан келиб чиқиб айтганман. Менда Берегиннинг советларга қарши унсурларга мансублигини тасдиқловчи бирор асос йўқ».

1905 йилда туғилган, ЎзКП(б) Мҳ ҳузуридаги Партия тарихи институти катта илмий ходими Булатов Шариф Ибодуллиннинг 1956 йил 15 майда берган кўргазмасидан:

«Мен Қурбон Берегинни 1925 йилдан, комсомолда ишлаган йилларимиздан бери биламан. У вилоят (округ) комсомол ташкилотининг котиби эди. Мен Гурлан уезди комсомол-ёшлар ташкилотининг котиби эдим. Комсомол ташкилоти ўша вақтда кўтаринкилик билан ишлаган. Берегин комсомол ташкилоти ишини ташкил этишда катта ташаббус кўрсатган.

У 1929 йилдаёқ округ партия кўмитаси аппаратида тарғибот бўлими мудирини ва «Инқилоб кўёши» газетасининг муҳарририни бўлиб ишлаган. Мен Хивада партия мактаби ўқув бўлимининг мудирини бўлиб ишлаганида тарғибот бўлими билан яқин алоқада бўлганман. Бере-

гин мактабга ўқувчилар ва муаллимларни жалб этишга ёрдам берган, маданий-оммавий ишларга, айниқса, ёшларнинг Тошкентга ва республиканинг бошқа шаҳарларига ўқишга юборилишига катта эътибор қаратган. У самарали ишлари учун ЎзССР Марказий Ижроия хўматисига аъзо этиб сайланган.

У 1931 йилда Тошкентга чақириб олинди.

1932 йилда мен у директор (ҳайъат раиси) бўлган ЎзССР Давлат нашриётида у билан бирга ишладим. Бизнинг ишимиз Ўзбекистон Давлат нашриёти аппаратидаги ёт унсурларни тозалашдан бошланди. 20 дан зиёд кишилар бўшатиб юборилди. Берегиннинг ташаббуси билан Ўзбекистон Давлат нашриётида ҳисоб-назорат гуруҳи ташкил этилди, Москвадан полиграфчи мутахассислар (Айзенберг, Матвеев ва бошқа ўртоқлар) олиб келинди, қўлёзмаларнинг ҳажм ва сифатини аниқлаб қайд этиш ишлари йўлга қўйилди. Бу, муқовага буюртма бериш, муаллиф ва таржимонларнинг қалам ҳақларини тўғри белгилаш имконини берди.

У ўздавнашрда ишлаган пайтида кўпгина ташаббуслар кўрсатди. Сиёсат, қишлоқ хўжалиги, болалар адабиёти ва бошқа соҳалар бўйича бўлимлар ташкил этилди. Мавзулар режасини тузиш ишлари тизимли тус олди. Нашр этилаётган китобларнинг мавзулари ва адади йилдан-йилга ўсиб борди.

Мен 1934 йил охирида Ленинградга ўқишга кетиб, 1937 йил июлида қайтиб келдим. У шу йилларда Ўзбекистон КП(б) Марказқўми аппаратида ишлади. Ўша ердаги ишида ҳам ташаббус кўрсатди. 1936 йилда Москвада ўзбек санъати ўнкунлигининг ўтказилиши муносабати билан «Ҳурмат белгиси» орденига сазовор бўлди. Мен ўқишдан қайтиб келганимдан кейин, бир неча ой ўтгач, у ҳибсга олинди.

Мен унинг ота-онасини ҳам биламан. Улар ҳам меҳнаткаш оиладан чиқишган. Менинг қатъий эътиқодим шуки, у бирон-бир миллатчилик ва советларга қарши ташкилот билан алоқада бўлмаган. Уни фақат яхши томондан биламан... У маиший ҳаётда покиза инсон бўлган. Амалий ишларда эса, комсомолда бўладими, бошқа соҳаларда бўладими, Берегин партия чизиб қўйган чизиқдан четга чиқмаган...»

Юқорида кўрганимиздек, 50-йилларнинг ўрталарида аксар сиёсий қатағон Қурбонларини оқлаш ишлари бошланганида, Берегинни билган ва таниган кишиларнинг шундай, умуман ижобий кўргазмалари эътиборсиз қолмади. Тергов ва суд жараёнида бирор ҳуқуқий асос ва ашёларсиз юзлаб кишиларни, шу жумладан, Қурбон Берегиннинг ҳам бекордан-бекорга отувга ҳукм қилинишининг ўзида катта адолатсизлик бор эди. Шунинг учун ҳам тегишли идораларнинг расмий қарори

билан 1956 йил 31 майда Қурбон Берегин вафотидан кейин оқланиб, унинг номидан «халқ душмани» деган ёрлиқ олиб ташланди.

Бу қувончли хабар ўша йилнинг куз ойларида Хоразмга етиб келганида, Қурбон Берегиннинг қизи Муҳаббат тенгдошлари билан бирга пахта далаларида ватанпарварлик бурчини адо этиб юарди. У ўша унутилмас кунни бундай эслайди:

«Университетнинг биринчи курсида ўқиётганимда сентябрь ойи бошланиши билан пахта теримига чиқардик. Кунларнинг бирида, тушлик пайтида, овқатланиб ўтирсам, радиода кўплаб қатагон Қурбонларининг, шу жумладан, отамнинг ҳам оқланганини айтиб қолишди. Раҳмон ака деган домламиз бор эди. Ўша киши келиб, пешонамдан ўпиб, йиғладилар-да, «Ҳақиқат қарор топди, отанг гуноҳсиз эди», дедилар. Мен отамнинг гуноҳсиз эканлигини билардим. Чунки, отамнинг тенгдошлари, яқинлари отам ҳақида фақат яхши гапларни айтишарди. Шунинг учун Сталин ўлганидан кейин отамнинг оқланишига умид қилардим. Аммо ўша куни радиодан отамнинг оқланганини эшитиб, домламнинг мени йиғлаб табриклаганини кўриб, азбаройи қувониб кетганимдан ўзимни шундай йўқотиб кўйдимки, ҳатто унга раҳмат дейиш ҳам ёдимга келмади. Бу, ҳаётимнинг энг қувончли, энг бахтли куни эди. Энди мен отам билан эл-юрт олдида фахрланишим, бор овозим билан: «Мен Қурбон Берегиннинг қизиман!» деб ифтихор қилишим мумкин».

Муҳаббатнинг бу сўзлари фақат унинг эмас, балки опаси ҳувонч, укаси Марат, шунингдек, қариндош-уруғларининг қалбларидан фаввора бўлиб отилган сўзлар ҳам эди.

ҲАЁТ ДАВОМ ЭТАДИ

Қурбон Берегин Тошкентга ишга чақириб олингандан кейин Ўзбекистон Давлат нашриётида ишлаб, пойтахтда истиқомат қилаётган ёзувчилар, таниқли маориф ва маданият арбоблари билан танишди, уларнинг суҳбатларида бўлди, айримлари билан эса яқин алоқа ўрнатди. Кўп ўтмай, 1934 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташкил этилиб, адабиётга, ёзувчиларга эътибор берила бошлади. Қурбон Берегин ана шу жараёнда марказқўм маданий-оқартув бўлими мудири ва Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг аъзоси сифатида фаол иштирок этиб, адабий-маданий ҳаётнинг жонланишига ўзининг камтарона ҳиссасини қўшди. Агар Қурбон Берегин ҳибсга олинган пайтда олиб кетилган қўлёзмалар, ҳужжатлар, ёзишмалар, суратлар сақланиб қол-

ганида, унинг шу йўналишдаги хизматлари бизнинг қаршимизда яққолроқ гавдаланган бўларди. Энг муҳими, агар партия, марказқўм Қурбон Берегиннинг жиловини маҳкам ушлаб олмаганида, у балки адабий фаолият билан кўпроқ шуғулланган, бинобарин, ундан сезиларли из қолган бўларди. Унинг 1924-1925 йиллардаёқ «Шарқ қизига», «Шарқ хотин-қизларига», «Ишчи-деҳқонларга» сингари шеърлари билан Хоразм матбуотида ёш шоир сифатида, 1926 йилда эса «Олма отиш», «Чақиртиканақ» ҳикоялари билан «Ер юзи» журнали фаолиятида носир сифатида кўзга кўринганини эсласак, адабий истеъдод уни четлаб ўтмагани маълум бўлади. Қолаверса унинг 1928-1929 йилларда ёзилиб, 1929 йил бошларида нашр қилинган «Шодликли кунлар» деган каттагина воқеий ҳикояси ҳам мавжуд.

Адабий ижодга ихлос қўйган ва Хоразмдалиқ пайтида озми-кўпми қалам тебратиб, ҳамшаҳарлари эътиборини қозонган кишининг Тошкентга кўчиб келиб, дастлаб нашриётда, кейин Ёзувчилар уюшмасида ҳам ишлаганида, китоб, адабиёт ва нашриёт ишлари Қурбон Берегин ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган эдики, унинг шу йилларда шеър ва ҳикоя жанрларида қалам тебратмаганлигига ишониш қийин. Балки 1937 йил 5 сентябрдаги тинтув пайтида олиб кетилган 66 саҳифалиқ шеърлар унинг шеърларидир. Балки тинтув баённомасидаги «1 пачка қўлёзма» хоразмлик ихлосмандлари айтаётган тугалланмай қолган романидир. Ҳар ҳолда умрининг сўнгги йилларида Қурбон Берегиннинг бадиий ижод билан шуғулланганлиги тўғрисидаги хотираларда жон бўлса ажаб эмас.

Анқабой Худойбахтов 1937 йил 10 август куни бўлган биринчи сўроқда Ёзувчилар уюшмасидаги аксилинқилобий кайфиятдан ҳоли бўлмаган ҳайъат аъзолари сифатида биринчи бўлиб марказқўм тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири Мўмин Усмонов, сўнгра Раҳмат Мажидий, ундан кейин эса Қурбон Берегиннинг номларини тилга олган эди. Раҳмат Мажидий 1935 йилнинг охирларида Москвага ўқишга юборилганидан кейин уюшмага икки киши – Мўмин Усмонов билан Қурбон Берегин раҳбарлик қила бошлашди. М.Усмонов марказқўмдаги катта бир бўлимнинг мудири бўлганлиги сабабли Ёзувчилар уюшмаси фаолиятида Қурбон Берегинчалиқ яқиндан иштирок эта олмади. Уюшмага раҳбарлик қилиш Қурбон Берегиннинг зиммасига тушди. Шундай кезларда у уюшмани яхлит организмга айлантиришга интилди.

Қурбон Берегин ўша йилларда ўтказилган йиғилишларнинг бирида бундай деган эди: «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва ҳар бир ижодкор олдида турган вазифалар шундан иборатки, биринчидан,

бизнинг ёзувчилар оммасини қандай уюштириш керак. Уларни бизнинг уюшмамиз атрофига ва совет ҳокимиятининг бутун тадбирлари атрофида шундай уюштириш керакки, улар бизнинг ҳокимиятимиз қарорларини амалга ошириш ишларида фаол иштирок қилсинлар. Бизга ҳар бир ёзувчини ҳокимият қарорларини рўёбга чиқариш учун кураш фронтида тарбиялаш керак. Ва бизнинг олдимизда турган иккинчи вазифа — ҳар бир ўртоққа ўзининг ёзувчилик мутахассислиги техникасини эгаллашида ёрдам беришдан иборатки, қайсики улар бугун ёки эртага ёш ёзувчилар, деб ҳисобланмасин ва мос келадиган мавзулар бўйича бизнинг кўп миллатлик аҳолимиз кутаётган юксак бадиий асарлар бера билсинлар».

Бундай сўзларни шу йилларда уюшмага раҳбарлик қилган кишигина айтиши мумкин.

Қурбон Беректин уюшма ҳайъати аъзоси сифатида уюшмага раҳбарлик қилганида, марказқўм аъзоси эканлигини унутмай, ҳаддан зиёд ҳушёрлик кўрсатган кезлар ҳам оз бўлмади. Масалан, у қанд касаллигидан озор чеккан Чўлпоннинг Инжиқободдаги Ижод уйида яшаган пайтида Фулом Зафарий олиб келган шотутни даво деб еганлигини эскилик сарқити сифатида қоралади; унинг Москвадан келгач, соғлигининг ёмонлашганига қарамай, М.Горькийнинг «Она» романининг иккинчи бўлими ҳамда «Егор Буличев ва бошқалар» пьесасини, Пушкиннинг «Борис Годунов» пьесаси ва «Дубровский» қиссасини, Лоҳутийнинг «Оврупо сафари» достонини таржима қилгани, «Жўр» шеърлар тўпламини нашрга тайёрлаганини инобатга олмай, уни саботажликда айблаган. Лекин шу билан бирга у ғоявий ва маънавий соғлигига ишонган ёзувчилардан бирига уй олиб бериш, иккинчисини масъулияли лавозимга кўтариш, учинчисининг эса ёзган асарининг нашр этилишига ёрдам берди. Шунингдек, у халқ орасидаги ажойиб истеъдод эгаларни топиб, улар ижоди билан меҳнаткаш оммани яқиндан таништириш ишига алоҳида эътибор берди, айниқса, эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонган бўлса-да, тўла қонли ижод қилишлари учун етарли шароити бўлмаган хоразмлик санъат ва адабиёт намояндаларининг Тошкентга ё доимий яшаш, ё муайян бир маданий тадбирда иштирок этиш учун келишларига сабабчи бўлди. Унинг ташаббуси ва ёрдами билан 30-йилларнинг ўрталарида хоразмлик Матёқуб Харратов, Сафо Муғанний, Мадраим Ёқубов (Шерозий), Матёқуб Отажонов, Ҳожихон Болтаев ва бошқалар Тошкентга чақиртирилиб, улар ижросидаги ашула ва куйлар грампластинкаларга ёзиб олинди. У Комилжон Девоний, Абдулҳамид Мажидий, Матёқуб Абдуллаев сингари ёзувчи, олим ва таржи-

монлар ижодининг Тошкентда равнақ топишига ўз ҳиссасини қўшди. Хоразмда радиоэшиттириш қўмитаси, Урганч шаҳар маориф бўлими, ёшлар театрининг вужудга келишида ташаббускор бўлди.

Қурбон Берегин туфайли Тошкентга кўчиб келиб, ишлай бошлаган кишилардан бири Мадраим Рўзметов эди. Қурбон Берегин Хоразмда ёшлар ташкилотида ишлаган йилларида М.Рўзметов билан танишган ва унинг келажакда моҳир ташкилотчи бўлишига ишонган эди. М.Рўзметов дўстининг ишончини оқлаб, хизмат пиллапоясида ўсиб борди. 1935 йилда Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани ёшлар ташкилотида бир мунча муддат ишлагач, Ўзбекистон ёшлар ташкилоти Марказий ҳўмитасига бўлим мудири бўлиб кўтарилди. Орадан бир йил ўтгач, 1937 йилда у Қурбон Берегиннинг ёрдами билан Москвага бориб, радио ихтисослиги бўйича қандайдир курсни тугатди, сўнг Ўзбекистон радио радио қўмитасининг тармоқ эшиттиришлар бўлимига мудар этиб тайинланди. М.Рўзметовга соябонлик қилган Қурбон Берегин қамоққа олиниши билан унинг боши узра ҳам қора булутлар уймалаша бошлади. Куни кеча Мўмин Усмоновнинг ўринбосари бўлиб хизмат қилган кимсалардан бири қўйидаги хати билан бу қора булутларнинг унинг бошига бало тошлари бўлиб ёғилишига сабабчи бўлди:

М.махфий.

ЎзССР НКВДси УГБ 4-бўлими бошлиғи ўр.Агабековга

Ушбу билан Радиоқўмитада тармоқ эшиттиришлари мудири бўлиб ишлаётган Рўзметов Мадраим тўғрисида материал юбораяпман. Унинг халқ душманлари Берегин ва бошқалар билан алоқасига доир материални текшириб кўришингизни сўрайман.

Ўз томонимдан шуни маълум қиламанки, уни Радиоқўмитадан ишдан бўшатиш ҳақида чоралар кўрганман.

Илова: ? саҳифадан иборат материал.

ЎзКП(б) МҚ партия тарғиботи ва ташвиқоти
бўлими мудири ўринбосари Маленин¹.

Ушбу хат 1938 йил 2 февралда Агабековнинг қўлига етиб бориши билан у ўша куни кечасиёқ шотирларини Мадраим Рўзметовни қамоққа олиш учун юборди. Мадраим ака шу куни Москвага қилган хизмат сафаридан эндигина келиб, ҳали хотини ва бола-чақаларини

нинг дийдорига тўйиб улгурмаган эди. Бечора М.Рўзметов «халқ душмани» Қурбон Берегиннинг яқин кишиларидан бири сифатида 5 йилга қамалиб, азиз умрининг энг яхши йилларини Колимадаги Оратукан лагерида ўтказишга мажбур бўлди.

Қурбон Берегиннинг хоразмлик дўст-ёрларига, таниш-билишларига меҳр-мурувват қўрсатишга интилгани бежиз эмас. Чунки, унинг муайян мақсад йўлида ҳаракат этувчи, ўз даврининг илғор кишиларидан бири бўлиб улғайишида Хоразм Халқ Жумҳуриятининг маданият ва маориф нозири Мулла Бекжон Раҳмоновнинг мураббийлик хизматлари катта бўлган. Мулла Бекжон Раҳмонов 1924 йили бундай деб ёзган эди: “

»Эллик йил бурун маданиятда Хоразмдан озгина юқорироқ даражада турган Япония четга талабалар юбориб, ўқитиб қайтарув соҳасида ҳозирги вақтда Америка ва Европа даражасидан ошгандир.

Хоразмнинг ишчи-деҳқонлари ўзлари оч, ялонғоч бўлсалар ҳам, у ёт юртларга болаларини юбориб, сиёсий ва илмий маълумот олдирмоққа ижтиҳод этадилар».

Ўша даврда Хоразмда ёшларни чет мамлакатларга бориб, таълим-тарбия олиш учун юбориш у ёқда турсин, ҳатто шунга даъват қилиш хавфли эди. Аммо Мулла Бекжон Раҳмонов каби илғор кишилар ўлкани иқтисодий ва маданий жиҳатдан кўтариш учун ҳар қандай қийинчиликка тайёр эдилар. 1922 йилда Хоразм ёшлари ўртасида биринчи бўлиб Марям Султонмуродованинг бухоролик ва тошкентлик ёшлар билан бирга Германияга ўқишга бориши фавқулодда катта ва унутилмас воқеа бўлган эдики, бунда Бекжон Раҳмоновнинг хизматлари йўқ эмас эди. Қурбон Берегин устозининг ана шундай ишларини давом эттириб, имкон топганида, хоразмлик таниқли маърифат ва маданият аҳлларининг фаолияти Тошкентда янада самарали бўлиши мумкин, деган ишончдан келиб чиқиб, уларга мадад қўлини узатиб турди.

Қурбон Берегин бевосита мактабда ўқитувчилик қилмаган бўлсада, 30-йилларнинг қийин шароитида шакллана бошлаган хоразмлик аксар ёшлар: «Мен Қурбон Берегиннинг кадриман», деб мағрурлар нар эдилар. У, ана шу «кадрлар»нинг айтишларича, ҳар бир маърифат ва маданият ходимидан ҳаётни синчковлик билан, қунт ва сабртоқат билан ўрганишни талаб қилар, айниқса, мактаблардаги ўқув дараёинини ҳаёт билан боғлаш лозимлигини уқтирар эди. Тўғри, Қурбон Берегиндан кейин дунёга келган кишиларни ҳар томонлама яхши ва қулай шароитда хизмат қилиб, катта натижаларга эришдилар, деб бўлмайди. Ҳаёт ҳамиша дарё сингари оқар экан, янги-янги қийин-

чиликлар майдонга келиб туради. Бу қийинчиликларни енгиш учун мақсад, ирода, куч-қувват бўлиши лозим. Бундай куч-қувват яшашга, меҳнат қилишга чанқоқ, ўзидан авлодларга ниманидир мерос қилиб қолдириш истаги билан яшаган кишилардагина бўлади.

Минг афсуслар бўлсинки, хоразмлик кексалар Қурбон Берегин тўғрисида сўзлаганларида оғизларидан қанчалик бол томмасин, уни авлодлар учун ибрат намунаси сифатида қанчалик тилга олмасинлар, ушбу рисолаи ёзишда НКВД архивидаги ҳужжатлардан бошқа, ҳақиқат нури билан йўғрилган хотираларни топиш имконияти бўлмади. Аммо ушбу сатрлар муаллифи Хива наққошлик мактабининг асосчиларидан бири, Ўзбекистон халқ рассоми Абдулла Болтаев (1890-1966) нинг 88 дафтардан иборат хотираларида бошқа хоразмлик маърифат аҳли қаторида Қурбон Берегин ҳақида ҳам муфассал маълумот борлигидан ва бу маълумот бир кун келиб юзага чиқиши мумкинлигидан ўзимда мамнуният ҳиссини ҳосил бўлдим.

Ушбу ажойиб зотнинг фарзанди Комил Абдуллаевнинг «Нақшларда битилган умр» деб номланган рисоласида мазкур хотиралар дафтари ҳақидаги бундай сўзларни ўқишимиз мумкин:

«1949 йилнинг ёз ойлари эди, - деб ёзади муаллиф. - Мен ТошДУ тарих факультетининг биринчи курсини тамомлаб, уйга келган эдим. Таътил пайтида музейга, отам ёнига бориб турардим. Бир куни отамдан С.П.Толстовнинг асарини ва умуман Хоразм тарихига доир китобларни сўрадим. Отам бу китобларни дарҳол топиб берди. Сўнг бир оз ўйланиб, хотира дафтарларини варақлай бошлади. Уларнинг ичидан 3-4 дафтарни ажратиб, овозини чиқармай ўқиди, ўқиб бўлгач: «Булар ҳозирча сенга бўлмайди», деб яна дафтар титкилай кетди. Уларнинг орасидан бирини олиб: «Бу сенга бўлади», - деди. Маълум бўлишича, бу Қамзанинг Хоразмдаги шоғирди Соҳиб Назарийга таллуқли материаллар экан.

«Мен отамдан: «Булар сенга бўлмайди», деган дафтарингиз кимлар тарихига оид?» — деб сўраганимда, у: «Булар Хоразмда, ҳатто ўзбекистонда халқ ҳокимиятини мустаҳкамлаш, маданият ва маорифни ривожлантиришда фаол қатнашган Карим Болтаев, Ёқуб Девонов, Қурбон Берегин, Машарип ҳориев, Давлат Ризаевлар ҳақида. Улар «халқ душмани» сифатида отиб ўлдирилганлар, - деб жавоб берди. — Бир вақтлар ҳақиқат юзага келгач, улар яна ўз ўрнини топарлар», - деб қўшиб ҳам қўйди. Шунинг учун ҳам отам 1926 йил апрель ойида касаллиги туфайли вафот этган Соҳиб Назарий таржимаи ҳоли ва шеърларини менга берган экан»¹.

Қурбон Берегин, юқорида Чўлпон муносабати билан тилга олга-

нимиздек, айрим ҳолларда ўзини сиёсий жиҳатдан ўта ҳушёр арбоб сифатида кўрсатган бўлса-да, 1937 йилда ҳибсга олинган қаламкаш дўстларининг тергов пайтида берган маълумотлари унинг ҳамиша ҳам шундай «зийрак» шахс бўлмаганидан шаҳодат беради. Чунончи, 1936 йил 22 февралда Белоруссия Ёзувчилар уюшмасининг ташаббуси билан Минскда озарбайжон шеърояти кечаси бўлганида, ўзбек ёзувчилари ҳам қатнашган эдилар. Ана шу кечада озарбайжон шеърояти тўғрисида Али Нозим маъруза қилган, М.С.Ўрдубоди, Ҳусайн Жовид, Сулаймон Рустам, Мушфиқ, Мамед Рагим, Ашот Граши, Петрусь Бровка сингари озарбайжон, арман ва белорус ёзувчилари иштирок этган эдилар. Ана шу кечадан кейин ўзбек ёзувчилари озарбайжонлик ҳамкасблари билан учрашиб, улар билан мулоқотда бўлганлар. Шунда Ҳусайн Жовид ва Мушфиқ сингари озарбайжон ёзувчилари ўзбек биродарларининг табрик сўзларига жавобан: «Бу ерда озарбайжон шеърояти кечасининг ўтказилиши биз учун катта воқеа эмас. Беларус халқи у ёқда турсин, ёзувчилари ҳам Озарбайжон ва унинг шоирлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга эмаслар. Улар Шарқ шеъроятининг гўзаллигини тушунмайдилар. Бундай кечаларни туркий республикаларнинг пойтахтларида ўтказиш лозим. Мана, улар икки гапнинг бирида: «Маяковский, Маяковский», деб туришибди. Маяковский қаердаю, Фирдавсийлар, Низомийлар, Навоийлар қаерда? Бизга Озарбайжон ёки ўзбекистондан янги Маяковскийларнинг етишиб чиқишига қандай зарурат бор? Бизнинг адабиётимиз фақат миллий анъаналарни давом эттириш, халқ ҳаётини, унинг дарду аламлари, орзу ва интилишларини ифодалаш ҳисобига ривожланиши мумкин. Агар биз Пушкин ёки Маяковский сингари рус ёки белорус ёзувчиларининг ижодий тажрибасидан сабоқ олаверсак, адабиётимизнинг миллийлигига дарз кетади. Ҳар бир адабиёт миллий ўзига хослиги билан аҳамиятли. Иншоолло, сиз, ўзбеклар ҳам, биз, озарбайжонлар ҳам бир миллатнинг - туркий миллатнинг фарзандларимиз. Бизнинг манфаатларимиз муштарак. Бизнинг адабиётларимиз ва халқларимиз ўртасида доимий алоқа бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам биз Москва ёки Минскда эмас, Боку, Тошкент, Олма-ота сингари шаҳарларда учрашиб туришимиз лозим...»

Озарбайжон ёзувчиларининг бундай қарашлари пантуркизмга қарши мафкуравий кураш авж олган бир даврда нотўғри талқин қилиниши, суҳбат иштирокчилари эса шубҳа ва назорат остига олиниши мумкин эди. Шунинг учун ҳам ушбу учрашувда қатнашган шоирлардан бири Тошкентга қайтиб келибоқ шу гапларни Қурбон Берегинга етказган ва ундан тегишли идорага маълум қилишни ил-

тимос қилган. Бироқ Қурбон Берегин, - тергов пайтида айтилишича, — нима учундир бу маълумотга эътибор бермаган.

Худди шунга ўхшаш яна бир воқеа 1937 йилнинг май ойида Москвада ўзбек санъати ўнқунлиги ўтаётган кунларда бўлган. Усмон Носир ресторанда сархуш бир ҳолатда ўтириб, европаликлар шаънига бир неча маротаба ҳақоратомиз сўзларни айтган. Бошқа ёзувчилар бу масалага Берегиннинг эътиборини қаратиб, ундан Усмон Носирнинг хулқ-атворини муҳокама қилиш ва чора кўришни талаб қилган бўлсалар ҳам Қурбон Берегин бунга қулоқ солишни ҳам истамаган.

Тергов вақтида юзага чиққан бундай фактлар Қурбон Берегиннинг расмий мажлисларда ўта сиёсий хушёр, норасмий вазиятларда эса ёзувчиларни улар бошига тушиши мумкин бўлган мушкулотлардан сақлашга интилган киши бўлганлигини кўрсатади. Тахмин қилиш мумкинки, у давлат ва партия ходими бўлгани учун расмий йиғилишларда ёзувчилардан сиёсий фаолликни, аксиликлибий тарғибот ва ташвиқтларга берилмасликни талаб қилган. Аммо шундай ҳодисалар рўй берганида, кўпинча ўзини сезмаганга, билмаганга олган. Бинобарин, у ҳамиша ҳам партия олдидаги масъулият ва бурчнинг итоаткор қули бўлиб қолмаган кўринади.

Қурбон Берегин ҳаёти ер куррасининг олтидан бир қисмида яшаган одамзод қибла қаерда, қайси томонда эканлигини ҳам унутган ва унутишга мажбур бўлган даврда кечди. Давр ҳатто унинг «Оллоберганов» деган, ислом нури порлаб турган фамилиясини ҳам ўзгартиришга мажбур қилди. У Оллоҳдан воз кечган кишининг охирати вой бўлиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмади, ўшанда.

Қурбон Берегин тарихий тараққиёт йўлини инқилобий ҳаракатлар ёрдами билан ўзгартиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган большевизм даврида яшади. Асфандиёрхон давридаги ҳақсизлик ва адолатсизликни, иқтисодий ночорлик ва маданий қолоқликни кўрган навқирон йигитнинг большевикларнинг коммунистик жаннат ҳақидаги чўпчакларига ишонмаслиги қийин эди. Ўзининг қорни тўқ, оиласининг, халқининг дастурхони бут, эл-юртининг озод ва обод бўлишини орзу қилган йигит шу орзусига большевиклар ёрдамига етиши мумкинлигига умид қилди. Большевикларнинг Хоразмда олиб борган маърифий, тарғибий ва ташвиқий ишларида ундаги умидга озиқ берувчи нарсалар кўрингандек бўлди. Айниқса, ҳаётининг Тошкентдалик даврида замонавий ўрта ва олий ўқув юртларининг, саноат корхоналарининг бунёд бўлганини, колхоз ва совхозларда қийинчилик билан бўлса-да, кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг етиштирилаётганини кўрган Қурбон Берегин большевикларга ортиқ даража-

да ишониб кетди. Лекин руспубликадаги энг масъулиятли лавозимларни Россиядан келган ва келаётган гайри миллат вакиллари тобора кўпроқ эгаллаб бораётгани, юқори лавозимларда ишлаётган миллий кадрларнинг ҳам шу кимсалар билан ҳисоблашишга мажбур бўлаётгани уни ўйлантира бошлади. Секин-аста унинг советларга, большевикларга бўлган ишончи камая бошлади. Шундай пайтларда у: «Балки Хусайн Жовид ва Мушфиқларнинг қондошлик бошқа-ю қардошлик бошқа», деганларида маъно борга ўхшайди, деб ўзгача хаёллар оламига кириб чиқадиган бўлди. Унинг руҳиятида иккиланиш аломатлари сезила бошлади. Энди ундаги виждон билан бурч ўртасида низо учқунлари пайдо бўлиб, илгариги аҳиллик йўқола бошлади.

Қурбон Берекин руҳида виждон амри, виждон сўзи, виждон ноласи уйғона бошлаган кунларда қилган ишлари билан мустақиллик даврида яшаётган бизга, ҳозирги авлодларга яқиндир.

Ҳозирги вақтда Қурбон Берекиннинг турмуш ўртоғи Онажон Берекина билан икки фарзанди ҳаёт бўлиб, улар ҳозир Хоразм вилоятида истиқомат қилишади. Ўғли Марат Берекин Хива автобазаларидан бирида инженер-механик, қизи Муҳаббат Берекина Урганч шаҳар халқ маорифи бўлими мудири, ушбу рисоланинг ёзилишига сабабчи бўлган невараси Мақсуд Марат ўғли Берекин эса Хивадаги бошқармалардан бирининг бош директори.

«Мен отамни эслай олмайман,- дейди Муҳаббат. - Амма унинг жўшқин ҳаёти, соф эътиқоди билан чинакамига фахрланаман. Бир вақтлар отам Тошкентда туриб Хоразмда халқ маорифи бўлими ташкил этилганлигини эшитиб, бениҳоя хурсанд бўлган экан. Бахтимни қарангки, бугунги кунда отам севган соҳаларнинг бири - ёш авлод тарбиясининг шу муҳим участкасида мен ҳам иштирок этмоқдаман».

Мен Муҳаббатнинг шундай дил сўзларини эшитганимда, Усмон Носир сингари бўйдоқ ёшида қатагон этилган ва ўзидан зурриёд қолдирмай ўтган юзлаб, минглаб жабрдийдалар кўз олдимга келади. Қурбон Берекин улардан фарқли ўлароқ оила қуриб, бир-биридан ақлли, бир-биридан меҳнатқаш, бир-биридан меҳрибон фарзандларни қолдирган. Улар туфайли, уларнинг фарзандлари ва неваралари туфайли Қурбон Берекиннинг яшаб улгурмаган ҳаёти давом этмоқда.

МУНДАРИЖА

Дебоча	3
Давр шамоллари	4
Йўл бошида	10
Чиниқиш	18
Маданий-маърифий жабҳаларда	21
Адабий-бадий соҳаларда	28
Ижодкорлий фаолияти	39
Юнус Мақсудийнинг ҳикояси	47
Унутилмас кунлар	51
Тантаналардан кейин	55
Мудҳиш анжуман	58
Изтироблар оғушида	63
Машғум кун	68
Тергов	72
Қатлдан сўнг	85
Ҳаёт давом этади	91

Наим КАРИМОВ ҚУРБОН БЕРЕГИН ҚИСМАТИ

Илмий омабон нашр

Муҳаррир *А. Ирисбоев*
Бадий муҳаррир *А. Нарманов*
Техник муҳаррир *Т. Смирнова*
Мусахҳиҳ *Ш. Нишонов*
Саҳифаловчи *А. Турсунов*

Босишга рухсат этилди 10.05.2006. Бичими 60x84/16.
Хажми 2,1 б.т. Нусхаси 1000. Буюртма №
Шартнома № / . Нархи келишилган асосда.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси босмохонаси, Х.Сулаймонова 33.